

SOHIBQIRON YULDUZI

ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

АЪЗОЛАРИ:

академик Акмал Саидов
академик Анатолий Сагдуллаев
академик Дилором Юсупова
Сирожиддин Саййид
проф. Абдурахим Эркаев
проф. Қахрамон Ражабов
проф. Юлдуз Эргашева
проф. Баҳодир Эшов
филол.ф.д. Нафас Шодмонов
Тўлқин Ҳайит
т.ф.д. Г.Мўминова
проф. Шокир Гаффоров
филол.ф.д. Хўжамурод Жабборов

Бош муҳаррир:

Очил Бўриев

Масъул котиб:

Азизбек Норов

Нашр учун масъуллар:

Равшан Тўхтамишев

Илҳом Тоғаев

Саҳифаловчи:

Баҳодир Мусаев

МУАССИС:

SOHIBQIRON SHULASI M.CH.J.
Қашқадарё вилоят матбуот ва ахборот
бошқармасида 2012 йил 12 мартда
14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журнал йилда 4 мартаба чоп этилади.
Журналдан кўчирма олинганда манба
қайд этилиши шарт.

Манзилимиз:

Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,
2-уй. Телефон: 221-13-78. 91.466-80-32
Теришга 24.10.2020 йилда берилди.
Босишга 24.12.2020 йилда рухсат
этилди. 24.12.2020 йилда босилди.
Бичими 70x100 1/16. 8,0 босма табақ.
Адади 140 нусха. Буюртма № 344
Журнал «Photo Express» ишлаб чиқариш
корхонаси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Қарши шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Электрон манзилимиз:

sohibqiron_jurnali@mail.ru

2020 йил № 4 (42)



2021 йил-Ёшларни қўллаб-
қувватлаш ва аҳоли
саломатлигини мустаҳкамлаш
йили.

Журнал таниқли шоир, маънавият
жонкуяри (марҳум) Исмоил Тўхтамишев
ташаббуси билан ташкил этилган.
2010 йилдан чоп этилади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация
Комиссияси раёсатининг 2018 йил
29 декабрдаги 260/7-сонли қарори билан
«Тарих» фанлари бўйича илмий журналлар
рўйхатига киритилган.



БОШ МАҚОЛА

Учинчи Ренессанснинг энг асосий дастури.....4

ТЕМУРШУНОСЛИК

Акмал САИДОВ, Амир Темурнинг шахмати.....10

Ж.БЕГАЛИЕВ, Д. АҲМАДЖОНОВ, Амир Темур даврига оид асосий тарихий манбаларнинг қисқа тавсифи.....17

С.ЛУТФУЛЛАЕВ, О.БОБОЕВ, Амир Темур даврида қўшиқчилик санъати.....22

Ибодулло МЕЙЛИЕВ, Амир Темур ғоридан бошланган шаҳарсозлик.....27

Ўктам МАВЛОНОВ, Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатида илм-фанга ҳомийлик масаласи.....36

Ф.Э.ОЧИЛОВ, М. Ф ЭГАМБЕРДИЕВ, Соҳибқирон Амир Темурнинг меҳмондўстлик фазилати.....40

Жамшид КЎЧАРОВ, Амир Темур даврида Бухорода сиёсий ва ижтимоий ҳаёт: дастлабки мулоҳазалар.....46

ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР-АБАДИЙ

Очил БЎРИЕВ, Комил инсон, жонқуяр мураббий ва фидойи аллома.....51

Тириклардан тирикроқ алломай замон.....57

Шарофат АШУРОВА, Шоир- миллат бошини кўкларга етказди.....60

ТАРИХШУНОСЛИК

Қаҳрамон РАЖАБОВ, Туркистон мухторияти ҳукумати аъзоларининг фаолияти ва кейинги тақдири.....66

Зилола НАБИЕВА, Маданият контекстида антропологияда когнитивизм ва психологизм масалалари.....69

Гулора РАВШАНОВА, Совет ҳокимиятига қарши Мулла Абдурозиқ Хўжандиннинг қуролли ҳаракати.....73

Д.НОРҚУЛОВ, Д.ҚОРАБОЕВА, Интеллектуал салоҳият ва миллий маданий тараққиёт.....79

Дилноза ЖАМОЛОВА, Жаҳидларнинг миллий ташкилотлари қисмати.....87



ТАДҚИҚОТЛАР

Исмоилжон ХЎЖАХОНОВ, Туркистон жадидларининг миллат ҳақидаги қарашлари ва замонавийлик.....	92
Раъно ТЎХТАЕВА, Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий ҳаётига совет молиявий тизимининг таъсири.....	98
Г. НОРМУРОДОВА, Ю. ХОЛХЎЖАЕВА, XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон аҳолиси миллий таркибининг қисқача таҳлили.....	103
Зарнигор АҲМЕДОВА, XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Самарқанд вилоятида кечган демографик жараёнлари.....	108
Очил БЎРИЕВ, Темурийлар даври тарихий манбаларида Қарши шаҳри тавсифи.....	112

РУҲИЯТ СУРАТИ

Азизбек НОРОВ, Ўтмиш кўз юмган воқеа.....	117
---	-----





MILLIY YUKSALISHNING ENG ASOSIY DASTURI

Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” гоёси асосида Учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган ҳозирги даврда анъанага кўра Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатнома билан чиқиш қилдилар. Ушбу Мурожаатнома ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, қуйида ижтимоий соҳага оид қисми журналхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоёмизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

Шу мақсадда **“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”**, деган гоё асосида кенг қўламли ислохотларни амалга оширамиз.

Биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз.

Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умум-башарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз.

Учинчидан, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин



топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Буёқ бобокалонимиз Абу Али ибн Сино, бундан минг йил олдин **"Довюрак ва ботир инсонлар келажақда содир бўладиган қийинчиликлардан қўрқмайди"**, деб бежиз айтмаган.

Яқинда Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида бўлиб ўтган учрашувларда ёшларимиз томонидан билдирилган дадил фикр ва ташаббуслар мени жуда қувонтирди.

Айниқса, куни кеча Ёшлар форумида ўғил-қизларимизнинг ёниб турган кўзларида улкан азму шижоатни, билимга ташналик ва янгиликка интилишни кўриб, янада руҳландим ва улардан куч олдим. Ибн Сино бобомиз айтган довюрак ва ботир ёшлар айнан шу фарзандларим эканига яна бир бор амин бўлдим.

Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргалиқда барпо етамиз.

Ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларимизни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида кириб келаётган 2021 йилга мамлакатимизда **"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"**, деб ном беришни таклиф етаман.

2021 йил номида белгиланган соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш бўйича қуйидаги кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим.

Биринчидан, бола дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади.

Шу боис ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз – боғча ёшидаги ҳар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат.

Келгуси йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан қўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади.

Шунингдек, 2021 йилда мактабга тайёрлашнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болалар ёки уларнинг 82 фоизи қамраб олинади.

Узоқ қишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари янада кенгайтирилади. Бунда ЮНИСЕФ ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда имконияти чекланган болалар учун мактабгача таълимни уйда бериш мо-



дели ҳам йўлга қўйилади.

Иккинчидан, мактаб таълимини тубдан яхшилаш ва унинг сифатини ошириш, муаллимларга муносиб шароит яратиш борасидаги ислохотлар жадал давом эттирилади.

Келгуси йили 30 та янги мактаб қуриш, 320 та мактабни таъмирлаш ва моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида бюджетдан 2 триллион сўм ажратилади.

Соҳада ягона "электрон таълим" тизимини жорий этишга келгуси 2 йилда 250 миллиард сўм йўналтирилади.

Таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўқув дастурлари, ўқитувчи ва домлалар учун методик қўлланмаларни илғор халқаро мезонларга мослаштириш лозим.

Болаларнинг таҳлилий ва креатив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун уларга сермазмун ва тушунарли дарсликлар яратиш зарур. Бу борада келгуси ўқув йилида бошланғич синфларда давлат таълим стандарти ўрнига, илғор хорижий тажриба асосида, болага ортиқча юклама бермайдиган "Миллий ўқув дастури" жорий этилади.

Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланади.

Шунингдек, ҳудудларда хусусий мактаблар фаолиятини рағбатлантириш учун бюджетдан субсидиялар ажратилади.

Ёшларнинг иқтидори ва салоҳиятини тўғри йўналтиришга қаратилган узлуксиз тизим яратилади.

Келгуси йилда юртимизда 10 та Президент мактаби, кимё-биология, математика, ахборот технологияларига ихтисослашган 197 та мактаб ўз фаолиятини бошлайди.

Иқтидорли ўғил-қизларимизнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этамиз. Ушбу олийгоҳда чет элдаги етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар жалб қилиниб, ёшларга энг замонавий дастурлар асосида таълим-тарбия берилади.

Болаларимизнинг меҳнат кўникмаларини мактаб давридан бошлаб шакллантириб бориш мақсадида "касбга ўргатиш тизими" жорий этилади.

Яна бир масала – педагоглар малакасини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, муаллимлар ҳозирги вақтда ҳар 5 йилда малака оширади. Бундан буён уларнинг "ҳаёт давомида ўқиш" тамойили асосида ўз малака-



сини узлуксиз ошириб бориши йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигидан келиб чиқиб, тоифа бериш мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилади.

Яна бир бор такрорлайман, жамиятда ўқитувчи касби энг нуфузли ва обрўли касб бўлиши лозим. Муаллимларимиз болаларга сифатли таълим бериш ва ўз устида ишлашдан бошқа нарса ҳақида ўйламаслиги учун давлат барча шароитларни яратиб бериши зарур. Шу боис ўқитувчи, мураббий ва методистлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш бўйича бошлаган ишларимиз келгуси йилда ҳам давом эттирилади. Бунинг учун халқ таълими ходимларини рағбатлантириш ҳудудий жамғармаларига 330 миллиард сўм йўналтирилади.

Шу билан бирга, 240 мингдан зиёд мактаб ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробарга оширилиб, бюджетдан 400 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади.

Учинчидан, олий таълимнинг қамрови ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга оширилади.

Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Ҳозирги вақтда ёшлар энг нуфузли олийгоҳларга кириш учун интилади, лекин олий ўқув юртлири ўртасида билимли ва иқтидорли ёшларни жалб қилиш бўйича рақобат йўқ. Шу сабабли хусусий олийгоҳларга ҳам зарур мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат буюртмаси бериш тизими йўлга қўйилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қўйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлири тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Нуфузли хорижий университетлар, илмий ва инновацион марказлар билан алоқаларни кучайтириш, улар билан кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришимиз зарур.

Шу муносабат билан келгуси йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртлирининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.

Янги йилда юртимиздаги 30 та етакчи олийгоҳга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш



хуқуқи берилади.

Тўртинчидан, мамлакат тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялардир.

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилади ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилади.

Илгор халқаро амалиёт асосида доцент ва профессор илмий унвонлари, фалсафа ва фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилади.

Энди кейинги йил учун устувор илм-фан йўналишларини белгилаб олишимиз керак.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, дунёдаги деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлганини кўраемиз. Ҳақиқатан ҳам, физика қонуниятларини чуқур эгалламасдан туриб, машинасозлик, электротехника, ИТ, сув ва энергияни тежайдиган технологиялар каби бугун замон талаб қилаётган соҳаларда натижага эришиб бўлмайди.

Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, "Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт", деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилиқ қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим.

Ҳозирги даврда хорижий тилларни мукамал ўрганмасдан туриб, буюк бобомиз айтган ана шундай марраларга эришиб бўлмайди, десак, адашмаган бўламиз.

Бундай ўткир талабга амал қилиб, келгуси йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устувор йўналиш этиб белгилашни таклиф этаман.

Шу мақсадда келгуси йилда таълимнинг барча бўғинларида ушбу фанларни ўқитиш сифатини тубдан ошириш, ихтисослашган мактаблар очиш, малакали педагогларни жалб этиш каби тизимли ишлар амалга оширилади.

Физика бўйича Аҳмад Фарғоний номидаги халқаро фан олимпиадаси ташкил этилади. Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар кўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади.

Бешинчидан, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади.

Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозоридаги талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислоҳ қилинади.

Бундан буён ишчи касблар бўйича талаб қўйишда малака асосий ўрин-



га чиқади.

Шунинг учун Ҳукумат келгуси йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этсин.

Хабарингиз бор, Ёшлар форумидаги учрашувимизда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Бундан ташқари, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-ҳунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади.

Олтинчидан, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари, чин етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болаларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади.

Ҳозирги кунда республикада алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш – нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимиздир.

2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилади.

Умуман, бундай эзгу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фондиди ташкил этиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм йўналтирсак, ўйлайманки, сизлар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайсиз. Бу маблағлар йил давомида кўпайтириб борилади.

Бу ташаббус умумхалқ ҳаракатига айланиши, саховатпеша ҳамюртларимиз ушбу хайри ишга муносиб ҳисса қўшишига ишончим комил.

Олий Мажлис палаталари Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини қонун даражасида мустаҳкамлаб, бу борада фаоллик кўрсатган юртдошларимизни рағбатлантиришни ҳам назарда тутиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қилишнинг ҳам вақти-соати келди” (*Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси, (“Халқ сўзи”, 2020 йил 30 декабрь).*

Ушбу тарихий ҳужжат жаҳон матбуот ва ОАВ ходимлари, етакчи экспертлари, сиёсатшунослар, иқтисодчилар ва олимлар томонидан кенг шарҳланиб, тўла-тўқис маъқуланмоқда ва юксак баҳоланмоқда.

Хуллас, Юртбошимизнинг Олий Мажлисига ушбу навбатдаги Мурожаатномаси нафақат мамлакатимиз аҳолисига, балки жаҳондаги барча халқларга қаратилган эзгу гоялари Учинчи Ренессанс остонасидаги Янги Ўзбекистон аҳли учун энг асосий дастур бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.



TEMURSHUNOSLIK

AMIR TEMURNING SHAHMATI

Акмал САИДОВ,
ЎзФА академиги

*"Амир Темур кўп вақтини шатранж ўйини
устида ўтказган. У ўз даврининг машҳур
шатранжчилари билан бемалол беллаша олган".¹*

**Ҳилда Ҳукҳэм,
инглиз тарихчиси ва адиби.**

"Кундузлари тажрибали ва доно кишилар билан турли мамлакатларни забт этиш шатранжи устида бош қотирдим. Кечалари бўлса тўшагимда ёнбошлаб олиб, мамлакат ишларини қандай юргизиш кераклиги ҳақида ўйладим ва уларни бажариш воситаларини ўзимча тасаввур қилиб кўрдим. Ўзга мамлакатларни забт этиш йўлларини ўз кўнглимда чамалаб, қай тарзда ҳужум қилиб, қандай чекиниш мумкинлигини белгилар эдим. Сипоҳийларим билан қандай муомала қилишим тўғрисида фикр юргизиб, қайси бирини қандай тарбият қилишим керак, қайси ишни қай бирига топширсам, хато қилмаган бўламан деб, ҳар ишнинг олди-кетини ўйлар эдим"², дейди "Тузуқлар"да Соҳибқирон.

Марказий Осиёда шахмат тарихидан

Шахмат ўйини ёки шатранжбозлик анъаналари юртимизда узоқ тарихга эга. XX асрнинг 70-йилларида Сурхондарё вилояти ҳудудидаги Далварзинтепа ва Самарқанд шаҳрига туташ Афросиёб харобаларидан, шунингдек, Фарғона вилояти ҳудудидан топилган қадимий шахмат доналари бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Агар Далварзинтепадан топилган фил ва зебу доналари ҳинд чатурангаси билан шатранж ўртасида пайдо бўлган ўйинга тегишли бўлса, Афросиёбдан топилган фил тишидан ясалган еттита дона - шоҳ, вазир, фарзин, от, фил ва пиёдалар Марказий Осиёнинг такомиллашган шатранжига мансубдир. Таниқли археолог Б.Турғуновнинг айтишича, ушбу шахмат доналари VI-VIII асрларга оид бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб кўп ўйналгани учун силлиқ ҳолдадир. Пиёдалар 2 см, от ва фил 3 см, шоҳ ва фарзин эса 4,5 см катталиқда ясалган.

Шунингдек, ўтган аср бошларида афсонавий қуш тасвирида ишланган шахмат донаси - рух XX аср бошларида Фарғона вилоятида топилган.

¹ Hookham H. Temurlaine the conqueror, London, 1962; Ҳукҳэм Ҳ. Етти иқлим султони (Ҳужжатли-тарихий қисса) - Таржимонлар Ҳ.Тўрабеков ва Ш.Сокин. -Т.: "Адолат", 1999.-320 бет; Хукҳэм Х. Властитель семи созвездий / пер. с англ. Г. Хидоятова. - Т.: "Адолат", 1995.- 320 с.

² Темур тузуқлари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. - Т.: "Ўзбекистон", 2011. - 135-бет.



Қадимий шахмат доналари мажмуига кирувчи ушбу ноёб топилма айна вақтда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж фондларида сақланмоқда³. Бу топилмалар Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон шахматнинг илк ватанларидан эканини яққол кўрсатиб турибди.

Маълумки, қадимий Шарқда шахмат тахтаси жанг майдонини ва унда саф тортувчи доналар ҳарбий қўшинни акс эттирган. Улар пиёдаю отлиғ, филу жанговар аравалар ва саркардалардан иборат бўлган. Кураш жараёни жиҳатидан ҳам, икки томон, яъни рақиблар жангини ифодаловчи атамалар жиҳатидан ҳам шахмат чиндан жанг жараёнини ёдга солувчи ўйиндир. Бинобарин, ёшлик чоғлариданоқ ўзини ҳарбий ишга шайлаган Амир Темур шахмат билан шуғуланмаслиги мумкин эмас эди.

Шахмат ўйини имкониятлари

Математикларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, шахмат тахтасидаги дастлабки ўн юришдан кейин шунчалик кўп вариантлар бўлиши мумкинки, улардаги барча юришларни амалга ошириш учун Ер қуррасидаги жами одамлар 217 миллиард йил давомида доналарни у ёқдан-бу ёққа суришлари лозим экан⁴. Бу секундига неча минглаб операцияларни бажарадиган ҳозирги замон компьютерлари учун ҳам бир неча йил давомида бажариладиган катта юмушдир.

Масалан, 1971 йилда олимлар Г.Адельсон-Вельский, В.Арлазаров ва М.Донский томонидан яратилган "Каисса" шахмат дастурини олайлик. Ушбу шахмат ўйнайдиган компьютер бир секундда шахмат тахтасидаги 200 та позицияни таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлиб, 1974 йили Швецияда бўлиб ўтган компьютер дастурлари ўртасидаги шахмат бўйича жаҳон чемпионатида илк чемпионликни қўлга киритган. Шунингдек, "Каисса" шахмат дастури 1977 йили Канадада, 1980 йили Австрияда, 1990 йили Буюк Британияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида ҳам юқори ўринларни эгаллаган⁵.

Аммо, шахмат ўйнайдиган компьютер одамлар билан баҳсда ожизлик қилгани ҳам маълум. Хусусан, 1977 йил 17 декабрда шотландиялик шахматчи Дэвид Леви билан "Каисса" дастури ўртасидаги шахмат ўйинида инсон техникадан устун экани намён бўлган⁶.

Ҳақиқатан ҳам, инсон мияси, инсоннинг онгу тафаккури ва ақл-заковати минг-минглаб имкониятлар орасидан энг кераклигини дарҳол ажратиб олиш ва ўшалар устида мулоҳаза юритиш хусусиятига эгадир. Ниҳо-

³ Муҳиддинов М. Соҳибқирон дона сурганда (Темурийлар даврида шатранж).- Т.: "Айн", 1996. - 5-бет.

⁴ Қаранг: Г.М.Адельсон-Вельский, В.Л.Арлазаров, А.Р.Битман, А.А.Животовский и А.В.Усков. О программировании игры вычислительной машины в шахматы // Успехи математических наук, Март-апрель, 1970.-С.221-260; Р.С.Гутер, М.В.Донской. машина играет в шахматы / / Квант, 1974, №11.-С.17-22; В.Хенкин. Каисса - чемпион мира // Наука и жизнь, 1975. №1.- С.118-124; Г.М.Адельсон-Вельский и др. Машина играет в шахматы. - М.: Наука, 1983; Е.Гик. Чемпионаты мира среди машин /Компьютер за шахматной доской.-М.: Просвещение, 1991; Кронрод. Невычислительные задачи // Беседы о программировании. - М.: УРСС, 2004.

⁶ Қаранг: А.Е.Карпов, Е.Гик. ЭВМ за шахматной доской/ Шахматный калейдоскоп. - М.: Наука, 1981; Е.Гик. ЭВМ и шахматы // Шахматы и математика. - М.: Наука, 1983; David Levy. Monroe Newborn More Chess and Computers: The Microcomputer Revolution, The Challenge Match.-Computers Science Press, 1980.-Р.6-8.



ятда ўткир хотира ва теран ақл-идрок соҳиби бўлган Амир Темур шахмат ўйинида ҳам юксак маҳоратга эришган.

Соҳибқирон ва шахмат

Энг муҳими, Соҳибқирон шахматни шунчаки вақтни дилхушлик билан ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш ўйини эмас, балки пухта геосиёсий ҳамда амалий режалар тузиш учун ақлни пешлаш машғулоти, деб билган.

Амир Темурнинг кўплаб замондошлари (Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ) хотиралари, ноёб тарихий асарлар, шу жумладан, "Темур тузуклари"да қайта-қайта эътироф этилганидек, Соҳибқирон шаҳар ва мамлакатларни кўпинча қурол кучи ёрдамида эмас, балки ақл-заковат, чуқур тафаккур кўмагида, баайни шахмат тахтасидаги стратегия ва тактика каби қонсиз кураш орқали тинч йўл билан забт этган, рақибини мот қилган.

Табиийки, бунинг учун Амир Темур кечалари шахмат тахтаси узра доналарни моҳирона ҳаракатга келтириб, муайян тайёргарлик кўрган, кундузлари эса режаларини амалга оширган.

Маълум бўлишича, Соҳибқирон ўз даврида шахмат илмида устод даражасига кўтарилган мавлоно **Абдулмалик, Муҳаммад ибн Уқайл ал-Хайми, Зайн ал-Яздий, Алоуддин ат-Табризий** сингари кўплаб олим мутафаккирлар иштирокида махсус шахматхонлик мажлисларини ўтказиб турган.

Хусусан, таниқли фақиҳ олимлардан ҳисобланмиш мавлоно Абдулмалик "**Ҳидоя**" асари муаллифи **Бурҳонуддин Маргиноний**нинг авлодидан бўлиб, Самарқандда мударрислик қилиш билан бирга, шатранж ва нарду ўйинларидан таълим ҳам берган.

Ҳатто, Амир Темурнинг фармони билан уста шахматчи сифатида Табриздан Самарқандга олиб келинган **Хожа Али Табризий** бу ерда **Али Шатранжий Самарқандий** номи билан шуҳрат топган. Ибн Арабшоҳнинг асарида "шатранжчиларнинг алломаси фикҳчи, ҳадисчи (олим) Алоуддин ат-Табризий", деб таърифланган ва бошқа ўринларда гоҳ Алоуддин, гоҳ эса мавлоно Али Шайх, дея аталган киши, фикримизча, айнан Али Шатранжий Самарқандийнинг ўзидир.

Шунингдек, бу номни **Хондамир** ("Ҳабиб ус-сияр" асарида) - Хожа Али Табризий аш-Шатранжий деб, **Ҳофиз Абру** эса ("Зафарнома"да) - Хожа Али Шатранжий ат-Табризий деб ишлатган⁷.

Ана шу тарихий манбаларга қараганда, **Алоуддин ат-Табризий** бир вақтда тўрт киши билан тўртта тахтада гойибона шахмат ўйнай олган. Ҳолбуки, ўша даврларда Европада бу усул билан бир шахматчи икки тахтада аранг ўйнаган.

1401-1408 йилларда Самарқандда яшаб турган ва моҳир шахматчиларнинг баъзилари билан шахсан таниш бўлган Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Алоуддин ат-Табризий ўйинда Зайн ал-Яздийга ортиқча бир пиёда берар ва голиб чиқар, Ибн Уқайлга эса ортиқча бир от беришига қарамай ютар экан.

⁷ Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган; масъул муҳаррир А.Уринбоев. К.2.-Т.: Меҳнат,1992.-86; 163-164-бетлар.



Алоуддин ат-Табризийнинг моҳир шахматчи сифатидаги фазилатларидан бири шу бўлганки, ўйин вақтида ҳеч ўйлаб ўтирмаган, рақиби узоқ фикрлаб юриш қилганидан кейин шу заҳоти ўз донасини юриб қўяверган. Бир вақтнинг ўзида икки рақиб билан ўйнаган, тахтага қарамасдан ўз томонида қандай доналар ва рақиблари томонида қандай доналар борлигини билган.

Ибн Арабшоҳ ўз асарида Амир Темурнинг шахматга қизиқиши, аynиқса, мавлоно Али Шайх билан катта шахмат ўйнаганига доир тафсилотларга тўхталар экан, Соҳибқирон шахмат тахталарининг ғайритабиий шакллари ҳақида маълумот бериб, **"мен унда даврлик ва узунчоқ шахматни ҳам кўрган эдим"**⁸, деб қайд этган.

Ўзбекистон Республикаси Шахмат федерациясининг биринчи вице-президенти, халқаро тоифадаги ҳакам, тарих фанлари номзоди, Марказий Осиё минтақасидан етишиб чиққан биринчи спорт устаси **Мамажон Муҳиддинов** ҳам аynи шу далилларга эътибор қаратган: "Ибн Арабшоҳнинг айтишича, у (*мавлоно Али Шайх - А.С.*) Амир Темур билан катта шахматда ўйнарган. Олим ўша ерда доира шаклидаги ва узунчоқ шахматни ҳам кўрганлигини айтади"⁹.

Амир Темурнинг Алоуддин ат-Табризийга: **"Гўё мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен ҳам шахмат оламида тенги йўқсан"**, шунингдек, "бизлардан, яъни мен ва мавлоно Али Шайхдан ҳар қайсимиз ўз санъатида кароматларга эга бўлиб, беназир кишилармиз"¹⁰, деб юксак баҳолар бергани бежиз эмас.

Бинобарин, машҳур **инглиз тарихчиси Г.Меррей**нинг 1913 йилда Оксфорд шаҳрида нашр этилган **"Шахмат тарихи"** номли китобида шу пайтгача маълум бўлган 29 та Ўрта асрлар шахмат қўлёмалари атрофлича ўрганилган ва улардан бири - аynи вақтда Британия музейида сақланаётган рисола Амир Темур замонида яшаб ижод этган Али Шатранжий Сама-рқандий қаламига мансуб экани аниқланган¹¹.

Али Шатранжийнинг мазкур рисоласида ҳам **"Катта шахмат"** (**"Шатранжи кабир"**) тафсилотлари баён этилган бўлиб, бу ўйинни Амир Темур жуда яхши кўргани таъкидланган. М.Мамажонов, ўз навбатида, Ибн Арабшоҳ қайд этган ортиқча доналари бор катта шахмат ўйини Марказий Осиёда кенг тарқалганига эътиборни қаратган. Тахтаси бўйига ўн, энига ўн бир хонадан иборат бўлган бу шахматда икки туя, икки жирафа, икки илғор (талиъъа) вазир ва бошқа пиёда доналар бўлган.

Ибн Арабшоҳ катта шахматнинг шаклини ўз китобида келтириб ўтган.

⁸ Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган; масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К.2.-Т.: Меҳнат,1992.-87-бет.

⁹ Муҳиддинов М. Соҳибқирон дона сурганда (Темурийлар даврида шатранж).- Т.: "Айн", 1996.-21-бет.

¹⁰ Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан таржима ва изоҳларни, сўз бошини У.Уватов тайёрлаган; масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К.2.-Т.: Меҳнат,1992.-86-бет.

¹¹ Муҳиддинов М. Соҳибқирон дона сурганда (Темурийлар даврида шатранж).- Т.: "Айн", 1996.-23-бет.



XV асрда номаълум хаттот томонидан кўчирилган ушбу қўлёзмада акс этган вазиятдаги 110 катакли катта шахматнинг қарама-қарши томонидан доналарни номма-ном санаб чиқилса, қуйидагича манзара ҳосил бўлади.

Биринчи қатор: фил, шер, туя, ҳўкиз, айиқ, кашшоф, туя, шер, фил.

Иккинчи қатор: рух, от, илғор, жирафа, шер, шоҳ, ҳўкиз, фарзин, жирафа, илғор, от, рух.

Учинчи қатор: рух пиёдаси, шер пиёдаси, илғор пиёдаси, жирафа пиёдаси, шер пиёдаси, шоҳ пиёдаси, фарзин пиёдаси, пиёда пиёдаси, туя пиёдаси, от пиёдаси, рух пиёдаси.

Тўртинчи қатор: фил пиёдаси, кашшоф пиёдаси, ҳўкиз пиёдаси¹².

Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, бу ўйинни ўрганиш йўли амалда осонроқ бўлиб, уни (қуруқ) сўзлар билан шарҳлаш фойдасиздир.

Одатда, Амир Темур қора рангли доналарни танлаган. Соҳибқирон бу ранг тимсолида ўзи учун тушунарли ва равшан бўлган алоҳида вазминлигу теранлик, мислсиз куч-қудрат манбаини тасаввур этган.

Эътибор беринг: қоралар эмас, балки оқлар ўйинни, демакки урушни бошлайди. Бунда ўйин бошида ташаббус оқларнинг қўлида бўлади. Қоралар эса аввалбошда фақат оқларнинг зарбаларини даф қилиш билан кифояланиб туради. Амир Темурни айна ҳолат қаноатлантирган.

Соҳибқирон "оқ" рақибига ўзини кўрсатиши, борлигини намоён этиши, ўй-хаёлидаги режа-мўлжалини фош этиб қўйиши, ҳужумга ишқивоз бўлиб чалғиб қолши учун фурсат берган.

Моҳир саркарда бўлган **Амир Темур шахмат қонуниятини пухта ўзлаштириб олган, яъни агар "қора"лар оқилона ҳимояланиб турса, "оқ"ларнинг ҳар қандай ҳужуми барбод бўладиган вақт келади ва ўйинда омонат бир тенглик онлари бошланади. Шундан сўнг эса ҳақиқий ўйинга навбат етади**¹³...

Бу ўринда Амир Темурнинг шахмат ўйини билан биринчи бўлиб уруш бошламаслик, уруш мақсадга эришишнинг асосий воситаси эмаслигига доир гоёлари ўртасида нақадар ўхшашлик ва уйғунлик, ўзаро мувофиқлик борлиги яна бир бор намоён бўлади.

Темурийлар даврида шахмат тараққиёти

Шахмат ўйини билан боғлиқ анъаналар Темурийлар даврида ҳам давом этган. Хуросонда, айниқса, Ҳиротда санъат ва маданиятнинг кўпгина соҳалари қатори, бир қанча спорт турлари, хусусан, кураш ва шахмат катта раванқ топган. **Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур** асарларида бу ҳақда кўплаб лавҳалар, ҳикоят ва тимсоллар бор.

Жумладан, Алишер Навоийнинг "**Лисон ут-тайр**" достонидаги шахматнинг фалсафий моҳиятини очиб берадиган ажойиб бир ҳикоят шундай бошланади:

¹² Муҳиддинов М. Соҳибқирон дона сурганда (Темурийлар даврида шатранж).- Т.: "Айн", 1996.-23-бет; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. К.2.-Т.: Меҳнат, 1992.-87-бет.

¹³ А. Арапов. Шахматная игра Тамерлана // Интернет-блог "Память о будущем".



*Икки шатранж ўйноғучи устод,
Арсан шатранжга айлаб кушод,
Икки жонибдин бўлуб оромгир,
Туттилар ўртада шатранжи кабир.
Ҳар тарафдин бир шаҳ ўлди ошкор,
Борча ойину сипоҳи шоҳвор...*

Ҳикоят давомида шоир шахмат ўйинини ҳақиқий жангга қиёслайди. Икки рақиб шоҳ ўзининг сипоҳу пиёдаларини ҳаёт-мамонт жангига ташлайди.

Сафларда фил, жирафа, рух ва айиқлар бор. Уларнинг олдида эса пиёдалар жой олган. Бу уруш анча давом этади. Жангнинг барча тартиб-қоида-сига риоя қилинади. Бири ўз сипоҳини қалъага беркитса, бошқаси уни бузишга интилади.

Таниқли шоир ва адиб Носир Муҳаммад талқин этганидек, бу ерда ҳам ҳақиқий жангдагидек лашкар қисмлари - "баронғор", "жавонғор", "қўл", "чоповул", "шиқовул" ва "ҳировул"¹⁴ бор. Лашкарбошининг ўғли (пиёда) ундан олдин жангга киради, уруш майдонининг четига етгач, отасининг ўринбосарига айланади (сипоҳ бўлади).

Аммо, шу пайт ўйинчи ўйинни тўхтатишга қарор қилади. Тахтанинг бир четини кўтариши билан жангу жадалдан асар ҳам қолмайди. Ўйинчи муҳраларни халтага солиб, оғзини бойлайди. Шоҳ қуйига, пиёда эса юқорига чиқиб қолади. Энди бу халтани ўйинчи истаса - сувга, истаса - ўтга ташлай олади¹⁵.

Навоий фикрича, шахмат ҳаётнинг тимсолий бир кўринишидир. Бу ердаги жангу жадаллар, ўзаро душманлик, табақаланиш ҳам Холиқнинг бир амри билан барҳам топади. Ҳаётдан кўз юмгандан кейин шоҳ ҳам, оддий одам ҳам баробар. Шоир бундан хулоса чиқаришга, ўткинчи ҳаётда фақат эзгулик қилишга ундайди.

Юқоридаги мисоллар, бир томондан, Алишер Навоий серқирра истеъдод соҳиби сифатида шахматни ҳам маҳорат билан ўйнагани, бу қадимий ўйиннинг назарий жиҳатларидан яхшигина хабардор бўлганини кўрсатса, иккинчи томондан, шахмат шоирнинг дам олиш вақтларини мароқли ўтказиш воситасигина бўлиб қолмай, балки унинг фалсафий мушоҳадаларини чуқурлаштиришга хизмат қилганидан ҳам далолат беради.

Шахматчи Амир Темур - Ғарб олимлари нигоҳида

Амир Темур ва темурий шаҳзодалар ҳаётида шахматнинг тутган ўрни ҳақида ўрб темуршунос олимлари ҳам бир-бирдан қизиқарли фикр-мулоҳазаларни илгари сурган.

Жумладан, **"Амир Темур ростдан ҳам кучли шахматчи бўлган. Соҳибқирон катаклари ҳам, ундаги доналар ҳам одатдагидан икки**

¹⁴ Амир Темурнинг қўшинларни сафга тизиш тузугида ишлатилган ҳарбий атамалар. Қаранг: Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б. Абдуҳалимов ва бошқ., форсча матндан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж. - Т.: "Ўзбекистон", 2011. - 148; 152; 156-бетлар.

¹⁵ Н.Муҳаммад. Ҳут шамоллари: Сайланма. - Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.-285-бет.



баробар кўп бўлган шахмат тахтасини яратган. Ана шу тахтадаги ўйин учун мутаносиб равишда шахмат комбинацияларининг янги турларини кашф этган", деб ёзган инглиз тарихчиси Гарольд Лэмб.

Ушбу фикрни америкалик ҳарбий тарихчи Р.Нельсон ҳам тасдиқлайди. Унинг фикрича, Амир Темурнинг доналари икки баробар кўпайтирилган махсус шахмат тахтасини ўйлаб чиқарганидан кўзлаган мақсади ўйин муддатини чўзиш бўлган.

Бу шундан далолат берадики, Соҳибқироннинг ўз олдига қўйган мақсади ва уларга эришиш йўллари, геостратегия маъносида, бир-биридан айрим ҳолда тушуниб бўлмайди ва у (Амир Темур) буларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ҳеч қачон бир-бири билан адаштириб юбормаган¹⁶.

Жанг мобайнида Амир Темур нозиклашиб қолган қисмларига ёрдамга шошилган, чунки бу билан бутун режасини барбод қилишларининг олдини олган. Соҳибқироннинг фаросати ва имони шунчалик кучли бўлганки, ҳатто у юришларини энг зарур нуқталарида тўхтатиб қўйиб, бундан ҳам янгироқ юришларни бошлаган.

Лекин шу вақтда ҳам аввал қўйилган мақсадларини эсдан чиқармаган. Келажак юришларини мукамал равишда тайёрлайдиган мубҳам стратег бўлган Чингизхондан фарқли ўлароқ, Амир Темур ҳақиқий реалист бўлган¹⁷.

...Чодир-ўтов. Шахмат. Геосиёсат. Бу тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида ҳолида ва ўзаро мужассамликда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Буюк Соҳибқирон ўз чодирининг сокин муҳитида манаман деган фозилу донишлар билан шахмат доналарини суришиш асносида, ўз геосиёсатининг янги, навбатдаги, истиқболли, мағлубиятсиз, узил-кесил муваффақиятни таъмин этишга, энг муҳими, адолатни барқарор қилишга қаратилган ғоя ва режалари устида бош қотирган.

Мана, нима учун, Ричард Нельсон эътироф этганидек, **"Ютқизиқсиз мақсад - Темур даҳосининг асосини ташкил этади"**¹⁸. Зотан, Амир Темур геосиёсатида унинг маҳоратини кўрсатувчи энг муҳим жиҳатлардан бири - олдига қўйган ўз мақсадига шаксиз эришиш қобилиятидир.

¹⁶ Ричард Нельсон. Темур ҳарбий стратег ва улкан сиёсатдон сифатида // Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни: Халқаро конференция материаллари. - Т.: "Ўзбекистон", 1996.- 33-34-бетлар.

¹⁷ Шу асар. 34-бет.

¹⁸ Шу асар. 33-бет.



AMIR TEMUR DAVRIGA OID ASOSIY TARIXIY MANBALARNING QISQA TAVSIFI

Жавлонбек БЕГАЛИЕВ,
Дониёр АҲМАДЖОНОВ,
Чирчиқ давлат педагогика институти.

Калит сўзлар: соҳибқирон, буюк саркарда, илм-фан, маданият ҳомийси, моҳир дипломат, "Зафарнома", "Амир Темур тарихи", "Темур тузуклари".

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий маданиятимиз, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маънавий мероси қайта ўрганилди ва тикланди ҳамда халқимиз улардан тўла баҳраманд бўлишга муяссар бўлишга эришди.

Қарийб уч минг йиллик бой тарихга, маданият ва бебаҳо маънавиятга эга бўлган, инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларни вояга етказган Ўзбекистон халқи ҳаётида миллий истиқлол туб маънавий янгилиниш жабҳасини бошлаб берди.

Истиқлол йилларида тарих фанидаги ижобий ўзгаришлардан бири бу халқимизнинг миллий қаҳрамони, ўзбек давлатчилиги тарихида муносиб из қолдирган соҳибқирон, саркарда ва давлат арбоби совет тузуми даврида ноҳақ қораланган буюк бобокалонимиз Амир Темур пок номининг оқланиши бўлди. Унинг миллат ва давлат равнақидаги буюк хизматлари эътироф этилиб, соҳибқирон шахсига бўлган муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Маълумки, ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темур муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда соҳибқирон даври тарихини ўрганиш буюк соҳибқирон томонидан мамлакат равнақи, юрт ободончилиги, илм-фан, савдо-иқтисодий, дипломатик муносабатлар ривожини йўлида амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотларга эга бўлиш, ўша давр меросини ўрганиш, таҳлил қилиш, ижодий фойдаланиш ёшларимизни баркамол инсон этиб тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Амир Темур тарихда нафақат давлат арбоби, саркарда ўз навбатида моҳир дипломат, мамлакатлар ўртасида дўстона алоқалар ва савдо иқтисодий муносабатларни ривожлантириш тарафдори, илм-фан ва маданият ривожига ҳисса қўшган шахс сифатида ҳам чуқур из қолдирган.

Соҳибқирон шахси, унинг давлати, ички ва ташқи сиёсати, Темурийлар даврига оид кўплаб аҳамиятга эга бўлган ишлар мустақиллик йилларида амалга оширилди.

Темурийлар даврига оид тарихий ҳақиқатни қарор топтиришда тарихчи



олимлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар: Б.Аҳмедов, А.Ўринбоев, Д.Юсупова, А.Муҳаммаджонов, Т.Файзиев, П.Равшанов, У.Уватов, Омонулла Бўриев, А.Аҳмедов, Муҳаммад Али ва бошқа бир қатор олимлар томонидан тарихий манбалар таржима қилиниб, халқимизга танилди. Бундан ташқари А.Зиё, Ҳ.Бобоев, Ш.Ўлжаева, Очил Бўриев, С.Хидиров, Х.Файзиев, Д.Обиджонова, Б.Усмонов, О.Раҳматуллаева каби кўплаб тадқиқотчилар томонидан илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди, бу даврнинг ҳуқуқий ва тарихий жиҳатлари очиб берилди. Мазкур давр нафақат республикамизда, балки жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб келинмоқда.

Амир Темур даври ўзбек давлатчилиги тарихида ўзига хос ўрин тутди. Мазкур йилларда мамлакат ички ва ташқи сиёсатидаги имконлар, салоҳияти тўла-тўқис намоён бўлди, жаҳоннинг иқтисодий, маданий марказига айланди. Соҳибқирон куч-қудратига Европадан Хитойга қадар улкан ҳудудлардаги давлатлар тан берган ва улар буюк ҳукмдор давлати билан муносабатларни йўлга қўйган.

Соҳибқироннинг адолатли сиёсати, давлат бошқаруви, илм-фан ва маданият ривожини, юрт ободончилиги ва тинчлиги йўлидаги ишлари ҳақида ўша давр ёзма манбалардаги маълумотлар Амир Темур даври тарихини ўрганишга ёрдам беради.

Амир Темур ва унинг даври хусусида Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"[1], Муъиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворих"[2], Шарофуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"[3], Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб алмақдур..."[4], Ҳофизи Абрўнинг "Зубдат ут-таворих", Абураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн", Хондамирнинг "Равзат ус-сафо"[5] ва бошқаларнинг қимматли асарлари мавжуддир. Буюк жаҳонгир ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ичида шубҳасиз "Темур тузуклари"[6] алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида келтириб ўтилган асарларнинг ҳар бири мазкур давр тарихини ёритишда алоҳида ўзига хос ўринга эга ҳисобланади. Ўз навбатида ушбу ҳар бир асарлар муаллифларининг услубларидан келиб чиқиб, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишда муҳим тарихий ва маънавий мерос сифатида ўзига хос ўрин тутди.

1393 йили Амир Темур Бағдодни ишғол қилгандан кейин унинг хизматида ўтган. 1404 йилгача Амир Темур хизматида бўлиб, ҳарбий юришларида воқеанавис ва воиз мансабида иштирок этган Низомиддин Шомий "Зафарнома" асарини 1402-1404 йилларда ёзган. Асар буюк Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишидан яни 1370 йилдан то 1404 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олган[7]. Бу асар содда тилда ва равшон услубда ёзилган Амир Темур даври тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида далилий маълумотларга бой асар ҳисобланади.

Форс вилоятининг ҳокими Темурий Искандар Мирзо саройида хизмат қилган Муинуддин Натанзий қаламига оид "Мунтахаб ут-таворих" деб номланган муқаддима ва уч бобдан иборат умумий тарих тилида ёзилган



асарда[8] ҳам нафақат Амир Темур давлати балки оламнинг яратилишидан то унинг вафотигача мусулмон мамлакатларида юз берган воқеалар ёритилган.

XV асрда яшаб ўтган тарихчи олимлардан яна бири Ҳофиз Абу 1423-1425 йиллари "Зубдат ут-таворих" номли катта тарихий асар ёзган. Асар тўрт қисмга бўлинган бўлиб, айнан тўртинчи қисмида Амир Темур тарихи ҳамда Хуросон, Мовароуннаҳрнинг 1427 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий аҳволи баён этилган[9].

"Темур тузуклари" - Амир Темур давридаги ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. "Тузуки Темурий" ("Темур тузуклари"), "Малфузоти Темурий" ("Темурнинг айтганлари") ва "Воқеоти Темурий" ("Темурнинг бошидан кечирганлари") номлари билан аталиб келган ушбу асар қимматли тарихий манба бўлиб, жаҳондаги машҳур кутубхоналардан жой олган. "Тузуқлар" тарихий ва ҳуқуқий асар бўлиб, унда соҳибқироннинг давлат тузилиши ва мамлакатни бошқариш хусусидаги нуқтаи-назари баён этилган. Асар XV-XVI асрларда ҳукмдорлар, маълумотли кишилар, жаҳон илм аҳли ўртасида шуҳрат топган.

"Темур тузуклари" буюк соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарлар ичида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қимматли асар "Тузуки Темурий" - ("Темур тузуклари"), "Малфузоти Темурий" - ("Темурнинг айтганлари"), "Воқоти Темурий" - ("Темурнинг бошидан кечирганлари") номлари билан аталган тарихий манба бўлиб, дунёдаги машҳур кутубхоналардан жой олган. Тарихий ва ҳуқуқий ушбу асарда Амир Темурнинг давлат тузилиши, мамлакатни бошқариш хусусидаги қарашлари ва фикрлари баён қилинган.

Асар Амир Темур томонидан ёзилган бўлиб, XVIII асрдан бошлаб инглиз, француз, урду каби бир қатор тилларга таржима қилиб келинган.

1967 йилда Тошкентда Алихон тўра Соғуний томонидан ўзбекча тўла таржимаси амалга оширилган бўлиб, лекин коммунистик мафкура тазйиқига учраб, нашр этилмаган эди. 1990 йилда "Темур тузуклари" ўзбек, француз, инглиз тилларида чоп этилган.

2011 йилда ўзбек тилида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг "Миллий давлатчилигимизнинг мумтоз намунаси" деб номланган сўзбошиси билан "Темур тузуклари" қайти нашр қилинди.

Мазкур асар ўз навбатида ҳукмдорларнинг турмуш тарзи ва ахлоқ-одоб нормаларини белгиловчи рисола ҳамдир. Ўз вақтида кўпгина ҳукмдорлар, масалан, Бобурий Шоҳ Жаҳон, Қўқон хони Муҳаммад Алихон, Бухоро амири Абдулаҳад ва бошқалар ушбу асардан махсус парчалар кўчиртириб, улардан ўзларининг фаолияти давомида фойдаланиб келганлар.

"Тузуқлар" икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида буюк давлат арбоби ва саркарда, жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган соҳибқирон Амир Темурнинг етти ёшидан бошлаб то вафотига қадар бўлган ҳаёти, ижтимо-



ий-сиёсий фаолияти, Мовароуннаҳрда ҳокимиятни қўлга киритиб, сиёсий тарқоқликка барҳам бериб, марказлашган давлат тузиши билан боғлиқ жараёнлар ёритиб берилгандир.

Шу билан биргаликда мамлакат сарҳадларида тинчлик ўрнатиш, чегаралар дахлсизлигини сақлаш учун қўшни юрт ва мамлакатларни ўз тасарруфига киритиш, Олтин Ўрда хони Тўхтамишга, турк султони Йилдирим Боязидга қарши, Озарбайжон, Гуржистон, Ҳиндистонга қилган ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён қилинган.

Иккинчи қисми Амир Темур номидан айтилган ўзига хос васият ва панду - насиҳатлардан иборатдир. Ушбу қисмда давлатни бошқаришда кимларга таяниб иш қўриш, тожу-тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурчлари, вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш тартиби каби масалалар хусусида гап боради.

"Темур тузуклари" бир умр эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган, ҳаёт тажрибасига эга фидойи инсон, буюк давлат арбобининг ўй-фикрлари, мушоҳада ва кечинмаларини ўз ичига олган. Баркамол авлодни тарбиялашда, уларнинг маънавиятини юксалтиришда бу асар катта аҳамият касб этади.

Ўша давр ҳақида ҳикоя қилувчи Абураззоқ Самарқандийнинг "Матлаъ ус-саъдайн" асари икки қисмдан иборат бўлиб, XIV аср бошларидан 1469 йилгача бўлган даврдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт ёритиб берилган. Абураззоқ Самарқандийнинг ушбу асарига бир қанча чет эл олимлари томонидан мазкур даврни ёритишга хизмат қиладиган биринчи даражали тарихий манба сифатида юксак баҳо берилган.

Ушбу давр ҳақида маълумотларни олиш мумкин бўлган манбалардан яна бири Хондамирнинг "Равзат ус-сафо" асаридир. Мазкур асарда ўша даврда Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари ҳамда мамлакатимиз ҳудудида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён этилган.

Соҳибқирон даврига оид тарихий манбаларни ўрганиш натижасида улкан давлатда улкан маданият ва маънавий мерос яратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Демакки, ҳозирги даврда Амир Темур даврига оид тарихий манбалар асосида маънавий меросни ўрганиш ёшларимизда миллий ғурур ва онгни юксалтириш, уларни аجدодларимизнинг табаррук номлари ва маънавий мероси билан фахрланишга ўргатиш, уларни ана шу буюк анъаналарнинг муносиб давомчилари қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- [1]. Шомий Низомиддин. Зафарнома. -Т.: "Ўзбекистон", 1996.
- [2]. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари (қадимги замон ва ўрта



- асрлар). - Т.: "Ўқитувчи". 2001. Б-168.
- [3]. Яздий Шарафуддин Али. Зафарнома. -Т.: "Шарқ", 1997.
- [4]. Ибн Арабшоҳ. "Ажойиб ал-мақдур..." (Амир Темур тарихи). 1, 2 к. - Т.: "Меҳнат", 1992.
- [5]. Кўрсатилган асар. 170,179,182.
- [6]. Темур тузуклари. -Т.: "Ўзбекистон". 2011.
- [7]. Шомий Низомиддин. Кўрсатилган асар.
- [8]. Аҳмедов Б. Кўрсатилган асар. Б.168.
- [9]. Бўриев Омонулла. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (тарихий - географик лавҳалар). - Т.: "Ўзбекистон", 1997 б.92.
- [10]. Ўлжаева Ш. Амир Темур ва темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. - Т., "Фан", 2005.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятига, олиб борган сиёсати, давлат бошқарувиغا, ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид ёзма манбалардаги маълумотлар таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются письменные источники о жизни и творчестве Амира Темура, его политике, государственном управлении и общественно-политической жизни того периода.

RESUME

This article analyzes the information in written sources about the life and work of Amir Temur, his policy, public administration, the socio-political life of that period.





AMIR TEMUR DAVRIDA QO'SHIQCHILIK SAN'ATI

С.ЛУТФУЛЛАЕВ, О.БОБОЕВ,
Қарши Давлат университети.

Таянч сўз ва иборалар: Амир Темур, тарих, Абдулқодир Мароғий, тарихий ҳақиқат, жаҳонгир, даҳрий, холисона, битиклар, мусиқа, қўшиқчилик

Темурийлар даврида миллатимиз учун чинакам бунёдкорликлар амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам дунё аҳлини лол қилаётган маданий мерос обидаларининг бир қисмигина сақланиб қолган бўлса-да, афкор оммани ҳамон лол қолдирмоқда. Айниқса, Соҳибқирон бобомиз ва авлодлари даврида мусиқа санъатига катта эътибор қаратилганини биргина мисолда кўришимиз мумкин: Машҳур муаррих Шарафиддун Али Яздий ўзининг "Зафарнома" китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталган: "Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, газалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдин ҳар ким ўз расми билан айтур эрди"(1)

Хожа Абдулқодир Мароғий XI-XV асрлардаги 40 га яқин қадимий мусиқа чолғу турлари ҳақида кенг маълумот берган. Аллома ўзи ҳам анча соз ихтиро қилган бўлиб, бу "Созимурассаъи Гайбий" деб ном олган. У яратган куй ва ашулалар узоқ йиллар давомида халқ севиб тинглайдиган мусиқа асарлари қаторидан ўрин олган.

Тарихий манбаларга кўра, Темурбек бобокалонимиз даврида ҳар бир мумтоз қўшиқ ижроси учун 200 нафарлаб хонанда ва созандалар иштирок этилгани айтилади. Энг маромига етган қўшиқлар Шаҳрисабздаги Оқсарой ва Самарқанддаги Кўксарой обидалари устига, ўз даврида "Фаришталар кўналғаси" дея номланган маданий мерос масканлари тепасида, Оллоҳга ҳамду сано тарзида ижро этилган. Ўнлаб мамлакатлардан олиб келинган бастакор, хонанда, созанда ва шоирларга ижод қилишлари учун қулай шароитлар яратиб берилган. Бугунги кунгача етиб келган кўплаб ўлмас қўшиқлар XI-XV аср ижод намуналари десак асло хато бўлмайди.

Амир Темур бобокалонимиз ҳукмронлиги йилларида Мовароуннаҳр ва Хуросонда жуда кўплаб меъморий обидалар қурилган. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлаштирилган, янги ерлар ўзлаштирилиб, сув чиқарилган, боғ ва чаманзорлар барпо этилган. Халқнинг турмуш тарзи тубдан ўзгарган. Мустаҳкам қонунлар ва қоидалар жорий қилинган. Ишлаб чиқариш кескин юксалган. Илм ва фан жадал ривожланиб, маданият, адабиёт ва санъатда улкан янгиликлар қилинган. Қурилиш ва бунёдкорлик ҳам санъат даражасига чиқ-



қан. Илм-фан, санъат, адабиёт қисқаси ижод аҳлига ҳомийлик Амир Темур сиёсатининг энг диққатга сазовор жиҳатларидан бири эди.

Соҳибқирон дастлаб 1360 йиллардан бошлаб базм ва машваратларда санъат аҳлидан баҳраманд этилганини муаррих Шарафиддун Али Яздий ўз "Зафарнома" асарида таъкидлаб ўтади: "Айни шу йили Жаҳонгир бобомизга ҳамкорлик қилган, яъни Мовароуннаҳрдан босқинчи Баён Сулдузни қувишда кўмак берган Амир Ҳизр Йасаурий шарафига Шаҳрисабз шаҳридаги Улугмайдонда катта зиёфат ва базм уюштиради, илк бор санъаткорлар ҳамкорлар учун куйлайдилар. Карнай-сурнайлар садоси остида Ҳизр Йасаурийни меҳмон қилиб, Самарқандга кузатиб қўяди"(2).

Бу манбадан Амир Темур ҳазратлари ўзларининг юришларида ўнлаб довулчиларни ҳам олиб юрган. Ўз юришларида махфий босқинчиликка йўл қўймаган. Хуфиялардан фойдаланган бўлса-да, жанг қоидаларига амал қилган, аввало ҳар бир давлат чегарасига кириб жанг бошлашдан илгари довуллар қоқилган. Талофатни истамаган ҳукмдорлар ўз ҳолини билганидан сўнг, оқ байроқ кўтариб бобокалонимиз қаршисига чиққандан сўнг, карнай-сурнал чалинган ва ўзи таслим бўлган юртларга кўп имкониятлар берилган, бу ерда байрам тадбирлари ташкил этилиб, салтанатдаги камчиликларни бартараф этгач, ўз ворисларидан ҳукмдорларни тахтга ўтқазиб, шу юртнинг санъаткорлари иштирокида базми жамшиддан сўнг жўнаб кетган. Айни дамдаги базмда кўнглига ёққан санъат аҳли вакиллари ўзлари билан олиб кетганини ҳам манбаларда кўришимиз мумкин.

Шарафиддун Али Яздий "Зафарнома" асарида ҳар бир тадбир, базми жамшидга таъриф берар экан, улар санъаткорларсиз, базми машваратларсиз ўтмаганини таъкидлаган. Худди шу асарда Соҳибқирон ўғиллари ва набираларининг Самарқанддаги тўйи ҳам байрам тусини олгани, бу тўйда ўз даврининг машҳур санъаткори Абдулқодир ҳофиз ва бастакор бошчилигидаги туркча, арабча, мўғулча ва форсча қўшиқлар ва рақслар ижро этилганини маҳорат билан ёзган.

Мазкур қулай ижодий шароитнинг таъсирида катта созандалар, машшоқлар, ҳофизлар, бастакорлар етишиб чиқишган ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан улкан адабий муҳит юзага келган ва жадал ривожланган. Темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда яшаб ижод этган мусиқашунос Хожа Абдулқодир Мароғий (1340-1435) ўзининг "Мақосид ул алхон" асарида мумтоз мусиқий масалаларни таҳлил этган. Бу етук мусиқашунос ҳам Бағдодни тасарруфига олган кезларида, ўша жойдан келтирилган. Мароғий ўз даврида Шаҳрисабз ва Самарқандда кўплаб шогирдларга ус-тозлик қилган, бир сўз билан айтганда Мовароуннаҳрда қўшиқчилик санъатини гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган.

Соҳибқирон кўп йиллик юришларидан қайтгандан сўнг қирқ кундан,



уч ойгача базм ва машваратлар уюштирган. Санъат аҳли тонгдан, кейинги тонггача навбати билан қўшиқлар ижро этгани қайд этилади. Жумладан бобокалонимиз етти йиллик юришларидан зафар билан қайтган даври ҳақида кўплаб муаррихлар ёзиб қолдирганлар. Мазкур уюштирилган тантаналарида Испания, Хитой, Ҳиндистон, Рум, Забулистон, Ироқ, Шом, Миср, Олтин Ўрда, Россиядан келган элчилар ҳам иштирок этишгани, бу машваратларга самога ўрлаган қўшиқлар сасидан меҳмонлар ҳайратга тушганлари айтилади. Чунки кўплаб хонанда ва созандаларнинг овози, сози элчиларнинг ҳам кайфиятини чоғ қилган албатта.

Муаррихлар ўша тантаналар ҳақида сўз юритар экан, сазанда, хонанда, раққослар меҳмонларнинг кўнглини овлаганларини, дарбозлар, ҳайвон терисини ёпиниб, ёввойи жониворлар образида, уй ҳайвонлари кўринишида ўз санъатларини кўрсатганлар. Яна бир тантаналари ҳақида муаррихлар ёзар экан, 104 та ўтов ва чодирлар қурилгани, ҳатто санъаткорлар учун ҳам алоҳида эътиборли ўтовлар яратилганини, санъат аҳли ўзларининг куй-қўшиқлари билан машваратга файз киритганлари таъкидланган. Ҳатто санъаткорлар қаторлашиб, сўз ўйинлари қилишган, турли ҳайвонлар тилидан қўшиқлар куйлашган.

Муаррих айниқса, тилла шохли эчки қўшиғига урғу бериб ўтган. Айни дамда Амир Темур ва авлодлари даврида мусиқа саъатига бўлган эътиборнинг аҳамияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўларди. Амир Темур ҳазратлари мусиқа санъати инсонларга руҳий таъсир этиш омили сифатида қараганлар(3). Бу жиҳатларни атрофидаги мусиқашунослар томонидан яхши таҳлил қилиб бергани учун ҳам ҳар бир мусиқа созини жойида ишлатишга алоҳида эътибор берганлар.

Ўз тасарруфига олмоқчи бўлган жойларда ўнлаб довул чалиниши албатта ганимни огоҳлантириш, чўчитиш, қўрқитиш омили бўлган. Довул сасини эшитган ганим ўзининг салоҳияти чамалаган, бостириб келаётган лашкарга дош бера олмагани боисдан ҳам сулҳ тузиш, таслим бўлиш учун оқ байроқ кўтариб чиққач, босқинларсиз ғалабага эришган Соҳибқирон лашкари сафида юрган карнайчилар, ноғорачилар ўз маҳоратларини кўрсатганлар. Демакки, карнай-сурнай, ноғора чалиниши яхшилик, ғалаба кечинмасини берган.

Бир сўз билан айтганда "мусиқа - музалар санъати- инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товуш (тон, нағма)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури. Унинг мавзуси эса ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи ғайриоддий мусиқий бадиий образлардан иборат. Мусиқа инсоннинг ички руҳий кечинмаларини (шодлиги, гамноклиги, завқи ва шавқи, чуқур мушоҳадаларга берилган ҳолати ҳамда қўрқув ва хавф- хатарни) ўзида мужассам этадиган жа-



раёндир.

Муסיқа кенг қамровли бадий-ижодий жанр бўлиб, инсоннинг иродавий сифатлари (қатъиятлилик, интилувчанлик, ўйчанлик ва вазминлик унинг табиати - темпераменти (мизожи)ни ҳам ёрқин акс эттиради. "Муסיқанинг ушбу ифодавий-тасвирий имкониятлари юнон олимлари - Пифагор, Платон, Аристотель ва Шарқ мутафаккирлари - Абу Наср Форибий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Кавкабий, тасаввуф арбоблари-Имом Ғаззолий, Калободий Бухорий томонидан юқори баҳоланган, шарҳлар битилиб, илмий тадқиқ қилинган".(4)

Шуни таъкидлаш керакки, ҳамма ривожланиш жараёнлари каби муסיқа санъати ҳам гоҳ ривожланиш, гоҳ таназзул даврини бошдан кечирган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари даврида муסיқа санъатига эътиборни кузатишимиз мумкин.

Оламнинг турли тарафларидан йиғилган тиллари ва кийимлари бири-биридан фарқли, ҳар қайси миллат созандалари, ҳар иқлимнинг санъат аҳлларию, ҳунар соҳиблари гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ҳар бир диёрнинг ўзида расм ва одат қилинган зебу зийнат буюмлари, тақинчоқлари, кийим-кечак ва матолари билан янада ўзларига оро бердилар. Хушнама созандалар ва хушовоз хонандалар туркийда, форс тариқасида, ажам тартибида, араб қоидасида, йўсунида, мўгул ва хитой русумида, олтой услубида чалмоқ ва оҳанг боғламоқ ила машғул эдилар.

Ва қадим Туроннинг ўтроқ аҳолиси азалдан ўзларининг муסיқа созлари ва қўшиқчилик йўналишига эга бўлишган. Улар яшаган даврда ҳозирги муסיқа ноталарига ўхшаш белгилари ёзилмаган бўлса-да, ўзбек муסיқа созларининг таг илдизлари жуда қадимийдир. Археологик қазишмаларнинг беришича, энг қадимги муסיқа асбобларининг ўтмиши бронза даврига бориб тақалади. У асбоб суяқдан ишланган 3 минг йиллик най бўлиб, Самарқанд вилоятининг Мўминобод қишлоғида ўрганилган бронза даври қабристонидан топилган.

Қолаверса, театр санъатига доир рамзий белги Насаф шаҳрининг Шулуктепа харобаларидан топилган бўлиб, Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими мутахассислари томонидан аниқланган. Рамзий терракота ҳозирги кунда Шаҳрисабздаги Амир Темур номидаги моддий-маданият музейида сақланмоқда. Бу рамзий белгининг ёши мутахассислар томонидан аниқланди. Шунингдек, арфа деб номланган муסיқий асбоб эса Кушонлар даврининг Айритом (Термиз шаҳри яқинида) ва Тупроққалъа (қадимги Хоразм) археологик ёдгорликларида аниқланган(4).

XIV-XV асрлар эса Марказий Осиё халқларининг муסיқа тараққиёти учун баракали бўлиб, бу даврда чолғу асбоблари тарихи ва муסיқа назари-




TEMURSHUNOSLIK

яси яратилган. Жуда кўп созандалар, қўшиқчилар, бастакорлар етишиб чиқишган. Шоҳқули Гижжакий, Қулмуҳаммад Шайхий, Қосим Раббоний кабилар шулар жумласидандир.(3)

Хуллас, теурийлар даврида маданият ва унинг таркибий қисмлари му- сиқа, қўшиқчилик санъати янада тараққий этган. Чунки Мовароуннаҳр ҳудуди Теурийлар давлати туғи остида бирлашгач, XIV аср 70-йиллари- дан бошлаб, бу минтақада маданият, хусусан қўшиқчилик маданияти юк- сак даражада бўлганини тасаввур этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Шарафиддун Али Яздий- Зафарнома. -Тошкент, "Камалак", Б. 191-193.
2. Ашурова Ш.-Қадриятлар силсиласи. -Тошкент. "Фан ва технология", 202 Б.45)
3. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент, 1996. Б.:393)
4. Бўриев О., Хўжаёров А.-Теурийлар даврида илм-фан ва маданият равнақи. -Қарши, «Насаф», 2020. Б. 161





AMIR TEMUR G'ORIDAN BOSHLANGAN SHAHARSOZLIK

Ибодулло МЕЙЛИЕВ,
Халқаро Амир Темур хайрия жамоа фонди
Яккабоғ туман муассасаси бошқаруви раиси

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек "Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Афсуски, юртимиз тарихини ўрганишда ўтган даврда археологик тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмади".

Миср - Нил тўғрисида деганларидек, Қашқадарё ўз ирмоқлари билан Нил дарёсидан кам бўлмаган тарихни яратган дарёдир. Қашқадарёнинг Яккабоғ тумани орқали ўтган Қизилдарё ирмоғининг ҳам ўзига хос тўғрисида мавжуд. Асрлар оша пайдо бўлган юзлаб кишилик манзилларининг шаклланишида бу ирмоқнинг ўрни беқиёс. Қизилдарё ва унинг ирмоқлари атроф-ҳудудларида воҳадаги энг қадимги манзил-маконлар аниқланган.

Ҳисор тоғ тизмасидаги Амир Темур номи билан боғланган гор ибтидоий одамларга макон бўлган бўлса, кейинги даврларда озодлик фидойиларига душман қўшинидан ҳимояланиш учун "Сўнгги имкон" қалъаси вази-фасини ўтаган.



Қадимги юнон муаррихлари Искандарнинг Сўғдиёна тоғли ҳудудидаги жангавор ҳаракатларини тасвирлар экан, Суғд ва Хориен қалъаларини забт этилиши тўғрисида ҳам маълумот бериб ўтишган. Суғд қалъа (қоя)сини қаерда жойлашганлиги тўғрисида олимлар бир тўхтамга келмаган бўлсаларда, Хориен қалъаси бугунги кунда Амир Темур номи билан аталадиган гор негизда шаклланганлиги эҳтимолга яқин.

Юнонлар бу қалъа (қоя)ни озодлик жангчи-



ларига бошчилик қилган Хориён номи билан аташган. Кейинчалик бу қалъа Шерлар қалъаси номини олган. Бу номнинг ҳайвонлар сардори шерга тўғридан-тўғри алоқаси йўқ. Шерлар қалъаси нисбий ном бўлиб, Амир Темурнинг атрофига йиғилган баходир йигитларнинг шахту-шижоати ва довуораклик хислатларига нисбат берилган.

Бугунги кунда назардан қолган бу манзил аслида қандай бўлганлигини тасаввур қилиш учун 1893-1898 йилларда Яккабоғ беклиги ҳокими бўлган Мирза Салимбекнинг Шерлар қалъасида кўрганлари баёнининг ўрни беқиёсдир.

1893 йили Яккабоғ беклигига ҳоким бўлиб келган Мирза Салимбек "Тарихи Салимий" асарида Шерлар қалъаси (Қалъаи шерон) ҳақида қуйидагиларни ёзади: "Тоғ манзараларини томоша қилиш, ажойиботларини кўриш учун Тошқўрғонга икки марта бордим. У ерда гаройиб "Шерлар қалъаси" ҳақида эшитдим. Жуда кўргим келди. Шу ерлик ишончли кишилардан олиб "Шерлар қалъаси" сари йўлга тушдик. Йигирма уч киши ҳамроҳ бўлди. Кечаси йўлда тунадик. Айни саратон бўлишига қарамай, қоронғи тушиши билан чодирда олов ёқиб, атрофида ўтирдик. Исиниш учун тинмай қимирлардик. Ҳаво совуқлигидан тананинг олов тафти тегмаган қисми яхлаб қолаётганди.

Тоғ ёришиши билан қўзғалдик ва пешинга яқин Шерлар қалъасига етдик. Икки юксак чўққили тоғ этагида йигирма танобча ялангликка кўзим тушди. Мазкур икки тоғ орасидан бир дарёча тез ва шиддат билан оқарди. Яккабоғ дарё шундан бошланади. Бу ерда гуркираб ўсиб ётган ўрик, гилос, олма, олча каби ёввойи мевали дарахтларнинг адоғи кўринмайди. Тоғнинг бир тарафидаги дарахтлар эндигина гуллаган, бошқа ёқдагилари гўра туккан, еса бўлади. Қарама-қарши турган бу икки тоғ қоялари биров маҳорат билан сайқал бергандай ялтиларди.

Ўнг томондаги тоғнинг ўртасида тўртта йўғон гўладан ясалган дарвоза бор. Устига бурж ўрнатилган. Гўлалардан бири қулаган, учтаси ўрнида турибди. Дарвоза буржи ердан ўттиз-қирқ газ баланд тоғ чўққисидан қирқ-эллик газ қўйида жой-





лашган. Пастдан кузатиб бу қандай иморат экани, ким қурганини, унга қандай кириш мумкинлиги ҳақида ҳар қанча ўйламайлик, сира ақлимиз етмади. Орамизда Тошқўрғонлик куп китоб ўқиган икки-уч нафар киши бор эди. Улар ҳам бу иншоотнинг қачондан буён мавжудлигини билишмади. Тоғ қалъасининг чап тарафидан юксакликдан тушаётган шаршара тоғнинг яна бир мўъжизаси эди. Тарвуздан каттароқ ёриқдан кучли оқим билан чиққан сув ёйилиб-ёйилиб пастга тушар, ерга тушгунча муштдек пуфак ҳосил бўларди. Пуфаклар кейинги оқимда товук тухумидек кичраяр, ерга тушгач тошлоққа сингиб йўқ бўлиб кетарди. Унга яқинроқ бориб манзарани мириқиб томоша қилдик, тушаётган майда томчилар шудрингга ўхшарди. Анча сув пастга тушиб дарёга қўшилиб кетарди.



Бу жойдан ўтгач, кўз олдимизда саногига етиб бўлмайдиган дарахтлардан иборат ёввойи чорбоғ ва каттагина ирмоқ пайдо бўлди. Шу жойда отлардан тушдик ва овқат тайёрлашга киришилди.

Тушлик ва дам олишдан кейин қарийб йигирма нафар киши Шерлар қалъасини томоша қила бошладик. Элик-юз қадамча кўтарилдик. Бу ерда катта дарвозанинг қолдиқлари ётарди. Ундан ичкарига кирдик. Юз қадамча ораликда юқориси ёпилган, отхонага ўхшаган иморат турарди. У тоғнинг ичкарисига қараб ўйиб ясалган. Иморатнинг кесими ўттиз газ чиқарди. Деворнинг икки томонига тарашланган тош қалаб чиқилган. Иморатнинг тепаси отлик қўлида қиличини кўтариб юрганида ҳам шифтга етмайдиган даражада баланд эди.

Бинони томоша қилиб бошқа эшиқдан чиқиб қолдик ва қаршимизда шаҳарларда бўладиган катта дарвоза турарди. Табақаларнинг ўрни билиниб турган бўлса-да, ўзи жойида йўқ эди. Дарвозадан кирдик ва ўнг томонда тошдан тахланган зинага дуч келдик. Кимдир тепага кўтарилиб қарасин деган таклиф киритдик. Юқорида тахт ва тошдан қилинган бир неча кенг супалар мавжуд экан.

Эҳтиётдан ўзим билан икки-учф онус, уч-тўрт темир машъала, икки коса зиғир ёғ ва икки-уч қадоқ шам олиб келгандим.

Шу ердан ичкарига йўл олдик. Шифтнинг баландлиги отхона билан тенг. Бинонинг юқори кесими тахминан йигирма газга тенг. Усти ёпиқ. Унинг томи ва гирди баланд тоғлар, албатта. Деворининг ички қисми ислимий нақшлар ва қабарик тасвирлар билан безатилган. Иккала деворда ҳам ўйилган катта-кичик токчалар бор. Токчаларнинг кўп қисми тош панжаралар билан ўралган. Ҳар-ҳар жойда тошдан ясалган катта шамдонлар турарди. Икки - уч жойда ёргучоқлар ётарди. Пастда яшаётганлар ва чўпон-



лар олиб кета олмаган ёргичоқлар синдирилган.

Машғалани ёқиб, ўзимиз билан нон, гўшт, сув ва бошқа егуликлар ни олиб икки юз қадамча юрдик ва гумбази Бухоро заргарлик устахоналарига ўхшаб кетадиган, йўлакларни бор кенг жойга чиқиб қолдик. Ўртада ёқутдек товланувчи катта оқ мрамор устун осилиб турар, одамлар унинг баъзи қисмларини синдириб олгандилар". (А.Жуманазар, Ж.Тўхлиев. Соҳибқирон камол топган юрт. -Т.:2018. Б-31-33)

Бу нақадар қимматли чизгилар. Бу лавҳалар асосида ҳудудни қайта жонлантириш экстиримал туризм ишқибозлари учун айна муддао бўлар эди.

Маҳаллий аҳоли "Шерлар қалъаси" (Қалъаи Шерон) номи билан атаган бу манзилни илк бор горшунос И.Кастанье 1913 йилда тадқиқ этган. Қадимшунос С.К.Кабанов 1955 йилда ўрганган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида бу жой Амир Темур ғори номи билан маҳаллий тадқиқотчилар томонидан уюштирилган экспедициялар натижасида ўрганишга ҳаракат қилинди, матбуот саҳифаларида мақолалар берилди, телевидениеда махсус кўрсатувлар намойиш этилди.

Бу ҳудудни яхши билган Мусурмон Юсуповнинг сўзларига қараганда "Шерлар қалъаси" ўз даврида маҳаллий аҳоли томонидан қалтис ҳолатларда яшириниш учун сир сақлашга ҳаракат қилинган. Амир Темур Кеш шаҳридан мўғулларни ҳайдаб чиқаришга тайёргарлик ишларини мана шу пана жойда якунига етказган. Тошқўрғон, Гулдара ва шу ердаги бошқа қишлоқларининг забардаст йигитлари отларига шох-шаббалар боғлаб, чанг-тўзон кўтариб Кешни забт этишда Амир Темур аскарлари таркибида иштирок этган. Устоз яна шуни алоҳида таъкидлаб айтадики, Тошқўрғон қишлоғи кексаларининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сўзларига қараганда, Амир Темур ҳали жангавор фаолиятини бошламай туриб бу чавондоз йигитлари билан дўстлик ришталарини боғлаган.

Устоз Амир Темур ғори ҳудудларини тасвирлар экан унинг маълумотлари Арриан, Курций Руф ва Мирза Салимбекнинг чизгилари билан бир хил. Жумладан Курций Руф "У Хориен номли қоя бўлган, ғори бор, унинг тор ва қоронғу кириш йўли секин-аста кенгайиб бориб катта бошпанага айланади" бу маълумотлар айнан Амир Темур ғори ҳақида эканлиги шубҳасиз. Хориен - ғориён - ғорнинг ёнидаги қалъа маъносини бериши эҳтимолга яқин. Юнон муаррихлари ғориён сўзини талаффузда бузиб Хориен шаклида ёзган бўлишлари керак. Хориен шахсга тегишли ном эмас.

Яна бир қизиқарли жиҳат, ўтган асрнинг биринчи ярмига қадар Хориен қалъасига унча яқин масофада бўлмасада Хорун қишлоғи мавжуд бўлган. Бу кичик қишлоқ аҳолиси кейинчалик тарқаб кетган.

Тоғ ёнбағрида, Қизилдарёнинг Турнасой ирмоғи ўнг соҳилида жойлашган Тўрткултепа ноёб археологик ёдгорликлардандир. Шерлар қалъаси - Амир Темур ғорида одамлар купроқ табиий имкониятдан фойдаланиб яшаш манзилини бунёд этган бўлсалар, кейинчалик тоғ бағрида пайдо бўлган Тулкитепа аҳоли манзили очиқ жойда шакланган дастлабки бунёдкорлик



маҳсулидир. Бу ёдгорлик икки поғонали манзил бўлиб, 1985-1986 йилларда олиб борилган қазилма ишлари далолати бўйича қўйи поғонасида сўнгги бронза - илк темир даври маданий қатламлари мавжуд.

Яна бир муҳим манзил Қизилдарёнинг ўнг соҳилидаги Нов қишлоғида бўлиб, у бугунги кунда Гортёпа деб аталади. Бизни гор билан таништирган 25-сон мактаб директори Умид Ражабов болалик даврида горга чамаси 200 метр кириб борганлиги, давоми эмаклуб юрадиган даражада эканлиги хусусида сўзлаб берди.

Гор тепасидаги мустаҳкам табиий қатлам устида маданий қатлам бўлиб кўпдан-кўп сопол буюм парчалари учрайди. Икки томонидан кўпроқ қисми Қизилдарё ва унинг ирмоғи билан ҳимояланган бу қадимий маскан ўз даврида стратегик аҳамият касб этган манзиллардан бўлганлигини илгаш қийин эмас.

Қишлоқ аҳолисида бу жойга Амир Темур қўниб ўтганлиги тўғрисида аجدодлардан ўтиб келаётган оғзаки маълумот ҳам мавжуд экан. Шу мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Баҳодир Холмуродов гарчи тарих фани ўқитувчиси бўлмасада ўқувчиларга бу манзилдан топилаётган ноёб сопол буюмларни таништириб бориш орқали уларда ўлкамиз тарихига бўлган қизиқишларини шакллантириб боришда амалий ҳаракатлар олиб бораётганлиги тахсинга лойиқ.

Ушбу ёдгорликда кенг қўламли илмий - қазилма ишларини олиб бориш ва туризм масканига айлантириш аждодларимизнинг (уч минг йил бурунги қурилиш) даврлар оша амалга оширган бунёдкорлик ишлари билан танишиш имкониятини беради. Манзилнинг Амир Темур гори йўлида жойлашганлиги туризм салоҳиятини оширади.

Асрлар ўтиши билан одамлар тоғлардаги маконларидан тоғ бағрига, ундан кейин тоғ этакларига, кейинчалик эса яна ҳам қўйироққа тушиб кела бошлаганлар. Тоғ этагида жойлашган Даратёпа манзили милоддан олдинги VII-IV асрлар билан, ундан бироз қўйироқда жойлаган Қайрағочтёпа манзили эса милоддан олдинги VI-V асрларга оиддир.

Дарё бироз сокинлашган нуқтада аждодларимиз ҳам бироз сокин тортиб улкан бунёдкорлик ишларини бошлаганлар. Шубҳа йўқки, бунёдкорликнинг асосчилари вақти келиб манзил ўлканинг марказий шаҳарларидан бирига айланишини тахмин қилганлар. Тарихий даври илк ва ривожланган ўрта (V-VI, IX-XII) асрлар билан белгиланган бу манзил юқори Қашқадарёнинг энг йирик археологик ёдгорликларидан бири Чимқўрғон шаҳар харобасидир.

Аввало шуни айтишимиз керакки, шаҳарга ўта қулай жойда асос солинган. Дарёнинг ўнг соҳилида карвонсарой, чап соҳилида эса шаҳар бунёд этилган. Шаҳар ўз ривожланиш даврида карвон йўллари кесишадиган муҳим манзилга айланган.

Бир қарашдаёқ шаҳар харобасининг салобати хайратингизни оширади. Маҳобатли мудофаа ҳандагини кесиб ўтар экансиз, агар ёлғиз бўлсангиз бир оз сесканиш ҳиссини уйғотиб сизни олис тарих сари етаклайди. Қай-



сидир давр воқеалари баён қилинган адабиётларда "... душман 6 ой қамал қилиб, шаҳарни ололмасдан ортга чекинди" - деган сўзлар айнан мана шу каби қатъла - қўрғонларга тегишли эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Шаҳар харобаси устига чиқишингиз билан диққатингизни унинг арк қисми тортади ва беихтиёр уни забт этишга ошиқасиз. Мана сиз арк устидасиз, яна бир карра ҳайрат ҳисси билан атрофни кузата бошлайсиз. Гузал табиат манзаралари, бир-бирига уланиб кетган қишлоқлар, ана шаҳри Кеш ва ундаги Оқсарой ва Кўкгумбази билан узукка кўз кўйгандек.

Бироз ножоиз бўлсада яна бир карра ҳайрат сўзини қўллашга тўғри келади. Негаки бу жойдан Тахтақорача ва Сурхондарёга ўтиш Дарбанд довонлари чўзилган қўлингиз кафтида тургандек яқин масофада кўринади. Довонлардан ошиб тушаётган карвонларни кўргандек, қўнғироқлари садосини эшитгандек бўласиз. Ҳисор тоғ тизмасини ҳақиқатда "Ҳисор" эканлигини кўрасиз. Бутун борлиги билан бу табиий қўрғоннинг жозибаси сизни мафтун этади.

Арқдан туриб шаҳар харобаси, унинг атрофларига кўз ташлар экансиз хаёлларингиз яна сизни олис тарих сари етаклайди. Шаҳар бир томондан дарё билан ҳимояланган бўлса қолган томонлари маҳобатли ҳаңдақ билан ўралган. Шаҳарнинг шарқий томонида хандақ ортида катта текис майдон бўлиб, бу жой ўз даврида халқ байрамлари, улоқ-кўпкари ўйинлари ва жангавор машқлар ўтказишга мўлжалланганлигини илғаш қийин эмас.

Шаҳар ҳукмдорлари учун мўлжалланган дарвоза ҳам айнан шу томонда аркка яқин нуқтада жойлашган. Ёдгорликнинг гарб томонида хандақ ортида 10-15 га майдонда кўплаб сопол буюм парчалари учрайди. Бу ҳудуд оддий одамлар уй-жойлари ўрни бўлган. Шаҳарнинг жанубий қисмида эса унинг асосий дарвозаси бўлиб, шаҳарга кириб-чиқиш мана шу дарвоза орқали амалга оширилган.

Шаҳар даврозалари ҳақида сўз кетар экан араблар босқинига қадар бўлган Кешнинг "Ташқи шаҳар" деб номланган аҳоли масканининг жанубий дарвозаси Баркинан (Барканон) эканлиги манбаларда келтирилган. Ўша даврдаги Кеш вилоятининг Сурруд(а)(Қизилдарё) рустоқи маъмурий маркази Баркин шаҳри бўлган. Шаҳарга илк ўрта асрларда асос солиниб ривожланган ўрта асрларда арк, шаҳристон ва работдан иборат ўз даврининг йирик шаҳри даражасига чиқа олди. Бу даврда Баркин нафақат Қизилдарё ва унинг атроф ҳудудлари маъмурий маркази, шу билан бирга юқори Қашқадарёнинг карвон йўллари кесишган энг йирик савдо маркази ҳам бўлган. Шаҳарнинг энг қулай жой, энг қулай йўллар чорраҳасида жойлашганлиги унинг Кешдан устун жиҳати эди.

Археологик ёдгорликнинг салобати унинг бой шаҳар бўлганлигидан сўзлайди. Баркин шаҳрининг истиқболи ҳам порлоқ бўлиши мумкин эди. Афсуски мўғул босқини туфайли Мовароуннахрнинг барча шаҳар ва қишлоқлари каби вайроналикка юз тутди. Бу истилодан кейин манзилдаҳаёт қайта тикланган бўлсада, Амир Темур ва темурийлар даврида катта қишлоқ даражасига эришди, холос. XVI асрдан бошлаб шаҳар ҳам Баркин номи



ҳам тарих қарига сингиб кетди, узоқ давом этган ҳаёт занжиридан бугунга келиб Чимқўрғон шаҳар ҳаробаси ёдгорлик бўлиб сақланиб қолган. Бу шаҳарнинг бутунлай инқирозга юз тутишининг яна қандай сабаблари бор эди?

Маълумки, яқин асрларгача шаҳар ва қишлоқларнинг ҳаёти тоғлардан бошланган дарёлар ёки табиий чашмалар суви билан бевосита боғлиқ эди. Қадимдан Яккабоғ тумани ҳудудидаги



кўпдан-кўп, катта-кичик аҳоли манзилларининг шаклланишида асосий воситачи вазифасини бажариб келган Қизилдарё тоғ этагида Турнадарё сувини ҳам ўз бағрига олиб, тезда яна иккига шимолий ва жанубий тармоқларга ажралади. Чамаси, XVI асрдан бошлаб шимолий тармоқнинг устунлиги кескин ошиб Қизилдарё суви бутунлай шу тармоқ орқали оқа бошлайди, кейинчалик Яккабоғ атамасининг пайдо бўлиши билан ўнг тармоқ Яккабоғдарё номини олган. Жанубий тармоқ эса дарё ўзанига айланган. Бу табиий жараён сабаб жанубий Қизилдарё бўйидаги кўпгина қишлоқлар, жумладан Баркин шаҳри ҳам сув таъминоти ва мудофаа салоҳиятини йўқотган. Шундай ҳам тикланиши қийин кечаётган Баркин харобаликка юз тутиб шаҳарсозлик анъанасини Яккабоғ қўрғонига узатган.

Шу жойда қўрғонни ҳудуднинг маъмурий марказга айланиши тарихига тўхталиш мақсадга мувофиқ. XVII асрнинг ўрталарида Шаҳрисабз вилоятининг марказий ҳудудларига кенас ҳамда мангит уруғлари, вилоятнинг жанубий ҳудудларига овоқли уруғи ўрнаша бошлаган эди. Сиёсий жиҳатдан фаол бўлган кенас ҳамда мангит уруғлари ўзаро иттифоқда XVII асрнинг сўнгги ўн йилликларида Шаҳрисабз вилояти бошқарувини қўлга киритади. Бундан руҳланган овоқлилар ҳам ҳудудлар бошқарувида мустақамланиб боради. Кенас уруғи билан қадимдан ўзаро яқинликда бўлган бу уруғ XVIII асрнинг биринчи ярмида Ҳисор тоғи этакларида ўзларининг ҳудудларига асос соладилар.

Янги пайдо бўлган бу ўлканинг бошлиғи Қосимбий Овоқли бошқа қавмлар билан ўзаро муносабат ўрнатиб юқори нуфузга эришган. Амир Муҳаммад Раҳим мангит вафотидан (1759 йил 13 март) кейин Бухоро давлати марказий бошқаруви яна заифлашган. Бунгача Қосимбий ўз маъмурий тизимини шакллантириб улгурган эди. Шундан кейин табиий қўрғон билан ўралган, тошқин дарё, сўлим боғ-роғларга эга манзилда ўз маъмурий марказига эга деярли мустақил беклик сиёсат майдонида бўй кўурсатади. Чамамда бу маъмурий марказнинг Яккабоғ деб номланиши ҳам мана шу даврдан бошланган.



Яккабоғ беклигини Қосимбий Овоқлидан кейин қисқа даврда унинг бир неча авлодлари бошқаришган. Булар Сафар додхох ибн Қосимбий, Қобилбий, Эшпўлатбий ибн Сафар додхох ва Абдусамadbек ибн Сафар додхохлар эди. Тоғай ибн Эшпўлатбийнинг 1764-1789 йиллардаги бошқарувидан кейин, ҳокимиятга Ёдгор девонбеги ибн Абдусамadbек келган.

Яккабоғ беклиги тарихда муҳим ўрин тутган бу шаҳс бекликни 1790-1842 йиллар давомида бошқарган. Маъмурий марказнинг шаклланишида унинг хизмати беқиёс. Ёдгор девонбеги моҳир сиёсатчи, узоқни кўра биладиган олижаноб инсон эди, бу сўлим гўшани янада ободонлаштириш илм-маърифат масканига айлантириш мақсадида боғ-роғлар ҳамда мадраса бунёд эттиради.

Амир Насрулло Шаҳрисабз вилоятига 1836-1840 йилларда қайта-қайта юриш қилган пайтда олий ҳукмдорга садоқат билдириб, унинг ҳузурига бош уриб боради. Амир бу самимий инсонни қўллаб-қувватлаб, ўз ўрнида ҳокимликда қолдиради.

Яккабоғ беклиги шакллангандан бошлабоқ марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик, Шаҳрисабз вилояти билан эса тенг қўшничилик ҳамда яқин қавм сифатида ўзаро иттифоқда бўлиб келган. Шаҳрисабз вилоятини бошқаришда кенагаслар билан мангитлар ўртасида пайдо бўлган низо мангитларни марказий ҳокимиятга яқинлашишга йўл очган эди. Охир-оқибат улар марказий ҳокимиятда ўз ҳукмронлигини ўрнатди ва Бухоро амирлигига асос солдилар.

Шаҳрисабзда кенагас беклари марказий ҳокимиятга бўйсунмасликка ҳаракат қилиб келган бўлсалар мангит амирлари ўз навбатида айирмачи бекларни ҳокимият бошқарувидан сиқиб чиқариш ҳамда ўз давридаги ихтилофлар учун жазолаш пайида бўлишган. Марказий ҳокимият овоқли бекларига имконият бердилар, жойи келганда қўллаб-қўватладилар. Бунинг замирида Шаҳрисабз вилоятини яқкалаш ва кенагас бекларини ўз тизгинида ушлаб туриш ҳаракатлари мавжуд эди. Мана шу ҳолатлар Яккабоғни беклик сифатида шаклланиб кетишига замин яратди.

Тор табиий қўрғонда жойлашган беклик маъмурий марказини ҳимоя салоҳиятини янада ошириш мақсадида адирликлар бўйлаб мудофаа девори бунёд этилган. Бу улкан бунёдкорлик ишлари Тоғай ибн Эшпулатбий томонидан бошланиб Ёдгор девонбеги томонидан давом эттирилган. Овоқлиларнинг сўнги вакили Ёдгор девонбегининг набираси Муҳаммад Раҳимбек ҳам марказий ҳокимиятга бўйсунмаслик кайфиятидаги шахс эди. Айнан унинг даврида мудофаа деворининг сўнги пахсалари қад ростлаган.

Яккабоғни бошқарган беклардан Тоғай ибн Эшпулатбий, Ёдгор девонбеги, Муҳаммад Раҳимбек овоқлилар бу сўлим масканни янада обод этиб шаҳарча даражасига олиб чиқдилар. Бекликни 1893-1898 йилларда бошқарган Мирзо Салим Бухорий ҳам Яккабоғ тарихида муносиб из қолдирган.

Тарихи қадим ўтмишга бориб тақаладиган шаҳарларни "муқим" ва "кўчиб юрган" шаҳарлар тоифасига бўлиш мумкин. Самарқанд ва Бухоро муқим шаҳарлар, Қарши ва Шаҳрисабз кўчиб юрган шаҳаралар жумласидандир. Яна бир манзил мавжудки, ҳали у энди шаҳар қиёфасини олаётган бўлсада



келажаги улкан бунёдкорлик ишлари билан гўзал ва улуг масканга айланиб бораётган Яккабоғ шаҳридир.

Яккабоғда шаҳарсозлик тарихини шартли равишда Амир Темур ғори (Шерлар қалъаси) ва унинг атроф ҳудуди билан боғлаш мумкин. Бунга асос қилиб Яккабоғ ҳоқими Мирзо Салимбекнинг Шерлар қалъаси тўғрисидаги ҳикоясидан икки жумлани такрор келтирамиз. "Бинони томоша қилиб бошқа эшиқдан чиқиб қолдик ва қаршимизда шаҳарларда бўладиган катта дарвоза турарди. Табақаларнинг ўрни билиниб турган бўлса-да, ўзи жойида йўқ эди". Ҳикоя муаллифининг ғор тўғрисидаги қуйидаги фикрлари ҳам диққатга лойиқ. "Унинг томи ва гирди баланд тоғлар, албатта. Деворининг ички қисми ислимий нақшлар ва қабарик тасвирлар билан безатилган".

Ҳикоя Шерлар қалъасини ўзига хос шаҳарча, Амир Темур ғорини шаҳарчадаги хон саройи сифатида қабул қилишга изн беради. Афсуски, бу шаҳарчани тарихини ўрганишни, ёшини аниқлашни имкони йўқ. Ундаги барча буюмлар, осори-атиқалар ўмариб кетилган. Шундай бўлсада Яккабоғ шаҳарсозлигини Шерлар қалъаси - Амир Темур ғоридан бошлаш қадимий шаҳарлар рўйхатида ўзига хослик касб этади ва жамоатчиликда қизиқиш уйғотади.

Октябрь тўнтаришидан кейин Яккабоғ тумани ташкил этилиб, Яккабоғ (Яккабоғ қўрғони) шаҳарчаси 1963 йилга қадар унинг маъмурий маркази мақомида турди. Темир йўл станцияси яқинида Янгиобод мавзеси барпо этилиб, туман маъмурий маркази 1963 йилда шу жойга кўчирилди. Кейинчалик Янгиобод ва ёндош аҳоли масканлари замирида Яккабоғ шаҳри ташкил этилди. Бугунги кунда шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий хизмат бинolari, кўп қаватли турар жойлар, спорт масканлари бўй кўрсатиб, шаҳар чиройига чирой қўшилади.

Тарихий шаҳар Яккабоғнинг шаклланиш жараёнига назар ташлашга бир қадар ҳаракат қилдик. Амир Темур ҳазратлари таваллуд топган Хўжа Илғор қишлоғи бугунги кунда "Хўжа Илғор маҳалласи" номи билан мазкур шаҳар таркибига кирган.

Ҳазрат Соҳибқирон "Етти йиллик юриш"дан қайтиш чоғида Шаҳрисабз шаҳри зиёрати билан машғул бўлади. Бу вақтда улкан қўшиннинг бир қисми Баркин шаҳри ва унинг атрофларида жойлашган. Бугунги кунда ўз салоҳиятини сақлаб қолган бу шаҳар харобасида "Археологик ёдгорликларда қадимият байрамлари" халқаро фестивалини ташкил этиш орқали "Археологик туризм"ни ривожлантириш ва унинг жозибасини тарғиб қилиш, туризм бўйича Яккабоғ туманини пешқадамликка олиб чиқади.

Муҳтарам Президентимиз 2018 йил 13-14 декабрда Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида мутасаддиларга бир қатор муҳим топшириқлар бераркан, улар орасида Яккабоғ туманидаги Хўжа Илғор ота зиёратгоҳи ва Амир Темур туғилган ҳудудни ободонлаштириш ҳамда замонавий қиёфага келтириш масаласи ҳам мавжуд. Бу улуг ниятни рўёбга чиқарилиши Яккабоғ шаҳрини дунё ҳамжамиятига танитади. Соҳибқирон бобокалонимиз туғилган жой унинг ташриф қоғозига айланади, ул зотнинг руҳи яна бир карра шод бўлади, албатта



AMIR TEMUR DAVLATCHILIK SIYOSATIDA ILM-FANGA HOMIYLIK MASALASI

Ўктам МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси профессори, т.ф.д.

Чингизхон истилосидан кейин сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти инқироз даврига кириб қолган Турон юртини бирлаштириш, тараққий этириш, ички ва ташқи таҳдидларга қарши тура оладиган қудратли салтанат барпо этишдек улкан вазифани тарихий тақдир Амир Темур зиммасига юклади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун илм-фанни ривожлантириш, маърифатли жамият барпо этиш лозим эдики, Соҳибқирон бу ҳаётий ҳақиқатни теран англаган Турон ҳукморлари ичида алоҳида ўринга эга.

Темурбек қудратли салтанат ва маърифатли жамият барпо этишда бир қанча асосларга таяниб иш тутдики, унинг биринчиси қадимий туркий давлатчилик ва бошқарув анъаналари эди. "Давлатларнинг таназзулига учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим", дея эътироф этади Амир Темур ўз «Тузуқлар»да¹.

Соҳибқирон барпо этган қудратли салтанатнинг яна бир муҳим асоси исломий шариат, адолатли суд ҳуқуқ тизими бўлди. Ислом таълимнинг илм ва аҳлоққа давъат гоёлари ҳам мамлакат тараққиётининг асосий таянчларидан бири бўлди. Ҳар қандай тараққиётнинг асоси сифатли таълим тизими эканлигини чуқур англаган Амир Темур биринчи гада таълим ва тарбияни тўғри йўлга қўйиш, илми, маърифати шахсларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш йўлидан борди. Улкан салтанатнинг барча шаҳар ва йирик қишлоқларида кўплаб бошланғич мактаблар барпо этилди. Тарихий манбаларнинг далолат беришича, бу даврда ўғил бола 4 йил, 4 ой ва 4 кунлик бўлганда мактабга бериш анъанаси амалда бўлиб, бошланғич таълим улкан салтанатнинг барча маданий ўлкаларини қамраб олган эди².

Бутун ислом даврида бўлганидек, бу даврда ҳам мамлакатда илм-фан ривожига мадраса таълими асосий ўрин тутиб, салтанатнинг маданий марказлар бўлган йирик шаҳарларда олий таълим ўчоқлари бўлган мадрасалар кўплаб бунёд этилган. Таълимга эътибор, илм фанга ҳомийлик Амир Темур ва темурийлар даврида давлат сиёсати даражасига кўтарил-

¹ Темур тузуқлари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. - Тошкент: ўфур ўулом, 1996.

² Мирза Мухаммад Хайдар. Та'рих-и Рашиди/ Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой. Примечание и указатели Р.П.Джалиловой и Л.М. Епифановой. - Ташкент: Фан, 1996. - С. 252.



ган эди. Соҳибқироннинг салтанат маъмурлари олдига "Катта кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва ҳонақоҳлар бино қилсинлар"; "Мударрислар ва шайхларга кундалик маошларини белгиласинлар"; "Саййидлар, улома, машойих, фузало, улуғларни азиз тутсинлар", деган вазифани қуйганлиги "Темур тузуклари"да ҳам акс этган. Соҳибқироннинг бу топшириғи табиийки бутун салтанат доирасида ижро этилган. "Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмларидан тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим"; "Саййидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйдим", дея таъкидлайди Соҳибқирон ўз тузукларида³.

Соҳибқирон буйруғи билан мадрасаларда диний илмлар (тафсир, ҳадисшунослик, фикҳ ва бошқалар) билан бир қаторда дунёвий илмлар ўқитилиши кенг йўлга қўйилди. Мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари аниқ фанларни, хусусан риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), меъморчилик, муҳандислик бўйича олий даражали мутахассисларга катта эҳтиёжни юзага келтири. Турон мамлакатадаги олий таълим даргоҳлари бўлган мадрасалар Амир Темур ва темурийлар даврида йирик илмий марказлар, маърифат уюмлари вазифасини шараф билан бажарди. Шаҳарлардаги ҳар бир мадрасага вақф ер мулклар ажратилиб, улардан келадиган даромадлар мадрасалар мударрислари ва хизматчилари маоши, кутубхона таъминоти, таъмирлаш ва бошқа ишлар учун етарли бўлган.

Темурбек Турон юртидаги мадрасаларга дарс бериш учун ислом дунёсининг таниқли олиму уламоларининг мадрасаларда дарс беришга жалб қилинган. Хусусан, журжонлик машҳур файласуф олим Мир Саййид Шариф Журжоний (1330-1414) 1387 йили Самарқанда таклиф этилган бўлиб, бу олим Самарқандда Амир Темур томонидан барпо этилган "Дорушшифо" (шифоҳона ва мадраса)да, яъни тиббиёт бўйича мутахассислар тайёрланадиган мадрасасида дарс берган. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида қайд этилишича, Амир Темур таклифи билан Самарқандга Шом юртининг машҳур табиблари мавлоно Жамолуддин ва Сулаймонлар келган, улар фаолияти учун барча шароитлар яратилган эди⁴.

Соҳибқироннинг буйруғи билан Самарқандда ўз даврида ягона бўлган кутубхона барпо этилган бўлиб, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида (1409-1449) бу кутубхона фонди янада бойитилган ва мамлакатнинг ҳақиқий илм маърифат марказига айланган эди.

Иҳли илмни юксак қадрлаган Соҳибқирон олиму фузалолар билан тез тез кенгашиб тургани тарихий манбаларда қайд этилган. Хусусан, Шаро-

³ Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. - Тошкент: Гофур Гулом, 1996. - Б. 73.

⁴ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али ал-Бухорий таржимаси. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад ва Ҳ. Бобоеков. - Тошкент: Шарқ, 1997. - Б.



фуддин Али Яздий Амир Темур бирор масалани ҳал қилмоқчи бўлса, аввал шу соҳанинг билимли мутахассислари, олимлар билан маслаҳат қилганлигини қайд этган⁵. Амир Темур саройида ислом дунёсининг таниқли олимлари хизмат қилганлар. Улар ичида Амир Темурнинг шахсий котиби, сарой девони муншийси Мавлоно Шамсуддин, Соҳибқиронга тарихлар ва қиссалар ўқувчи Мавлоно Убайд, Амир Темурнинг таржимони, замондошлари томонидан фозил олим, комил фақиҳ, машҳур тадқиқотчи сифатида таърифланган Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, машҳур мунажжим, табиб ва мисгар Мавлоно Бадриддин Аҳмад, машҳур ҳаттотлардан Саййид ҳаттот Бандгир, Тожиддин ас Салмоний, қироатли ҳофизлардан Абдулатиф ад-Димгоний, Маҳмуд ал-Муҳриқ ал-Хоразмий, ваъхонлардан мавлона Аҳмад ат-Термизий, ҳаттотлардан Саййид ҳаттот Бандгир, Тожуддин ас-Салмоний, машҳур табиб, мисгар ва мунажжим Мавлоно Аҳмад ва бошқа кўплаб олимлар бўлган. Аҳли ижод, аҳли санъат ва соҳиби ҳунар усталар ҳам Соҳибқирон саройидаги кенгашларда тез-тез қатнашиб келганлар. Темурбекнинг буйруғи билан уларга тегишли нафақа тайинланиб, ижодий фаолияти давлат хазинасидан молиялаштириб турилган.

Манбаларнинг далолат беришича Амир Темур тарихга ниҳоятда қизиққан ҳукмдор бўлган. Ибн Арабшоҳ Амир Темурни "подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, Шарқу Ғарб тарихини..." чуқур билгувчи, "тарихларни ўқитиб эшитишга ниҳоятда ишқибоз эканлигини" қайд этади⁶. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида келтирилишича, Амир Темур тарихчи олимларни жуда эъзозлаган ва Соҳибқироннинг буйруғи билан саройда битикчилар, тарихчилар фаолияти йўлга қўйилган эди⁷. Шу сабабли, Амир Темур ва темурийлар даврида тарихнавислик фани юксак даражада ривожланди. Бу даврда Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома", Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Темур" ("Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари"), Ҳофизи Абрунинг "Мажмуа ат-таворихи султония", "Зубдат ут таворихи Бойсунгурий" ("Бойсунгурий тарихларининг юқори қисми"), Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Фасиҳ Ҳавофийнинг "Мажмуали Фасиҳий" ("Фасиҳийнинг тарихлар мажмуаси"), Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" ("Икки денгизнинг қўшилиши ва икки саодатли юдузнинг болқиши"), Мирзо Улуғбекнинг "Тарихи арбаи улус" ("Тўрт улус тарихи"), Мирхонднинг "Равзат ус-сафо фи сайратул-анбиё вал-мулк вал-хулафо" ("Пайгамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи") Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар" ("Инсон зоти хабарлари ва дўстининг таржимаи ҳоли") ва "Макорим ул-аҳлоқ" ("Олижаноб хулқлар") ва бошқа асарлар яратилди.

Амир Темур шоиру шуораларни ҳам жуда эъзозлаган ва улар билан суҳбатлашиб туришни хуш кўрган, Алишер Навоий "Мажолисун нафоис" ("На-

⁵ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома ... - Б.

⁶ Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1-китоб / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни филология фанлари номзоди Убайдулло Уватов тайёрлаган. - Тошкент: Меҳнат, 1992. - Б.

⁷ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома ... - Б.



фис мажлислар") асарида "Темур Кўрагон ... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонича бор", дея қайд этган эди⁸. Амир Темур ва темурийлар даврида туркий тилли адабиёт янги асосда ривожланиш йўлига кирди. XIV–XV асрларда ижод қилган туркий тилли шоирлардан Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атоий, Муқимий, Яқиний, Амирий, Гадоий, Лутфий, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарлари билан ўзбек адабиёти тарихидан мангу жой олдилар. Бу даврда форсий адабиёт ривожига Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Амир Темур салтанат ишларидан бўш пайтида шахмат ўйинига ҳам жуда қизиққани маълум. Ибн Арабшоҳ ўзининг "Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари)" асарида ўша даврнинг биринчи шахматчиси дея улуғланган фақиҳ ва ҳадисшунос олим Алоуддин ат-Табризий Соҳибқирон билан катта шахмат ўйнаганлигини ёзиб қолдирган. Бу муаарих Амир Темур салтанатидаги машҳур шахматчилардан Муҳаммад ибн Уқайл ал-Ҳаймий ва Зайн ал-Яздий ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтган⁹.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида барпо этилган маҳобатли меъморий иншоотлар мамлакат қудратини, бунёдкорликка асосланган буюк юксалишни яққол намоён қилади. Соҳибқироннинг бевосита ташаббуси билан мўғуллар истилоси даврида вайрон этилган Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марв, Бинокат каби шаҳарлар қайта тикланди, кўплаб янги шаҳар ва қишлоқлар барпо этилди. "Қуббат ул-адаб вал-илм" дея улуғланган Шаҳрисабздаги Оқсарой меъморий мажмуаси, Самарқанддаги Биби хоним масжиди, Гўр Амир, Шоҳи Зинда меъморий мажмуаси, Шошдаги Занги ота, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбаралари ва бошқа иншоотлар Амир Темур даврида бунёд этилган маҳобатли иншоотлар бўлиб, улар бугунги кунда ўлкамизда туризмни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Шу тариқа, олиму уламолар Амир Темур салтанатида катта ҳурматга ва мавқега эга ижтимоий қатламга айланган эдики, бу Мовароуннаҳр ва Хуросонда иккинчи ислом уйғониши даврини юзага чиқарди. Самарқанд, Кеш, Бухоро, Ҳирот ва бошқа шаҳарларнинг маърифат ва илм-фан марказларига айланишига олиб келди. Буюк ипак йўли бўйлаб халқаро савдо ва маданий алоқалар тикланди, илм фаннинг турли саҳаларидаги ҳамкорлик йўлга қўйилди, қўшни ва узоқ мамлакатлар билан элчилик муносабатлари ўрнатилди. Бу ўзгаришлар замирида Амир Темур асос солган ва кўплаб темурий ҳукмдорлар давом эттирган илм фанга, маданият ва санъатга, маорифга эътибор, уларга ҳомийликка йўналтирилган давлат сиёсати муҳим аҳамиятга эга бўлган.

⁸ Алишер Наврий. Мажолис-ун-нафоис. -Танланган асарлар тўплами. 13 том.

⁹ Ибн Арабшоҳ. Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 1- / Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни Убайдулло Уватов тайёрлаган. - Тошкент: Меҳнат, 1992.



SOIBQIRON AMIR TEMURNING MEHMONDO‘STLIK FAZILATI

Ф.ОЧИЛОВ, М.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қарши давлат университети.

Калит сўзлар: Амир Темур меҳмондўстлик, урф-одатлар, элчи, саёҳатчи, совға, гўшт, овқат пишириш маҳорати, май, олтин-кумуш ва чинни идишлар, "тўққиз товоқ", анъана.

Ўзбек халқида меҳмондўстлик бу урф-одатлар авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъаналардан саналиб, бола туғилганидан бошлаб, кейинчалик эса бутун ҳаёти давомида унга меҳмондўстлик фазилатлари синдириб борилади [4]. Қадимда ўзбек халқида ички ва ташқи ҳовли бўлиб, меҳмонлар ташқи ҳовлида дарвоза ёнида жойлашган меҳмонхонада қабул қилинган. Бунда, 6-7 ёшлардан кейин ўғил болаларни меҳмонхонага, келган меҳмонлар ёнига жалб қилинганки, бу ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб, болада ёшлик давридан бошлаб меҳмонларни кутиб олиш, улар билан илиқ муносабат ўрнатиш, хизмат қилиш ва муомала маданиятини шакллантириш каби муҳим тарбиявий аҳамият касб этган.

Амир Темур шахси ва у ҳукмронлик қилган даврни ўрганишга бағишланган кўпгина тадқиқотларда унинг меҳмондорчилик фазилати, меҳмоннавозлиги, меҳмондўстлик санъати тадқиқотчилар томонидан тўлақонли ўрганилмаган ва фикримизча, Соҳибқироннинг бошқа қирралари билан бир қаторда, соҳибқироннинг меҳмондўстлиги мавзуси уни ўрганувчиларда қизиқиш уйғотади. Зеро, унинг бу фазилати ўша даврда шу ҳудудда яшаган халқларнинг турмуш тарзи ва урф-одатларини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Соҳибқироннинг меҳмондўстлик фазилатлари ҳақидаги айрим лавҳа кўринишидаги маълумотлар унинг ҳузурида меҳмонда бўлган шахслар ёки мамлакат ҳудудига ташриф буюрган элчи ва саёҳатчиларнинг кундаликлари ҳамда хотира асарлари кўринишида ёзиб қолдирилган баъзи манбалардагина учрайди. Қатор олимлар, тадқиқотчилар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг у ёки бу томонини ўрганишда, кўпгина ҳолларда, Шарафуддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ ва Руи Гонсалес де Клавихо томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларни энг ишончли ҳисоблаб, уларга таяниш мақсадга мувофиқ. Маълумотларни ўрганиш асносида эса Руи Гонсалес де Клавиходан бошқа муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган манбалар, асосан, географик тадқиқотлар кўринишида бўлиб, улар Амир Темурнинг меҳмондўстлик қирраларини ўрганиш учун асос сифатида тўлақонли хизмат қила олмайди, деган хулосага келинди. Аммо, бу хулоса тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлаш яна кўплаб тадқиқотларни талаб этади.

Демак, элчи Клавихонинг таъкидлашича, Амир Темурнинг саркорлари Эрон



ва Хуросон мамлакатларидаги ҳарбий юришлардан қайтишларида йўл-йўлаккай уй-жойсиз, маблағсиз фуқаролар, етим-есирлар ва камбағалларни ўзлари билан Самарқандга кўчириб, бирга олиб кетишган, ҳамда Амир Темурнинг кўрсатмаси бўйича уларни барча зарурий нарсалар билан таъминлашган [6].

Клавихо бошчилигидаги элчилар 1404 йил августда жуда катта, аҳолиси кўп бўлган Термит(Термиз) шаҳрига етиб келишди, шаҳар девор ва тўсиқлар, ихота деворлари билан ўралмаган бўлсада, шаҳар боғлар ва каналлар билан ўралган. Бу шаҳарда саёҳатчиларга ҳурмат-иззат кўрсатишди, уларни кийим-кечаклар ва барча зарурий ашёлар билан таъминлашди. Клавихонинг кундаликларида Амир Темурнинг хизматкорлари саёҳатчилар билан учрашиб, уларнинг аҳволдан хабар олиб, уларга от совға қилишганлиги ҳақидаги маълумотларни келтирилади. Умуман, Амир Темурнинг хотамтойлиги, меҳмондўстлиги, унинг меҳмонларга қилган ҳадяси миқдори билан белгиланганлиги ҳақидаги маълумотлар айнан шу асарда келтириб ўтилади [6].

Клавихо ўз кундаликларида Кех (Кеш-Шахрисабз) шаҳрида бўлганлиги, унинг катта шаҳар эканлиги, атрофи ҳимоя девори ва чуқур ҳандақлар билан ўралганлиги, текис жойда жойлашганлиги, шаҳарнинг ҳар тарафидан сугориш каналлари ва дарёлар ўтганлиги, обод эканлиги, шаҳар атрофи аҳоли яшаш жойлари ва боғлар билан ўралганлиги хусусида тўхталиб ўтади. Шунингдек, сугориладиган майдонларда буғдой, узум, пахта, қовун ва бошқа турли мевалар ва сабзавотлар етиштирилганлигини қайд этиб, улар билан бу ҳудудга келган меҳмонларни сийлашганлигини таъкидлайди [6].

Элчи томонидан Амир Темурнинг меҳмондўстлиги ҳақида ёзиб қолдирилган маълумотлардан яна бирида унинг отаси ва ўғли Жаҳонгир Шахрисабздаги Кўкгумбаз ва Ҳазрати Имом масжидлари ёнида дафн қилинганлиги маълум қилиниб, шу масжидларда отаси ва фарзанди хотираси учун ҳар куни йигирмата пиширилган қўйни эҳсон сифатида камбағалларга тортиқ қилиниши, меҳмонлар шарафига шу масжидда кеча уюштирилиб, жуда кўп гўшт ва мевалар билан сийлашиб меҳмон қилишгани ва тунаш учун уларни катта саройга олиб боришганини ёзиб қолдирилган [6]. Худди шунингдек, 30 август, шанба куни, меҳмонлар Соҳибқиронга тегишли бўлган улкан, чиройли боғ ичида жойлашган катта уйда тушлик қилишиб, дам олишганлиги таъкидланади [6].

Ниҳоят, Клавихо ва унинг ҳамроҳлари Самарқанд шаҳрига етиб келишганда, уларга Кальбет (Гулбоғ) номли боғга жойлашиб, чодир тикишларига рухсат қилинади. Элчи, улар қўним топишган боғнинг жуда чиройли ва бежирим эканлигини моҳирлик билан тасвирлайди-ки, бу масала кўплаб тадқиқотчилар томонидан ҳар томонлама ўрганилган [7, 8, 9, 10, 11, 12]. Шунга қарамай, Амир Темур даври боғдорчилик санъати, ландшафт дизайни масалаларининг айрим ўрганилмаган жиҳатларини тўлақонли, чуқурроқ ўрганиш навбатдаги долзарб тадқиқотлар мавзуси бўлиб қолаверади. Шунингдек, кундаликда меҳмонларга кўп гўшт беришиб, зарурий нарсалар билан таъминланганлиги ҳақида маълумот ёзиб қолдирилган [6].

Соҳибқирон 1404 йил тўртинчи сентябрь куни чет эллик меҳмонлар



жойлашган боғга ўз одамларини жўнатиб, ҳозирча улар билан учраша олмаслигини айтиб, зерикиб қолмасликлари учун, улар шаънига шу куннинг ўзидаёқ байрам уюштиради. Меҳмонларга кўплаб қўйлар олиб келишди, пиширишди, гуручни турли усуллар билан пиширишди, от гўштини қовуришди ва меҳмонларга кўплаб мевалар тортиқ қилинди. Тадбир сўнггида меҳмонларга иккита от, бош кийим ва бошқа кийим-кечаклар совға қилинди [6].

Одатда, буюк жаҳонгир чет эллик меҳмонларни шаҳар ичкарасида эмас, балки шаҳар ташқарисидаги боғларда кутиб олган ва уларни шу боғларда меҳмон қилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Амир Темурнинг ҳукмронлиги даврида бундай боғлар жуда кўп бўлиб, боғлар жуда ҳашамдор қилиб яратилган.

Амир Темурнинг меҳмондўстлик фазилатлари тўғрисида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш мақсадида унинг Испания элчилари билан бир неча марта бўлиб ўтган учрашувларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, Соҳибқирон 8 сентябрь куни меҳмонларни кўриш истагини билдириб, уларни Боғи Дилкушода қабул қилади. Меҳмонларга ўзлари билан ҳукмдорга тортиқ қилиш учун олиб келган совғаларини хизматкорларга топширишлари кераклиги айтилиб, совғаларни чиройли кўринишда тақдим қилиш учун хизматкорлар уларни керакли ҳолатга келтиришади.

Хизматкорлар меҳмонларни ҳукмдор чорловига олиб келишди, улар эса ўнг оёғи билан тиззалаб, қўлларини кўксига чалиштириб, ҳурмат бажо келтиришди. Амир Темур эса улардан янада яқинроқ келишларини сўрашди. Шундан кейин ҳам Испания элчиларининг Хитой элчиларидан пастроқда ўтирганлигини кўриб, уларни пастроққа, Испания элчиларини эса ўзига яқинроққа ўтқазишларини сўраб, уларга ҳурмат кўрсатди. Бундан кейинги барча расмий учрашувлар ва меҳмондорчиликларда шу анъана сақланиб, меҳмонларни шу тартибда ўтиргизишган [6].

Соҳибқирон даври меҳмондорчилигининг ўзига хос томонлари сифатида шунини алоҳида қайд этиш лозимки, меҳмон қанчалик узоқдан келган ва ҳурматли бўлса, уни шунчалик узоқ вақт кутишлардан кейингина қабул қилинган, хусусан, Хитой элчилари 1395 йил Самарқандга келишган бўлсалар, улар фақатгина 1397 йили ҳукмдор томонидан қабул қилинган [6]. Худди шунингдек, меҳмонлар келтирган совғалар ҳам маълум муддат сақланиб, шундан кейингина ҳукмдор томонидан қабул қилинган [6].

Клавиҳонинг “Куңдалиги” да меҳмондорчилик хусусида қуйидаги фикрлар баён қилинган: меҳмонларни белгиланган тартиб билан ўтиргизишди, уларни жуда кўп миқдорда пиширилган, қовурилган ва тузланган қўй гўшти ҳамда қовурилган от гўшти билан сийлашди. Бунда, меҳмондорчилик учун олтин, кумуш ва сопол идишлардан фойдаланилгани, хусусан, чинни деб аталмиш идишнинг жуда қимматбаҳо ва қадрли эканлиги таъкидланган. Шу ерда, отабоболаримиз ўша даврдаёқ овқат пиширишнинг моҳир усталари эканлиги ҳақида айтиб ўтишни лозим деб топдик, жумладан, меҳмонларга от гўштининг қўл қисми бузилмасдан, бутунлигича, аммо суяклари олиб ташланган ҳолда тақдим этилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Меҳмонларга ҳурмат юзасидан Амир Темур ўз олдига қўйилган иккита идиш-



даги егуликларни уларга тортиқ қилганлиги, меҳмонлар олдига қўйилган гўшт маҳсулотларини шу ондаёқ йиғиштириб олиб, уларнинг уйларига юборилганлиги, бу одатни бажармаслик эса ҳурматсизлик саналиши, даврага тортилган гўшт маҳсулотларининг шу қадар кўплиги, унинг миқдори олти ойга еттулик эканлиги ҳам мезбоннинг меҳмоннавозлигидан далолатдир [6]. Меҳмондорчилик давомида кейинги овқат сифатида яна гўшт маҳсулотлари тортилган. Асосий овқатлардан кейин десерт сифатида кўплаб мевалар, қовун, узум ва ўрик тортилиб, қимиз олтин ва кумуш кўзаларда ичимлик сифатида узатилди [6].

Меҳмондорчилик тадбири ниҳоясида меҳмонларнинг ҳолидан хабар олиб туриш учун уларга хизматкорлар бириктирилиб, уларни ҳукмдор яшаб турган уйдан унча узоқ бўлмаган боғдаги алоҳида ажратилган уйга жойлаштирилиб, ҳурмат кўрсатилган.

Навбатдаги меҳмондорчилик 15 сентябрь, келгуси душанба куни бўлиб ўтган. Бу йиғиндан асосий мақсад меҳмонларни Амир Темурнинг яқинлари билан таништириш эди. Меҳмонларни таклиф қилиш учун борганлар ичида тилмоч бўлмаганлиги сабабли, улар белгиланган вақтдан кечикиб келишди. Улар ташриф буюришган вақтда ҳукмдор овқатланиб бўлган эди. Шу сабабли Амир Темур меҳмонлар яшаб турган уйга бешта қўй ва иккита катта кўзада вино юборган [6].

Испания элчиларини таклиф қилиш учун юборилган чопар орқали уларга бир кўза вино узатилиб, улардан кайфиятлари кўтарилгунга қадар вино ичиб, ҳукмдор олдига шодумон ҳолатда келишлари сўралди. Одатда, ичимлик ичиш фақатгина ҳукмдорнинг рухсатидан кейингина мумкин, бошқа вазиятларда, якка ҳолда ёки омма олдида ичишга рухсат этилмайди. Вино, одатда, емақдан олдин берилиб, уни жуда кўп ичишганлиги айтиб ўтилади. Ҳукмдор рухсат берганидан кейин вино ичмаслик эса унга нисбатан ҳурматсизлик деб саналган. Уни шунчалик тез ва кўп беришадик, бундай тадбирларда вино токи маст бўлгунга қадар ичилган. Ҳукмдор шарафига қадаҳ кўтарилганда эса винонинг бир томчисини ҳам қолдирмасдан, токи охиригача ичилган. Энг кўп вино ичган киши баҳодир деб, мақталиб, ичишни ҳоҳламаганлар эса мажбурланган. Вино ичиб бўлинганидан кейин, одатдаги каби, гўшт маҳсулотлари истеъмолидан сўнгра мулозимлардан бири кумуш идишда кумуш тангалар олиб кириб, меҳмонлар устига сочди, меҳмонларга бош-оёқ сарпо берилди ва ҳукмдор уларни кейинги куни тушликка таклиф қилди-ки, буларнинг барчаси Амир Темурнинг меҳмонларга нисбатан алоҳида эҳтиром кўрсатганлигидан далолат беради [6].

“Кундалик”да Амир Темурнинг Боғи Дилкушода Кастилия элчилари билан учрашуви ва уларга катта эҳтиром кўрсатганлиги, меҳмондорчилик анъаналари, пазандалик маҳорати, дуру-гавҳарлар билан безалган идишлар, архитектура санъати асари даражасида бунёд этилган чодирлар, иморатлар ҳамда иншоот ичи ва ташидаги жиҳозлар жуда чиройли, шоирона тарзда ифодаланган [6]. Меҳмондорчилик якунида меҳмонларнинг устига кумуш тангалар, олтин жиҳозлар ва қимматбаҳо тошларни сочиш ҳолатларига ҳам Амир Темур даври меҳмондорлик санъатининг ўзига хос удуми сифатида қараш мумкин [6].



Кейинги меҳмондорчиликда Соҳибқироннинг аёли шахсан ўзи Клавихо бошчилигидаги элчиларга нисбатан ҳурмат кўрсатиб, унга вино узатганлиги ҳақидаги маълумот келтирилганлиги, Соҳибқирон яшаган даврда ҳам халқимизда меҳмондорчилик анъаналари ҳар бир оила аъзосига сингдирилганлиги ҳақида хулоса қилишга асос бўлади [6].

Узоқдан ташриф буюрган меҳмонларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида Испания (Кастилия) элчиси ва унинг ҳамроҳларига бир неча марта кумуш тангалар тортиқ қилинади, бошларидан кумуш тангалар сочилади [6].

Асарда Амир Темурга қилинган совғалар сони тўққизта бўлишлиги ҳақида маълумот мавжуд-ки, ҳозирги кунда ҳам вилоят ҳудудида куёв келинни уйдан олиб чиқиб кетиш учун келганида унинг олдига тўққиз турдаги овқат – "тўққиз товоқ" қўйилиши, Шаҳрисабз туманида келинлар сепига солинадиган кийимлик мато сони тўққизта эканлиги, унинг "тўққиз тўй" деб номланиши халқимизда ўша даврдан бери давом этиб келаётган анъаналарнинг давоми эканлигини кўрсатиб туради. [6].

"Кундалик"да, меҳмонлар шаънига уюштирилган кечаларда кўнгилочар тадбирлар ҳам ташкил этилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Бундай тадбирларда муסיқачиларнинг жалб қилинганлиги, безатилган филлар билан чиқишлар қилинганлиги ва арқонга осилиш бўйича спорт мусобақалари ташкил этилганлиги шулар жумласидандир [6].

Амир Темурнинг очиққўллиги, саховатпешалиги ва меҳмоннавозлиги қай даражада эканлигини кўрсатиб ўтишни лозим топдик ва шу мақсадда навбатдаги меҳмондорчилик хусусида тўхталиб ўтамиз. Дастурхонга тортилган гўшт миқдори шунчалик кўп эдики, уни меҳмонларга тақдим этиш учун 300 нафардан ортиқроқ киши жалб қилинган. Гўштни даврага айлана кўринишидаги олтин билан ишлов берилган чарм идишда пол бўйлаб судраб олиб келишди ва одат бўйича хизматкорлар уни идишларга тақсимлаб, сўнгра меҳмонларга узатишди.

Бутун меҳмондорчилик давомида турли усуллар билан тайёрланган от ва қўй гўшти араваларда ва туялардаги махсус идишларга юкланган ҳолда тинимсиз равишда ташилиб, етказилиб, меҳмонларга пешма-пеш узатиб турилган. Кеч бўлишига қарамасдан меҳмондорчилик авжида, меҳмонлар келиши, пиширилган гўштни маълум йўналиш бўйича ташиб келтириш ва уни меҳмонларга тақдим этиш давом этган [6].

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, меҳмонлар Самарқандда ўзлари режалаштирган ишларни битириб, ортига, ўз ватанларига қайтиши пайтида, йўл давомида уларга кузатувчилар бириктирилиб, уларнинг Амир Темур мамлакатида ҳар бир ҳудуд учун бириктирилган масъул томонидан от-улов, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа керакли нарсалар билан таъминланиши лозимлиги тўғрисидаги ҳужжат – ёрлиқ берилиб, уларга ҳурмат эҳтиром кўрсатилдики, бу ҳам соҳибқироннинг меҳмоннавозлиги, меҳмонларга нисбатан юксак эҳтироми белгисидир [6].

Хуллас, элчи Клавихонинг "Кундалик"ларида Амир Темурнинг меҳмондўстлик фазилати батафсил ёритилган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Кайковус, Унсурул маолий. Қобуснома. / - Т.: "Истиқлол", 1994.-174 бет.
2. Қувонова Ф. Меҳмон кутиш санъати - Т.: "Янги аср авлоди", 2007.-116 бет.
3. Hasanboyeva O., Inoyatova M., Ne'matova A. Odoynom: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 2-sinfi uchun darslik. - To'rtinchi nashr. - T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2018. - 80 b.
4. Ибн Хавқал. Мовароуннахр;/ араб тилидан тарж., изоҳлар муаллифи Ш.С.Қамолiddин. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2011.- 400 бет.
5. Клавихо Руи Гонсалес де. Путешествие ко двору Темура в Самарканде (1403-1406). / - М.: "Наука", 1990.- 217 с.
6. Очилов Ф.Э., Попова О.В. История и развития ландшафтного дизайна времен Амир Тимура и тимуридов. ҚарДУ хабарлари. 2017/3. Б - 72-74.
7. Алимов У., Мадраимов А. Садово-парковое искусство тимуридов и его традиции. Ўзбекистонда анъанавий боғ ва боғдорчилик санъати кеча, бугун ва келажакда. Халқаро илмий конференция материаллари. -Шаҳрисабз, 2016. -Т.: "Янги нашр", 2016. Б-3-15.
8. Эшов Б.Ж. Амир Темурнинг истироҳат боғлари. Ўзбекистонда анъанавий боғ ва боғдорчилик санъати кеча, бугун ва келажакда халқаро илмий, конференция материаллари. Шаҳрисабз - 2016. -Т.: "Янги нашр", 2016.
9. Раҳмонов Ф.Ш., Ҳасанов А. Амир Темур ва темурийлар даврида зироатчилик равнақи. Ўзбекистонда анъанавий боғ ва боғдорчилик санъати кеча, бугун ва келажакда. Халқаро илмий конференция материаллари. Шаҳрисабз - 2016. -Т.: "Янги нашр", 2016. Б-46-50.
10. Гойибов Н. Амир Темур даври маданияти. - Т.: Ф.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. - 48 бет.
11. Очилов Ф.Э., Эгамбердиев М.Ф. Искусство создания и возделывания садов в средневековье в Маверауннахре. Культура, наука, образование: проблемы и перспективы: материалы VI международной научно-практической конференции. Нижневартовск: Изд-во Нижневарт. гос. ун-та, 2017. Ч. I. с.289-292.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада испан элчиларининг Амир Темур мамлакати ҳудудида, хусусан, Самарқанд шаҳрида соҳибқирон ҳузурида бўлган даврида уларга кўрсатилган иззат-икром, амалга оширилган меҳмондўстлик анъаналари элчи Руи Гонсалес де Клавихо "Кундалик"лари асосида ўрганилиб, бу урф-одатларнинг бугунги кунгача давом этиб келаётганлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилган.

SUMMARU

The article studies the issues of the tradition of hospitality of Amir Temur, honored by the sovereign to guests led by the Spanish ambassador during a visit to Samarkand, based on the diary of Rui Gonzales de Glavijo. Also, the question of the continuation of the tradition from the time of Amir Temur to the present day is considered.



AMIR TEMUR DAVRIDA BUXORODA SIYOSIY VA IJTIMOY HAYOT: DASTLABKI MULOHAZALAR

Жамшид КЎЧАРОВ,
Қарши давлат университети.

Калит сўзлар: Амир Темур, темурийлар, Бухоро, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт, Темурариқ, Фаркати кўли, Работи Малик, Жўйи зар, Шарафуддин Али Яздий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хоразмга юриши, она юрт

Шарқ оламида Бухоро барча тарихий даврларда муҳим сиёсий-ижтимоий ва маданий жараёнлар марказида турган йирик шаҳарлардан бири сифатида машҳурдир. Айниқса, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганишда Бухоро шаҳри ва воҳасининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эгадир. Тарихий манбалар таҳлили шунини кўрсатадики, Бухоро темурийлар даврида муҳим сиёсий ва стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳарлардан бири саналган.

Маълумки, мўғуллар истилоси даврида Бухоро шаҳри бир неча маротаба вайрона аҳволга келган. Амир Темур марказий ҳокимият тепасига келгунга қадар шаҳар сўнгги бор 1316 йилда вайрон этилган [1:57]. Бухоро шаҳри мўғуллар даврида бир неча бор вайрон этилсада, ҳамини савдо ва қарвон йўллари марказида жойлашганлиги ва аҳолисини нуфузли эканлиги боис Мовароуннаҳрнинг марказий шаҳарларидан бири сифатида ўз салоҳиятини сақлаб қолаверган.

XIV асрга оид вақф ҳужжатларини ўрганган тарихчи олима О.Д.Чехович 1326 йилга оид маълумотларда Бухоро атрофида кўплаб вайрон бўлган ва ташландиқ ҳолатга келган масжид, қаср, боғлар мавжуд бўлганлигини қайд этиб ўтади [7:106]. Демак айтиш мумкинки, Амир Темурнинг сиёсий майдонга чиқиши арафасида Бухоронинг иқтисодий-сиёсий муносабатлардаги роли ва аҳамияти бир қадар пасайган эди. Ушбу фикрларни XIV асрнинг 30-йилларида Ўрта Осиёга саёҳат қилган марокашлик машҳур сайёҳ Ибн Баттута маълумотлари ҳам тасдиқлайди. 1333 йилда Бухорога келган Ибн Баттута Бухоро шаҳарини бир вақтлар Жайхун дарёсидан шимолдаги шаҳарлар пойтахти бўлганлиги, Чингизхон уни вайрон қилганлиги ва ўзининг саёҳати даврида шаҳарда масжид ва мадрасалар, бозорларнинг айримлари фаолият юритаётганлигини, қолганлари эса вайрона ҳолатда бўлганлигини батафсил ёзиб қолдирган. Бундан ташқари сайёҳ Вобкент шаҳрига бўлганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтган, Бухоро шаҳри муҳаддис имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ватани эканлигини ҳам таърифлаган. Шаҳарнинг Фатҳобод мавзеида тўхтаб, авлиё Сайфиддин ал-Бухорзийнинг зиёратида бўлиб, унинг авлодларидан бири Яҳё ал-Бухорзий билан учрашган ва бу учрашув сайёҳда улкан таассуротлар қолдирган [2:64,66].

Тарихий манбаларда Амир Темур Бухорога она шаҳри сифатида алоҳида эҳтиром билан қараганлиги билан боғлиқ маълумотлар мавжуд. Бунга асос сифатида Темурбекнинг онаси Тегина Бегим Моҳ(тахм.1318-1353) Бухородан бўлганлиги, унинг отаси ўз замонасининг обрўли кишиларидан саналган Садр аш-шаръия, яъни шариат қонунчилигини шарҳловчи аллома Убайдулло ибн



Маҳмуд ал-Маҳбубий эканлиги келтириб ўтилган [12:3]. Соҳибқироннинг ҳокимият тепасига келиш жараёнида ўзаро курашларда ҳам Бухоро шаҳри бир неча бора тилга олинади.

Амир Темурнинг замондоши бўлган буюк тасаввуф алломаси Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) билан муносабатлари ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар учрамайди. Шу билан бир қаторда Темурбек даврида Бухоронинг диний раҳнаmolари ва уларнинг сиёсий ҳаётдан четлатилган деган мулоҳазалар ҳам асосга эга эмас. Бухоролик таниқли тарихчи олим Ф.Ҳ.Қосимов рисолада буюк ҳукмдорнинг ҳарбий юришларидан сўнг Бухорога келиши ва бу ердаги авлиёлар ва ислом оламининг йирик вакиллари қабрларини зиёрат қилганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтирилган [11:91].

Мўғулларга қарши кураш жараёнида Бухоро Амир Темур учун таянч марказлардан бирига айланган деб хулоса қилиш мумкин. Мўғул хони Илёсхожага қарши курашлари даврида Темурбек айнан Бухородан паноҳ топганлиги билан боғлиқ маълумотлар манбаларда муҳрланган. Масалан, муаррих Шарафуддин Али Яздий маълумотларида Илёсхожадан мағлуб бўлган Амир Темур ва Амир Ҳусайнлар чекингач, Темурбек хотинини Бухоро вилоятига қарашли Бухорзиндон деб номланган кент (қишлоқ)га яширган [4:28]. Бу маълумот ҳам Темурбекни сиёсий фаолиятида Бухоро шаҳри алоҳида ўрин тутганлигини тасдиқлайди.

Буюк Амирнинг яқин кишилари орасида бухороликлар ҳам мавжуд бўлиб, манбаларда Маҳмудшоҳ Бухорий, Али Ясаурийларнинг Бухородан бўлганлиги қайд этилган. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридаги маълумотларда, Амир Темурнинг ҳокимият учун курашлари даврида унинг яқин кишилари орасида Суюрготмиш Уғлон, Довудбек Дуғлат (Амир Темурнинг сингlisi Қутлуғ Туркон оқонинг турмуш ўртоғи), Жаку Барлос, Муаййид Арлот (Амир Темурнинг сингlisi Ширинбек оқонинг турмуш ўртоғи, Сари Буға Жалойир, Баҳодир Қипчоқ, Оқ Буғалар қаторида Маҳмудшоҳ Бухорийлар номлари ҳам тилга олинган.

Шунингдек, Маҳмудшоҳ Амир Ҳусайнга қарши курашлар даврида Бухородан солиқ йиғиб олиш учун Амир Темур томонидан юборилганлиги ҳам манбаларда зикр этилган [4:46-49]. Аммо, муаррих Муъиниддин Натанзининг ёзишича, Маҳмудшоҳ Бухорога келгач, ясовур қабиласига таяниб, Амир Темур учун ҳам тўпланган маблағларни етказиб бермаган. Қарши шаҳрини амир Мусо ва амир Ўлжойтулар эгаллагандан сўнг Амир Темур Бухорога йўл олган. Маҳмудшоҳ Бухорий ва Али Ясаурийлар уни илиқ кутиб олишган. Шундай бўлсада, Темурбекнинг ҳамроҳлари уларга ишонишмаган. Аббос баҳодир, Ҳожи Сайфиддинлар Амударёдан ўтиб, Моҳон томонга кетишган. Бироз фурсатдан сўнг Амир Темур ҳам улар олдига йўл олган. Маҳмудшоҳ ва Али Ясаурийлар ҳам курашда мағлуб бўлгач, улар ҳам Моҳон сари Соҳибқирон ҳузурига боришган [6:79].

Амир Ҳусайнга содиқ амирлар томонидан Бухоро қамал қилиниб, Темурбек тарафдорлари билан жанглари олиб борилган. Курашнинг шиддати бўлганлиги ва Бухоро қалъасини рақиб ишғол қила олмаганлиги сабабли ҳийла ишлатиб шаҳар эгалланганлигини кўрсатади. Бухородаги Амир Темурнинг тарафдорлари бўлган Али Ясаурий ва Маҳмудшоҳлар амир Ҳусайнга қарши курашларда мағлубиятга учраганларидан сўнг Амударёдан ўтиб, Моҳонга Амир Темур ҳузурига борганлар [4:50].

Юқорида келтирилган маълумотлардан Бухоро воҳаси аҳолиси Темурбекнинг мамлакатни бирлаштирув сиёсатини қўллаб-қувватлаган мазмундаги хулосага келиш мумкин. Шунингдек, Темурбекнинг 1376 йилда учинчи марта Хоразмга юриши даврида унга хизмат қилган Сори Буға ва Одилшоҳларни исён кўтарганлиги сабабли буюк ҳукмдор ҳарбий юришни тўхтатиб, ортга қайтган. Бухоро қалъаси кўзголончиларни қўллаб-қувватламаган. Амир



Темур сиёсатини қўллаб-қувватлаб, исёнчиларга қаршилик кўрсатишган. Исёни бостириш учун ҳарбий юришни тўхтатган Амир Темур ўгли Жаҳонгирни Бухорога юборган.

Қўзғолонни бостириш даврида Амир Темур Бухоро - Работи Малик - Кармана ва Самарқанд йўналишида ҳаракат қилган [4:79]. Буюк ҳукмдор бу пайтда Работи Маликка келиб тушган. Кармана яқинида бўлган жангда исёнчилар енгилган [10:99].

Хоразмга учинчи бор ҳарбий юриш ташкил этилишининг асосий сабаби Юсуф Сўфийнинг Амир Темур Кешда бўлган вақтида қўшин тўплаб Бухоро атрофларини талаб, вайрон қилганлиги эди [3:22]. Хоразм ҳарбий юришлари анча оғир кечиб, чўл ҳудудларидан ўтиш етарлича қийинчиликлар туғдирган, бу даврда Мовароуннаҳрга мўғуллар ҳужуми ёки исёнлари уюштирилган. 1388 йилда Хоразм юриши тугаш арафасида Амир Темурнинг саркардаларидан бири бўлган Муҳаммад Миракнинг укаси Абдулфатҳ исёни содир бўлган. Соҳибқирон газабдан кўрқиб чўлга қочган исёнчини Бухорода Умаршайх Мирзога топширишган [4:119].

Амир Темур ўз давлатини бошқаришда мўғуллар одати бўйича хон кўтариб, унинг номидан фаолият олиб борган. 1388 йилда Хоразм юришидан сўнг Самарқандга қайтишда Чигатой улуси ҳукмдори Суюрготмишхон Бухорода бетоб бўлиб, бир неча кундан сўнг вафот этган [4:121].

Темурбек ёрдам сўраб келган Тўхтамишхонни қўллаб-қувватлаган. Ҳарбий ёрдам олган Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахти учун кураш жараёнларида Саброн яқинида Ўрусхоннинг ўгли Қутлуғ Бугадан енгилиб, Сирдарёни кечиб ўтиш вақтида жангда яраланган. Оғир ярадор Тўхтамишхонни Идику Барлос кутқариб қолган ва Темурбекнинг ҳузурига олиб келган. Бу ҳақда Али Яздий шундай ёзади: "Ул маҳалда соҳибқирон Бухорода ўлтуруб эрди, Тўқтамишнинг ҳолатидин хабар билиб, яна анга шафқат қилиб, барча йарогини қилди [4:83].

Буюк Амир даврида Бухоронинг ҳарбий ва сиёсий нуфузи ошиб борган. Жанговор юришлар даврида Бухоро қўшинлар тўпланадиган, ҳарбий режалар тузилиб, муҳокама қилинадиган асосий масканлардан бири ҳисобланган. Масалан, 1382 йилда Мозандарон ҳокими амир Вали исён кўтариб, Селат ва Тус ҳокими Алибек билан биргаликда Амир Темурга итоат этган Сейистон ҳокими Али Муаййадга қарши қўшин тортган. Қиш бўлишига қарамай исёнчиларни жазолаш мақсадида тўпланадиган қўшин макони сифатида Бухоро белгилаган ва Хуросонга юриш ташкил этилган [5:46].

Соҳибқирон Бухоро вилоятини обод қилиш ва иқтисодий жиҳатдан салтанат таянчларидан бирига айлантиришга доимо ҳаракат қилган. Шу сабабли кўплаб ариқ ва каналлар қаздирган. Жумладан, ҳозирги Когондан жанубишарқий йўналишдаги канал халқ хотирасида Темурариқ номи билан сақланиб қолинганлиги билан боғлиқ маълумотлар рус тарихшуноси Н.Ф. Ситняковскийнинг Рус география жамиятига йўллаган ҳисоботлари асосида келтириб ўтган [8:173]. Бухоро шаҳри шимолида йирик зовур (коллектор) мавжуд бўлиб, уни маҳаллий аҳоли Амир Темур номи билан боғлашади. Тарихий манбаларда айнан шу зовур сабабли ушбу мавзе деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари равнақ топганлиги ҳам баён этилган [9:26].

Тарихий воқеликлар таҳлили, Бухоро вилояти доимо Соҳибқирон сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаган деб хулоса қилишга асос беради. Тўхтамишхоннинг босқини даврида Аталмиш Қавчин ва Дурбой Қавчинлар Бухоро қалъасини ҳимоя қилишган. Шаҳарни ололмаган рақиб, вилоят атрофларини талаган ва ҳозирда харобалари Муборак шаҳри яқинида жойлашган Занжирсаройга ўт қўйган. Тўхтамишхоннинг босқини ва Бухоронинг қамал қилиниши 1388 йилда содир бўлган [5:59].



Бухорога Амир Темурнинг алоҳида эътибор қаратганлигига оид маълумотларда буюк ҳукмдорнинг 1389 йил қишини бу ўлкада ўтказганлигини келтириб ўтиш мумкин. Бухорога қишлаш учун келган Амир Темур Фаркати кўли (Фаркат, Фарқад, Барқад, Парқад) - Бухородан 27-30 км масофада ҳозирги Газли йўлидаги қишлоқ - Ж.К.) бўйида қишлоқ қурган. Бу даврда Мироншоҳ Мирзо Хуросон вилоятини забт этиб, қишнинг охирида Бухорога отаси олдига келган [4:127].

Бухоронинг ҳозирда ҳам сўлим гўшаларидан бири бўлган Жўйи Зар ҳудуди ҳам тарихий манбаларда 1392 йилда Амир Темурнинг беш йиллик юриши даврида тилга олинади. Ёз палласида ҳарбий юриш бошланган бўлиб, Бухорога келиш жараёнида буюк ҳукмдор бетобланиб қолади. Бухоро шаҳри яқинидаги Жўйи Зар ҳудудига етиб келгач, шу ерда даволаниш учун тўхтаб, оила аъзоларини ҳам чақиртирган. Самарқанддан Сароймулк хоним, Туман оқо, Султон Бахт бегимлар келишган бўлса, шаҳзода Муҳаммад Султон қўшиннинг илғор қисмлари билан Амударёдан ўтган бўлсада фармонга мувофиқ қўшинлари шу ерда қолдириб ўзи бобоси ёнига қайтган [4:143].

Бухоро Амир Темур даврида давлатнинг иқтисодий марказлардан бири бўлганлиги сабабли сиёсий курашларда асосий марказлардан бирига айланиб борган. Соҳибқирон вафотидан кейин унинг васиятига зид равишда Самарқанд тахтига Халил Султон ўтирган. Аммо, Соҳибқирон васиятига содиқ бўлган амирлар Шайх Нуриддин ва Шоҳмаликлар ўзлари учун ишончли марказ сифатида Бухорони танлашган. Улар томонидан Бухорога давлат хазинасининг бир қисмини келтирилганлиги ҳам тарихий адабиётларда келтирилган. Ўзларидан оддироқ Бухорога ишончли бекларидан бири бўлган Тоғай Бугани юбориб, Халил Султонга қарши муҳолифатчилар учун зарурий жиҳозларни тайёрлаш топширилганди. Бу ердан улар томонидан юборилган вакил Пирмуҳаммад ҳузурига чопар юбориб, унга Амир Темур вафоти ва унинг васиятига амал қилинмаганлиги хабарини етказишган [4:304].

Бухорога келадиган муҳолифат вакиллари билан бирга Шоҳрух мирзонинг фарзандлари Улуғбек мирзо, Иброҳим Султон ва Алиобиддинлар ҳам келишган. Уларнинг Бухорога келиш вақти 1405 йил 6 март кунини содир бўлган [4:305]. Халил Султонга муҳолиф бўлган амирлар Шайх Нуриддин ва Шоҳмалик Соҳибқирон васиятини бажариш баҳонасида Халил Султонга қарши бўлган кучларни Бухорода тўплашга ҳаракат қилганлар деб хулоса қилиш учун асослар етарли.

Халил Султон Самарқанд тахтига ўтиргандан сўнг улар Бухорода қаршилик ҳаракатини ташкил этишга интилишган. Ўзларини исён қилганликларини маълум қилиб, Улуғбек мирзо ва Иброҳим мирзолар улар билан бирга эканлиги сабабли, курашлари қонуний аҳамият касб этишига ҳаракат қилганлар. Бухоро шаҳарини мудофаа қилиш режаси тузилган. Унга кўра, бозор ва унинг атрофлари мудофааи Шоҳмалик ва Улуғбек мирзо, қалъа деворларини Шайх Нуриддин ва Иброҳим Султонлар қўриқлаши керак эди. Шунингдек, Рустам барлос, иниси Ҳамза, Аталмиш ва Тўқал Қарқара каби исёнчи беклар шаҳар дарвозаларини қўриқлашга масъул қилиб белгиланган.

Тарихчи олима Э.Ф.Вульффертнинг ёзишича, Бухоро Амир Темур даврида йирик шаҳарлардан бири бўлиб, у катталиги бўйича Самарқанддан қолишмаган. Унинг арки баландлиги 12 метрни ташкил этиб, шарқ ва ғарб томонида икки дарвозаси бўлган. 1405 йилда темурий шаҳзодалар Халил Султонга қарши мудофаа жараёнида шаҳарни икки қисмга бўлиб олганлар. ўрбий қисм ва шу томондаги дарвозаларни Регистон майдони ҳудудларини Иброҳим Султон, шарқ томон Масжиди Калон ҳудудлари мудофааи Мирзо Улуғбек зиммасига тушган [1:61].

Ўша вақтда Бухорони Халил Султонга қарши кураш майдонига айланишига сабаб сифатида келтириб ўтиш мумкинки, бу ерда марказий ҳокими-



ятга қаршилик ҳаракати вакиллари Амир Темур хазинасининг бир қисмини тўплашган. Кейинчалик, Шоҳрух мирзо Бухоро Нақшбандия пирлари билан алоқа ўрнатиш орқали Мовароуннаҳрда Халил Султонни мавқеини кучсизлантиришга муваффақ бўлган. Муҳаммад Порсо ва нақшбандийликнинг бошқа пирлари Мовароуннаҳрда ҳокимиятни Шоҳрух мирзо ва у орқали Улғбек мирзо қўлига ўтишида роли катта бўлган [1:62].

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, соҳибқирон Амир Темур салтанатида унинг ҳарбий юришлари, сиёсий-иқтисодий жараёнларда Бухоро шаҳри алоҳида мавқега эга бўлган. Самарқанддан кейинги муҳим шаҳарлардан бири ҳисобланган. Бу анъана кейинчалик темурийзода Улғбек мирзо даврида ҳам муқим сақланиб қолган. Мазкур шаҳар Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрнинг муҳим сиёсий марказларидан бири бўлиб, до-руссалтана Самарқанд тахти учун курашувчи темурийзодаларнинг доимий диққат марказида бўлган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Вульфферт Э.Ф. Бухарская провинция в составе государства Амира Тимура // Маверауннахр в эпоху Амира Тимура: археология, история, культура. - Т.: "Adabiyot uchqunlari", 2018. - С.53-68.
2. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. М.: "Шарқ маатбаси", 1993. - 104 б.
3. Иноятов С. Амир Темур Карманда// "Амир Темурнинг миллий давлатчилик сиёсати: тарих ва ҳозирги замон" мавзуидаги Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган илмий конференция материаллари. - Т.: "Фан", 2006. Б.17-24.
4. Ўзидий, Шарафуддин Али. Зафарнома // Сўзбоши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков; Масъул муҳаррир Б. Эшпўлатов. - Т.: "Шарқ", 1997. - 384 б.
5. Керен Л. Амир Темур салтанати. // Француз тилидан тарж. ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов; махсус муҳаррир: Х.Султонов; Сўзбоши Луи Базен. - Т.: "Маънавият", - 224 б.
6. Натанзий Муъиниддин. Мунтахаб ут-таворихи Муъиний (Муъиний тарихлари танланмаси) Муъиниддин Натанзий; форс тилидан тарж., сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Каримий; масъул муҳаррир А.Ўринбоев. - Т.: "Ўзбекистон", 2011. - 264 б.
7. Петрушевский И.П. Из истории Бухары в XIII веке // Ученые записки ЛГУ/ Сер. востоковедческих наук, Вып.1. - Л., 1949. - С.103-118.
8. Ситняковский Н.Ф. Заметки о Бухарской части долины Зерафшана // Туркестанский сборник. т.118. - С. 128-185.
9. Сухарева О.А. Бухара XIX - начало XX в. (Позднефеодалный город и его население). - М.: "Наука", 1966. - 327 с.
10. Шомий Низомиддин. Зафарнома. - Т.: "Ўзбекистон", 1996. - 527 б.
11. Қосимов Ф.Ҳ. Темурийлар даврида Бухоро. - Бухоро, 1996. - 91 б.
12. Ҳазрат Соҳибқирон солномаси // Тузувчи-муаллиф Ҳаким Сатторий. - Т.: "Tafakkur qanoti", 2014. - 137 б.

Резюме

Ушбу мақолада Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва Бухоронинг сиёсий ва ижтимоий жараёнларига раҳнамолиги масалалари ёритилган.

Резюме

Статья посвящена приходу к власти Амира Тимура и руководство его в политических и социальных процессах в Бухаре.

Rezume

This article describes the rise of Amir Temur to power and Bukhara's participation in political and social processes.



KOMIL INSON, JONKUYAR MURABBIY VA FIDOYI ALLOMA

Очил БҮРИЕВ,

Қарши давлат университети профессори.

«Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар!».

Ҳадисдан

Ўзбекистонда улуғ ишлари, эзгу амаллари билан инсонлар ҳаётидан чуқур жой олган, бир умр ўчмас из қолдирган, ибратли фазилатлари билан уларнинг меҳрини қозониб, эъзозга ва эътиборга сазовор бўлган фидойи инсонлар анчагина. Айниқса, миллий юксалиш даврида эса бой ўтмиш тарихимизни холисона ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, " , ҳеч қачон унутилмайдиган, ҳеч қачон куч билан тортиб ололмайдиган буюк тарих, қудратли маънавий бойлигимиз десак, айтилган ҳақиқат бўлади. Биз бу тарихдан куч-қувват оламиз. Бу тарих бизга тинчликни асраб, барча халқлар билан дўст ва ҳамкор бўлиб, ёруғ келажак бунёд этишга даъват этади.

...мен барчангизни тарихни ўрганишда янада уйғоқ, янада фаол бўлишга чақирмоқдаман. Тарихга сергак қараган одам доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшайди" (Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-ж. - Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2019. Б.143,147)

Она Ватан, миллат равнақи, юрт тинчилиги, осойишталиги йўлида ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, халқ манфаатлари учун бутун куч-ғайратини сарф қилиб яшаган инсонлар барча даврларда ҳам жамоатчилик ўртасида катта обрў қозонишган. Биз бутун номини чуқур эҳтиром билан қаламга олаётган Комил инсон, етук аллома, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов ана шундай эл-юрт манфаатлари йўлида тинмай меҳнат қилган, ёш авлод тарбиясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, илм-фан йўлида заҳмат чеккан забардаст олимлардан бири эди. Бевақт ўлим устозни 2020 йил 3 ноябрда орамиздан олиб кетди.

Профессор У.Уватовнинг 80 йилдан зиёд сермазмун умри, илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолиятига назар ташласак гоётада ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтганлигига гувоҳ бўламиз.

Таниқли манбашунос ва арабшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов 1940 йил 23 февралда Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Пачкамар ҳудудидаги Чучук ота қишлоғида таваллуд топди. У 1956-1958 йилларда ўз тума-



XOTIRA - MUQADDAS, QADR - ABADIY

нидаги ўрта мактабда она тили ва адабиёти фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишлади.

У.Уватов 1958-1969 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) Шарқ факультетининг араб филологияси бўлимида таҳсил олди. Талабалик йиллари, яъни 1962-1963 йилларда Миср Араб Республикасидаги Асвон тўғони қурилишида таржимонлик қилган. 1964-1965 йилларда Шарқ факультетида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1965-1967 йилларда Ироққа



таржимон бўлиб кетди. 1967-1970 йилларда ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида аспирантурада таҳсил олди, сўнгра 1978 йилгача мазкур институтда кичик илмий ходим бўлибфаолият кўрсатди. 1975-1978 йилларда яна Ироқда таржимонлик қилган. 1978 йилдан университетнинг Шарқ факультетида ўқитувчиликни давом эттирган.

У 1982-1985 йилларда Ливияда таржимонлик қилган ва сўнгра 1985-1991 йилда яна Шарқ факультетида устозлик қилган.

У.Уватов 1991 йил январдан 1992 йил апрелгача Президент девонида шўъба мудири, 1992-1995 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси раисининг 1-ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди.

1997-1999 йилларда ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида катта илмий ходим, Халқаро "Олтин мерос" жамоат фонди раисининг 1-ўринбосари (1999-2000), Тошкент Ислон университетида бош илмий ходим, Манбалар хазинасининг директори (2000-2008), 2008 йилдан Самарқанд шаҳридаги Имом Бухорий Халқаро маркази директори лавозимларида ҳам ишлади. Олим 2018 йилдан умрининг охиригача Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан очилган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида директорлик қилди ҳамда Ўзбекистон Халқаро ислон академиясида ёшларга сабоқ ҳам берди.

Профессор У.Уватовнинг кенг қамровли илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятини қуйидагича таснифлаш мумкин: педагогик, жамоатчилик фаолияти ва маънавий-маърифий ишлар; темуршунослик; Имом Бухорий илмий мероси ва ҳадисшунослик; Ўзбекистон буюк алломалари илмий мероси; ноёб асарларни таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш;

Олим 1974 йилда таниқли араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг Соҳибқирон Амир Темур фаолиятига бағишланган тарихий асари - "Ажойиб алмақдур фи тарихи Таймур" ("Темур тарихида тақдир ажойиботлари") асари асосида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. 2002 йилда эса "Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожиди тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий)" мавзусида тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК олимга профессор ил-



мий унвонини тасдиқлади (2008).

Аллома узоқ йиллар Ватанимиздан етишиб чиққан кўплаб машҳур алломалар ҳаёти ва улар қолдирган бой илмий меросни илмий жамоатчиликка танитиб, бу бойликни кенг халқ оммасининг маънавий мулкига айлантириш борасида салмоқли илмий тадқиқотларни самарали амалга ошириб келди.

Устоз IX-XII асрларда юртимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар қолдирган бой илмий-маънавий мерос устида нодир қўлёзма манбалар асосида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борди, етук манбашунос ва арабшунос олим сифатида алломаларни Ватанимизда ва хорижда ҳам анча танитди.

Домла буюк алломаларимиз ҳақида қуйидаги асарларини яратди: "Донолар сабоқлари", "Муҳаддислар имоми", "Нозик иборалар", "Маҳмуд аз-Замахшарий", "Иймон нури", "Муслим ибн ал-Ҳажжож", "Ал-Ҳаким ат-Термизий", Имом Термизийнинг "Аш-шамоил ан-набия" асари (таржима), "Икки буюк донишманд", "Абул Муъин ан-Насафий", "Хоразмлик буюк аллома", "Имом ал-Мотуридия таълимоти", "Имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва асарлари" ва ҳ.к.

Домла "Тошкент - Ислом маданияти пойтахти", "Мусҳафи Усманий", "Саъдуддин ат-Тафтазоний", "Аллома Маҳмуд аз-Замахшарий", "Имом ат-Термизий" каби қатор ҳужжатли фильмлар ва спектаклар сценарийларининг муаллифи ҳам ҳисобланади.

Шунингдек, "Ўрта Осиё олимлари қомуси" (Т., 2007), "Ўзбекистон буюк алломалар юрти" (Т., 2010), "Буюк юрт алломалари" (Т., 2017) каби 3 мухташам тўпламлар ҳам олимнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати натижаси дейиш мумкин.

Домла Тошкентдаги Усмон Қуръони (Мусҳаф)ни кўчиртириб, Британия музейида бир ой давомида намоиш этилишига раҳбарлик қилди. Жаҳондаги ушбу йирик музейда сақланаётган 50 нафардан зиёд Насафийларнинг асарларини ҳам аниқлашга эришди.

Устоз умрининг охири даврида ҳадис илми султони - Имом Бухорий ҳақида салмоқли китоб яратди, таниқли муаррих Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал-мақдур..." асарини мукамал нашрини тайёрлади, буюк аллома Абул Муъин ан-Насафий асарларини чоп эттирди.

Убайдулла домланинг илмий фаолиятида Мотуридия таълимотининг давомчиси буюк аллома Абул Муъин ан-Насафийнинг ҳаёти ва илмий мероси муҳим ўринда туриб, устоз кейинги қарийб 30 йил давомида мазкур мавзуда тинимсиз шуғулланди. Домла истиқлолдан кейин буюк алломанинг ҳаёти ва мероси бўйича рисола яратди, қатор халқаро, Республика анжуманларининг ўтказилишига бош-қош бўлди, аллома китобларини нашр қилдирди, кўплаб насафийшунос ёш олимларни етиштирди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Қашқадарё вилояти Қарши тумани Қовчин қишлоғида бунёд этилган улуғвор Абул Муъин ан-Насафий зиёратгоҳини ободонлаштириш, музей, ахборот-кутубхона маркази, ақида мактаби, намозгоҳ жойларини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

Устоз Самарқанд шаҳридаги Имом Бухорий, Қарши шаҳридаги Хожа Убайдуллоҳ бин Жарроҳ, Муборак туманидаги Абдуллоҳ Марвазий, Гузор туманидаги Мири Жаңда, Китоб туманидаги Мавлоно Хожа Имганагий,



XOTIRA - MUQADDAS, QADR - ABADIY

Қарши туманидаги Абу-л Муъин ан-Насафий каби мажмуаларини таъмирлаш ва ободонлаштиришда бош маслаҳатчи сифатида ҳам фаол қатнашди. У кўплаб халқаро, республика илмий анжуманлар иштирокчиси эди. Домла Англия, Россия, Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони, Тунис, Сурия, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари, Марказий Осиё мамлакатларида ўтказилган халқаро илмий анжуманларда қатнашиб, ўзбек халқи бой маънавий мероси мавзусида сермазмун маърузалар ўқиди. Анчагина фан номзодлари ва фан докторларига илмий раҳбарлик ҳам қилди.

Олимнинг самарали меҳнати давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланиб, 2017 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвонига, 2020 йил февралда "Буюк хизматлари учун" орденига сазовор бўлди. 2012 йилда эса Турон ФА академиклигига сайланганди.

Профессор У.Уватовнинг темуршуносликка қўшган ҳиссасига тўхталадиган бўлсак, унинг Амир Темур даври тарихига қизиқиши талабалик йилларидаёқ пайдо бўлган дейиш мумкин. У юқори курс талабалик даврида Миср Араб республикасидаги Асвон тўғонида таржимонлик пайтида курсдоши А.Ҳасанов (ҳозирда тарих фанлари доктори, ЎзХИА профессори) билан бирга танқли араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал-мақдур..." китоби қўлёзмаси фотонусхасини олиб келишга муваффақ бўлган эди.

Юқорида таъкидланганидек, У.Уватов аспирантура ниҳоясига етгач, бу ноёб асар бўйича 1974 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Мазкур диссертация ҳимоясини ўша совет давридаги қабоҳатли даврда чинакамига илмий жасорат деб айтиш мумкин. Чунки бу даврга келиб академик И.М.Мўминовнинг "Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли" номли машҳур рисоласидан (1968) сўнг юртимизда темуршунослик бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш қатъиян тақиқланиб, биронта ҳам асар эълон қилинмаган эди.

Ушбу тадқиқот мустақилликдан сўнг, 1400 дан зиёд изоҳлар билан 1992 йилда кирилл алифбосида, 2018 йилда лотин алифбосида 2 та китоб шаклида, 2020 йилда яна мукамал тарзда бир жилда нашр этилди. Бу муҳташам китоб ўзбек темуршунослигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, десак асло муболаға бўлмайди.

Домланинг таъкидлаган эдики, Ибн Арабшоҳнинг мазкур қимматли асари араб тилидаги энг мураккаб усул - қатъий сажъ усулида битилган бўлиб, таржимаси ниҳоятда қийин кечган. Асарда ҳали тадқиқотчилар диққатидан четда қолган илмий, тарихий, жуғрофий, маданий аҳамиятга молик маълумотланинг мавжудлиги турли соҳа мутахассислари, жумладан, тарихчилар, географлар санъатшунослар, тилшунослар томонидан чуқуроқ ўрганишни тақозо этади (Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... к.1. - Т.: "Меҳнат", 1992. Б.7) Дарҳақиқат, "Ажойиб ал-мақдур..." тарих, этнография, фалсафа, педагогика ва бошқа ижтимоий-гуманитар йўналишларида алоҳида илмий тадқиқ этилиши лозим.

Шунингдек, олим "Соҳибқирон Амир Темур араб муаррихлари нигоҳида" (1997) номли салмоқли китобини ҳам яратди (1997).

Профессор У.Уватов темуршунослик бўйича қуйидаги асарларни ярат-



ган: Ибн Арабшах о Тимуре. - Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. Вып.1. - Т., 1970, С.105 - 108; Сведения Ибн Арабшаха о Мавераннахре. - Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. Вып.2. - Т., 1975, С.98 - 105. Ибн Арабшах и его книга "Аджаиб ал-мақдур фи навоиб Таймур". - Т., ОНУ, 1972, №7. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. "Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур" ("Темур тарихида тақдир ажойиботлари"). Сўзбоши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У.Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К.1,2. - Т.: "Меҳнат", 1992 (2018 йилда лотин алифбоси ва 2020 йилда крилл алифбосида қайта босилиб чиқди); Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги араб манбалари. - "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзусидаги Халқаро конференция тезислари. 1996 йил 23 - 26 октябрь. - Т.: "Ўзбекистон", Б.92-93; Амир Темур ва темурийлар даври маданий ҳаёти ҳақида. - Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. - Т.: "Халқ мероси", 1996. Б.158-165; Амир Темур ва мамлуклар. - Шарқшунослик, - Т., 1996 йил 6-сон, Б.60-74; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихидан. У.Уватов таржимаси. - Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. - Т.: "Ўқитувчи", 1996, Б.24-35; Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Т.: "Шарқ", 1997, 160 бет; "Темур тузуклари Маккадамикан?" - "Соҳибқирон юлдузи", 1997, 17-19-сонлар; Соҳибқирон Амир Темурни 1399 йили Султонияга бориши сабаблари - Амир Темур сабоқлари. Халқаро конференция материаллари. - Т.: "Шарқ", 1998, Б.40-44; Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. - Темурийлар даври маданий ёдгорликлари. Анжуман материаллари. 1-к, - Т., 2003. Б.34-42. Ибн Арабшоҳ. - ЎзМЭ, 4-ж. - Т., 2002. Б.50. ва ҳ.к.

Домла қарийб 60 йилдан зиёд Ватанимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг илмий меросини халқимиз, хусусан, ёш авлод ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишда фаол қатнашди. Мамлакатимизда устознинг қадами етмаган гўша ва китоблари етмаган хонадон бўлмаса керак. Жумладан юртпарвар олим ота юрти Қашқадарё вилоятига ҳам тез-тез ташриф буюриб, ҚаршиДУ, Қарши МИИ, ТАТУ Қарши филиали, ўрта, махсус таълим тизими жамоалари, корхона, муассаса, ташкилот ва маҳаллалардаги маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этарди.

2008 йилда ҚаршиДУда "Насаф ва Кеш алломалари меросини ўрганиш илмий маркази"ни ташкил этишга, қатор илмий анжуманлар ўтказишга ва тўпламлар нашр этилишига бош-қош бўлган эди.

Эл ардоқлаган олим Ўзбекистон Халқаро ислом академияси, ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қошидаги илмий даражалар берувчи кенгашлар ҳамда кўплаб илмий журналлар таҳрир ҳайъатлари аъзоси эди. Устоз кўп йиллар Ўзбекистон маърифатпарварлари жамиятига ҳам раҳбарлик қилганди.

Етук сиймо профессор У.Уватовнинг намунали оила соҳиби сифатидаги фазилатлари ҳам гоятда ибратлидир. Устознинг солиҳ фарзандлари жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашиб, турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилишмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида илмий даражали



XOTIRA - MUQADDAS, QADR - ABADIY

устозлар анчагина. Лекин етук олимлар – ноёб феноменлар жуда озчиликни ташкил этади. Раҳматли Убайдулла домла ҳам ҳар томонлама етук бўлиб, олимларнинг сарвари эди, десак асло муболаға бўлмайди. Эл-юрт ҳар бир олимнинг билим ва салоҳиятини ўз ақл тарозисида тортиб, холис баҳо беради, албатта. Муқаддас ҳадисларда "Олимлар халқ орасидаги Аллоҳ таолонинг омонатини халққа етказувчи кишилардир", деб бежизга таъкидланмаган. Устознинг кенг қамровли илм-фан, маърифат ва жамоатчилик соҳасидаги самарали фаолияти ҳақида кўплаб рисоалар яратса арзийди.

Демакки, инсон ҳаёт кечирар экан ўзининг амалий фаолиятида кўплаб яхшиликлар қилади, шогирдлар тарбиялайди, жамият, миллат, қавму қариндошлари учун ўз меҳнатини, ёрдамини асло аямайди. Табаррук ҳадислардаги "Кишиларнинг энг яхшиси халққа фойдалиларидир", деган нақлга амал қилган. Устоз тўй-тантана, айниқса, маъракаларга қолдирмай борарди. Олисида бўлса ҳам инсонлардан кўнгил сўрарди, ғам-ташвишларига шерик бўларди.

Убайдулла домла умрининг охиригача илм-фан, ижод ва ишдан асло тўхтамади, доимо жамоатчилик ишларида фаол қатнашди. Илмий-педагогик, раҳбарлик фаолиятини кенг қамровли жамоатчилик ишлари билан уйғунлаштириб борди, матбуот ва ОАВ ларда тинимсиз тарғибот-ташвиқот олиб борди.

"Яхшилар ҳеч қачон унутилмайди" дейди халқимиз. Комил инсон, беназир мураббий ва жонқуяр аллома замон Убайдулла ҳожи Уватовнинг табаррук номи устоз бир умр давомида тинимсиз тарғиб қилган буюк сиймолар – Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абул Муъин ан-Насафий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари кабилар қаторида Ватанимиз тарихи саҳифаларида абадул абад муҳрланиб қолади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда "Миллий юксалишдан – миллий тиклани сари" эзгу гоёси асосида Учинчи Ренессанс пойдевори яратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёв 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: "Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуг мақсадни қўйган эканмиз, Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак" ("Халқ сўзи", 2020 йил 30 декабрь)

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг "Одамларнинг нажоти фақат билим ва ундан бошқаси бўлмагай" нақлига қатъий амал қилган муҳтарам Убайдулла домланинг руҳлари шод бўлсин, охиратлари обод бўлсин, қабрлари нурга тўлсин деймиз.

Бунёдкор халқимиз билан бирга алломаларимизнинг порлоқ хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз, ул зотларнинг ноёб меросини янада изчил ўрганамиз ва тарғиб-ташвиқ қиламиз. Бу ишларда Учинчи Ренессанс тамал тошини қўйишга муносиб ҳисса қўшган етук аллома, жонқуяр устоз ва фидойи маърифатпарвар сиймо Убайдулла ҳожи Уватовнинг сермазмун асарлари барчамизга энг муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилаверади, албатта.



TIRIKLARDAN TIRIKROQ ALLOMAI ZAMON



(Охири. Боши ўтган сонда)

Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишлаб ҳар йили 9 апрелда Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида ўтказиладиган анъанавий илмий анжуманларда ҳам қизиқарли маърузалар билан чиқишлар қиларди.

Халқаро Амир Темур жамоат фонди Қашқадарё бўлими ҳайъати ва "Соҳибқирон юлдузи" журнали таҳририяти аъзоси сифатида ўз амалий маслаҳатларини бериб турарди. Журнал саҳифаларидан домланинг қизиқарли мақолалари сонма-сон ўрин оларди. Шунингдек, у киши Андижон шаҳрида чиқадаган "Водийнома", "Қарши ДУ хабарлари" журналлари таҳрир ҳайъатлари аъзоси эди.

Устоз вилоят, туман, ҳаттоки олис қишлоқлардаги маънавий-маърифий тадбирларда ҳам доимий иштирок этарди. Кўпинча таълим муассасаларига бевосита бориб ёшлар билан ижодий мулоқотлар ўтказарди.

Ўтмиш тарихнинг шоҳидлигича, иқтидорли олим ва мутаффакир сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти бир текисда силлиқ кечмаган, уларга баъзи ҳукмдорлар тазйиқдар ўтказиб туришган. Масалан, Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино...

Қаттол шўро ҳукумати даврида шу каби қабоҳатли сиёсат юритилиб, халқимизнинг тарихий илдишлари топталиб, миллий ўзликдан мосуво қилишга интилди, миллатнинг илғор зиёлилари қатағон қилинди. Билимли ва иқтидорли инсонларга доимо ҳам осон бўлмаган, албатта. Бундай ноқобил сиёсатнинг бундай салбий асоратлари ҳозир ҳам учраб туради.

П.Равшанов ҳассос, меҳнаткаш ва билимдон сиймо бўлиб, фандаги сохтакорликларни, саводсизликни асло ёқтирмасди. У тўғри сўзлиги учун маломатларга ҳам қолган эди. Домланинг истиқлол арафасида ўзбек тили шаънини қаттиқ туриб ҳимоя қилганлигини, Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқариш, Ватан тарихини ўрганишга ва миллий қадриятларимизни тиклашга қилган саъй-ҳаракатларини кекса авлод яхши эслашади. Ҳаттоки, ўзбек тилига давлат тили мақомини беришни қўллаб қувватлагани учун олийгоҳдан четлатилган талабаларни Поён Равшанов вилоят раҳбари Ислоом Каримов олдига кириб, уларни қайта тиклаттирган эди.

Домла адолатли фикрлари учун 2006 йил майда аттестациядан атайин ўтказилмади. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини аниқлашда жонбозлик кўрсатган олим юбилей доирасидаги Халқаро илмий конференция ялпи мажлиси маърузачилари рўйхатидан чиқарилди. Ҳаттоки, маълум муддат ўз иш жойини ўзгартиришга мажбур бўлди (2006-2011).



XOTIRA - MUQADDAS, QADR - ABADIY

Академиклик даражасидаги олимнинг докторлик диссертациясини ёқлаши пайсалга солинди. "Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди" деганларидек, ватанпарвар олим ўз қарашларидан асло чекинмади. Уни ўз вақтида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов қўллаб-қувватлади. Элпарвар олим мевали дарахтга тош отилишини яхши биларди.

Бизнинг онгу шууримизга ўрнашиб қолган баъзи салбий ақидалар мавжуд. Пойтахтдагилар оқил ва илғор, вилоятлардагилар эса қолоқ. Вилоятлардаги биронта олим янги Америка қитъасини кашф этса ҳам инobatга олинмайди, ўгайланади. Илмий даражалар, унвонлар ҳам марказдагиларга. Вилоятлардаги олимга зиёлиларнинг илғор фикр-мулоҳазалари асло инobatга олинмасдан "Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин" қабилида иш тутилади.

Замондош етук олимлар А.Саидов, А.Асқаров, Р.Сулаймонов, А.Эркаев, Р.Шамсутдинов, А.Сағдуллаев кабилар билан эркин мулоқотда бўлиш суҳбатдошдан кенг билим ва салоҳиятни талаб қилади. Илмий тафаккури қамрови ниҳоятда кенг бўлган Поён домла ҳам устозимиз академик К.Шониезов каби бўлажак тадқиқотчи билими ва салоҳиятини тезда илғаб олиб, дарҳол хулосага келар эди. Тўғрироғи, тадқиқотчига зарур амалий маслаҳатлар берарди.

Илм-фан аҳли ўртасида энг долзарб мавзу ярим диссертация ёки салмоқли тадқиқот деган ибора мавжуд. Поён Равшанов асарларидаги мавзулар нача долзарб бўлиб, анчайин жозибадор, китобхону ўқувчиларни диққатини ўзига дарҳол жалб этади. Мавзуларда сийқалик, тақрорлаш, гализ жумлалар деярли учрамайди. Буни домланинг асарлари теран сарлавҳаларига эътибор берган киши гувоҳ бўлади.

Устоз ўзига хос илмий ва ижодий услубга эга бўлган салоҳиятли олимлардан ҳисобланиб, мазкур услубларни, айниқча ёш ижодкорларга, тадқиқотчиларга сингдириш жуда муҳимдир.

Донишманд олим қарийб 80 йиллик сермазмун ҳаётини моҳият-мазмунини ўзининг мустаҳкам оиласида, фарзандларини илм-маърифатли ва эл-юрт корига ярайдиган солиҳ инсонлар қилиб тарбиялаш, ўзи 60 йилга яқин илмий-педагог сифатида фаолият кўрсатган жонажон олий билим масканини янада ривожлантириш ва атрофдаги инсонларга нафи тегиш учун илм-фан билан жиддий шуғулланишдан иборат деб биларди.

Домла "Ўзидан солиҳ фарзандлар, садоқатли жория (мактаб, мадраса, марказ, йўл қуриш ва ҳ.з) ёки ўзгалар кейинчалик ҳам фойдаланадиган илм қолдирган банд бу фоний дунёдан ўтгандан кейин ҳам унинг амаллари давом этади", деган муқаддас ҳадис ҳукмига биноан биз билан бирга доим барҳаётдир.

Дарҳақиқат, устоз тили, дили ва ўзи пок сиймо бўлиб, бутун онгли ҳаётини илм-маърифат нуруни тарқатишга бағишлаган том маънодаги ҲАЗРАТИ ИНСОН эди.

Серқирра олим ва адиб П.Равшановнинг тарихий ва бадиий мероси бўйича А.Орипов, Б.Бойқобилов каби халқ шоирларининг мақолалари мавжуд. Сўнги пайтларда олимнинг тарихшунослик, хусусан темуршунослик йўналиши бўйича асарлари таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар яратилди (Р.Шамсутдинов, О.Бўриев).

Фикримизча, олимнинг бой илмий ва ижодий мероси бўйича кенг кўламда тадқиқотлар олиб борилиб, илмий-оммабоп рисоалар яратиш, магистрлик ва докторлик диссертациялар тайёрлаш, матбуот ва ОАВларда



туркум чиқишлар қилиш мумкин.

Яна баъзи бир фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин. Қашқадарё вилояти ва Қарши шаҳри ҳокимликлари таниқли олим ва адиб П.Равшанов хотирасини абадийлаштиришдек савоб ишга қўл уриб, у киши таваллуд топган ва яшаган кўча, маҳаллага номи берилса айни муддао бўларди. У киши бир умр ишлаган Қарши давлат университетида Поён Равшанов номидаги махсус стипендия ташкил этиш мумкин.

Фидойи устоз ҳаётлигида орзу қилганидек, у кишининг шахсий кутубхонаси учун махсус бино ажратилиб, маърифатхонага айлантирилса жамоатчилик, айниқса ёшлар бой маънавий озуқа олишарди.

Мавриди келганда бир долзарб муаммо устида тўхталиш жоиздир. Маълумки, ҳаёт давом этаверади, лекин инсонлар умри эса ўткинчидир. Мамлакатимизда, вилоятимизда, шаҳар, қишлоқларимизда минглаб зиёлилар яшаб ўтишган. Табиийки, уларнинг ҳар бири умрининг ўртача 50-60 йили мобайнида кўплаб рисола ва китоблар тўплаб ўзларининг салмоқли шахсий кутубхоналарига эга бўлишган. Олимлар, ижодкорлар, умуман, зиёлилар вафот этганларидан сўнг уларнинг шахсий кутубхоналари кимларга мерос бўлиб қоляпти?. Фарзандлари ота-онаси соҳалари бўйича мутахассис бўлишса ундан самарали фойдаланишади, лекин, улар бошқа соҳа эгалари бўлишсачи?. Китоб бамисоли қуёш, сув, ҳаво, нондек зарур бўлиб, ундан бутун халқ, айниқса ёшлар баҳраманд бўлишлари лозим.

Тошкентда таниқли файласуф олим, академик М.Хайруллаев, самарқандлик тарихчи профессор М.Абрамовлар ҳаётлик чоғларида шахсий кутубхоналарини ўзлари фаолият кўрсатган муассаса кутубхоналарига топширишиб, ибрат намунасини кўрсатишган эдилар. Бу долзарб муаммони мутасадди раҳбарлар, барча зиёлилар ўйлаб кўришса айни муддао бўлар эди.

Илм-фанга ва маърифатга бутун умрини бағишлаган олимнинг номи унинг бой асарлари орқали сақланиб қолади. Буюк донишмандлардан бири ёзганидек: "Ўзи ҳақида ўйламай фақат эл-юртга билим бериш ҳақида ўйлаган олим киши худди шамга ўхшайди, у ўзини ёндиради ва халқини зиёли қилади". Зеро, олимлар жамият, миллатнинг таянчи, бутун умларини илм-маърифатга бахшида этган ва унинг тарбиячиларидир.

Хуллас, ана шу мангу ҳаёт гулшанида таниқли тарихнавис олим ва салоҳиятли адиб, инсонийлик мулки соҳиби Поён Равшанов жисман йўқ бўлса-да, у зот ўз илму маърифати ва эзгуликка йўғрилган хайрли ишлари билан доимо иккинчи умрини давом эттираверади.

Тириклардан кўра тирикроқ алломаи замон Поён ҳожи Равшановни Аллоҳ таборака таоло Ўз раҳмати ва мағфиратига олган бўлсин! Охиратлари обод бўлсин! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, "Ким илм талаб қилиш йўлига кирса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Фаришталар толиби илми рози қилиш учун қанотларини қўядилар. Олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳаттоки сувдаги балиқлар ҳам истиффор айтадилар. Олимлар пайгамбарларнинг меросхўрларидир".

Бош муҳаррир

ТАМОМ



ШОИР- МИЛЛАТ БОШИНИ КЎКЛАРГА ЕТКАЗАДИ

Шарофат АШУРОВА,

**Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят
бошқаруви раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Кунларнинг бирида шоир Исмоил Тўхтамишев кўнғироқ қилиб:

- Шарофатхон, сиздан бир илтимосим бор, биласиз йилт этган иқтидор пойтахтга қараб югуради, айна дамда Тошкентдан бир хушовоз хонанда вилоятга қайтди. Шу йигитни Қаршида муқим олиб қолишимиз керак, - деб қолдилар.

- Қўшиқчига менинг нима дахлим бор? - дедим энсам қотиб.

- Сизнинг дахлингиз йўқ, аммо менинг дахлим бор. Чунки у менинг ўнга яқин шеърларимни қўшиқча айлантирди. У Республикадаги машҳур "Шодлик" бадий жамоасини ташлаб вилоятга келган, аммо қўйиб берса кетгиси бор. Ахир вилоятда ҳам таниқли хонандалар бўлиши керак. Сиз мақолани кифтини келтириб, бадий тус бериб, ўша йигитнинг фаолияти тўғрисида ёзсангиз дегандим. Тўғри, ўзим ҳам ёзардим, аммо қўшиқларимни ижро қилаётган хонанда тўғрисида ёзсам, ноқулай - да, - дедилар.

- Ёнимга юборинг, мақола бўлса, ҳаракат қиламан, - дедим. Ўшанда шоир Исмоил Тўхтамишев вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи эди, мен эса Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида фаолият юритардим. Хулласи калом шоир тавсия қилган иқтидорли хонанда Салоҳиддин Лутфуллаев билан суҳбатлашдим, "Салоҳиддиннинг қўшиқлари" сарлавҳали мақола ҳам ёзиб, "Қашқадарё ҳақиқати" (хозирги Қашқадарё) газетасида чоп ҳам эттирдик. Ҳар қалай Салоҳиддин вилоятдан кетмади, шоир





айтганидек Исмоил Тўхтамишевнинг ўнлаб қўшиқларини ижро қилди, эл назарига тушди, хонанда билан ҳам қадрдон опа-ука бўлиб қолдик. Аммо сал кам ўттиз йил бўлгунча ҳам Салоҳиддинга бу сирни очмаган эдим. Иқтидорли шоир, даврдошим, узанги йўлдошим Исмоил Тўхтамишев билан қарийиб 30 йил еткама-елка ишладик. Иш юзасидан тортишувларимиз ҳам бўлиб турарди. Боисики, иш фаолиятимиз яқин бўлгани боис бир-биримизни тўлдириб турардик.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбариман, у вақтда шоир вилоят ҳокимлигига ишга ўтганди, энди Исмоил акадан мадад олишим лозим. Шаҳрисабзлик жангчи шоир Тўра Жуманнинг 70 йиллигини ўтказишим керак, вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда тадбирни бошласам тадбир нуфузи, ҳурматимиз бошқача бўлади. Шу боис баҳона қилиб Тўра Жуманнинг юбилей тадбир дастурини кўтариб ҳокимиятга бордим, шоирнинг атрофида турли қоғозлар уюлиб ётарди:

- Шарофатхон, кўриб турибсиз, ишим бошимдан ошиб ётибди. Чолларингиз билан ўзингиз шуғулланаверинг, - дедилар. Жаҳлим чиқди, тўғри вилоят ҳокимининг ўринбосари Райим Раҳмоновнинг ҳузурларига чиқдим. Райим ака дастурларимни кўрдилар, тадбирни ўтказиш бўйича Шаҳрисабз туманига бир энлик хат юбориш, ёки қўнғироқ қилиб қўйишларини сўрадим. Ул инсон ниҳоятда маънавият соҳиб эдилар, қўнғироқ ҳам қилдилар. Шу ерда қитмирлигим тутди, айни дамда шу тадбирга вилоят ҳокимлигидан Исмоил Тўхтамишевни масъул қилиб қўйишларини ҳам сўрадим. Тадбир кунлари белгиланди, Шаҳрисабзда ҳам тайёргарлик бошланди, Исмоил Тўхтамишев ўзлари билмаган ҳолда ўша тадбирга бош-қош бўлдилар.

Хулласи калом, ўн йил ўтиб энди Тўра Жуманнинг 80 йиллик юбилейлари бўлиши керак. Бу вақтда мен вилоят ҳокимлигида, Исмоил Тўхтамишев эса менинг ўрнимда, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида фаолият юритардилар. Бир вақт менга қўнғироқ қиляптилар:

- Шарофатхон, жангчи шоир Тўра Жуманнинг юбилей тадбирига бош-қош бўлмасангиз бўлмайди, бошим қотиб турибди-да, - дедилар.

- Исмоил ака, ўша чолларингиз билан ўзингиз шуғулланаверинг, қоғозларга кўмилиб ўтирибман, - дедим ўзларининг оҳангида.

- Ваҳ, ўн йил ўтиб ўчингизни олдингиз-а. Тошкентдан хат келиб турибди, юбилейни ўтказмасак бўлмайди, яна кимдан ҳам ёрдам сўрайман. Ўз вақтида мен ҳам ёнингизда турган эдим, - дедилар.

- Ҳа, майли, вилоят ҳокимининг ўринбосарига менинг ҳам тадбирда бўлишим шартлигини айтиб қўйинг.

- Айтиб қўйиш ҳам гапми, расмий хат ҳам киртаман, аммо... - дедилар.

- Майли, шоир Тўра Жуманнинг ёшига кириб юрайлик, аммонгизни тундирдим, меңдан битта тўн, - дедим, - Йўқлаганингиздан дарҳол билувдим, - дедим ториқтирмаслик учун.

Ана шундай қилиб вилоятдаги ижодкорлар Бобомурод Даминов, Саодат Тожи, Момохол Элмуродова, Хосият Лутфуллаева, Шарофжон Орифий, Жўра Алмардон, Шомурод бахши, Ўта Бердиёр, Чори Ҳамро, Самар Нурий



XOTIRA - MUQADDAS, QADR - ABADIY

каби ижодкорларнинг юбилей ва хотира тадбирларини ҳамкорликда ўтказиб юрганмиз.

1996 йилда Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик юбилейлари мунсабати билан вилоят ҳокими Озод Пармонов томонидан танлов эълон қилинди. Айни дамда шоир Исмоил Тўхтамишевнинг Соҳибқирон бобомизга бағишланган бир қатор қўшиқлари яратилди, кўпчилигини Салоҳиддин Лутфуллаев томонидан ижро қилингани сир эмас. Танлов вақтида ҳам ижро қилинган "Амир Темур бобо, жаҳонгир бобо" номли шеъри устида шоир билан анчагина баҳслашганмиз:

Мустаҳкам ўрнингиз бордир ҳаётда,
Номингиз барҳаёт, тарихда, ёдда,
Умрингиз ўтгандир уловда, отда,
Амир Темур бобо, жаҳонгир бобо.

Бошланса ҳам қиргин, қиёмат қойим,
Адолатли бўлганлар ютгандир доим,
Шундан асрагандир сизни худойим,
Амир Темур бобо, жаҳонгир бобо.

Ҳар қадамда эл-юрт ғамин егансиз,,
Ғанимларнинг мудом бағрин тилгансиз,
Ҳар бир соҳани санъат билгансиз,
Амир Темур бобо, жаҳонгир бобо.

Қаттиқ бўлган дерлар меҳр-қаҳрингиз,
Гўзаллик очгандир дили-баҳрингиз,
Мангудан гўзалдир тузукларингиз,
Амир Темур бобо, жаҳонгир бобо.

Йўлдош бўлган ҳар он галаба-зафар,
Йўлларда тўшалган бойлик, симу-зар,
Юртга сиз қайтдингиз голиб-музаффар,
Амир Темур бобо, жаҳонгир бобо.

Айни дамда шоир Халқаро "Амир Темур" жамғармаси вилоят бўлимининг ҳам раҳбари эди. Вилоят ҳокимининг танловига мен "Илоҳий тун" тарихий қиссамни қўйган бўлсам, Тўхтамишев яратган шеърларини, устоз Поён Равшанов эса Амир Темур бобокалонимиз фаолиятига доир публицистик асарларини қўйгандилар. Танловда юздан ортиқ ижодкорлар иштирок этган бўлса, насрда мен, назмда Исмоил Тўхтамишев, тарихий-публицистикада Поён Равшанов голибликни қўлга киритдик. Тўхтамишевнинг саъй-ҳаракати билан танлов иштирокчиларининг ижоди жамланган "Миллатнинг даҳо халоскори" жамоа тўплами ҳам чоп этилди. Вилоят ҳокимлигида голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўша танловнинг ташаббуско-



ри ҳам Исмоил Тўхтамишев эди.

Аслида бир-биримизнинг ижодимизни кузатишдан чарчамасдик, баҳсимиз ҳам дўстона эди. Шу боисдан бўлса керак 2003 йилда менинг 50 йиллик юбилейим Мулла Тўйчи Тошмухаммедов номидаги вилоят театрида бўлиб ўтишида хизматлари катта бўлди. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" (2003 йил) газетасида ижодий фаолиятим акс этган "Шарофат Ашурова суратига чизгилар" номли мақола чиқардилар. Театр минбарида табрик сифатида қуйидаги шеърни маърузалардан сўнг ўқиб бердилар:

Дунё қизиқ одамнинг баъзан,
Исми бўлар жисмига монанд,
Меҳнат бир кун олингуси тан,
Эзгуликка дил бўлса пайванд

Тутсангизда қаламни сал кеч,
Дилда орзу жўш уриб қат-қат.
Сиз кўплардан афсус чекмангиз,
Кетгандирсиз ўзиб Шарофат.

Мозийларга тутдингиз қулоқ,
Ҳис этдингиз келган зарбларни.
Бўй кўрсатди ажодлар уйғоқ,
Авлиёлар қўлади сизни.

"Илоҳий тун" келтирмиш шараф,
Қадамингиз ажодларга хос.
Темурбекни аллаладингиз,
Болалиги бўлгандир асос.

Кўп тилаклар бўлди ижобат,
Ажодлардан олиб шижоат.
Гоҳо тортди нигоҳингизни,
"Қишлоқдаги баланд иморат".

Интилишлар кетмагай бекор,
Қад ростлагай "Қусам шайх" ота,
Адибларнинг сафида қатор,
Ўрнингиз бор собит, мустаҳкам.

Ноҳақликдан олмадингиз тин,
Устун билиб савобни кимдан.
Тикладингиз боболар шаънин,
"Насирийни ёд этиб" чиндан.

Муҳлисингиз тилар омонлик,
Яшанг дунё тургунича то,
Четлаб ўтсин ҳасад-ёмонлик,
Қўлдан қалам тушмасин асло.

2003 йил 8 август.

2001 йилнинг март ойи эди, одатдагидай Исмоил ака яна менга қўнғироқ қилдилар. Сўрасам, келсангиз биласиз, дедилар. У дамда мен вилоят ҳокимлигида, Тўхтамишев эса Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида фаолият



XOTIRA - MUQADDAS, QADR - ABADIY

юритардилар. Етиб келдим, асабийлашганиларидан роса қизариб кетганди, нима гаплигини сўрадим.

- Сиз ҳам ҳокимиятга ишга ўтиб, анча бепарво бўлиб қолдингиз, - дедилар ҳам гина, ҳам танбеҳ тарзида, - эрта кечда Тошкентда устозимиз Абдулла Ориповнинг юбилей кечаси бўларкан. Менга ҳокимиятдаги бирон киши шу тадбирга боргин дегани йўқ. Билдимки, Қашқадарёдан бирор кимса қутлагани бормаяпти, деб ўйладим, - дедилар.

- Ростдан ҳам ҳокимиятнинг боши-охири кўринмайдиган юмушларига ўралашиб устозимиз юбилейлари яқинлашганини ҳам унутиб қўйганимдан анча изза тортдим.

- Сизга биров айтиш шартми, вилоят ёзувчиларининг сардори бўлсангиз, битта тўнни қўлтиқлаб, жўнавормайсизми? - дедим.

- Ҳеч кимга ҳеч нарса демай жўнаб кетсам, қандай бўлар экан?

- Қўнглингиз бўлмаётган бўлса ҳоким ўринбосари Назар Ҳақимов мана, «Насаф» стадионида Наврўз тадбирлари тайёргарлигини кўздан кечириаяптилар. Биргалиқда ўтамиз, аҳволни тушунтирамиз, - дедим. Шундай қилиб Назар Ҳақимовнинг ҳузурларига ўтгандик:

- Бу тадбирни пойтахтликлар ўзлари уюштираётгани боис ҳокимиятга ҳам айтдирмаган бўлса керак. Нима бўлганда ҳам юбилейга бошқа вилоятдагилар боришса, Қашқадарёдан ҳеч ким бормаса, ноқулай. Шоир сиз бир илож қилиб, юбилейга боринг, - деган гапни қилдилар. Бир илож қилиб деганда совға-саломни кўзда тутган эдилар.

- Энди нима қиламиз? - дедилар йўлда кетаётиб, шоир.

- Исмоил ака, сиз уюшмага бораверинг, уйим яқин, бирорта тўн олиб чиқаман, - деганимча югургилаб кетдим. Шундай қилиб у киши кечки поездга чиқиб кетдилар. Ростдан ҳам театр саҳнасига ҳар бир вилоят вакиллари чақирганда Исмоил Тўхтамишев югуриб чиқибдилар, қашқадарёликлар номидан табриклаб, шеър ўқибдилар. Икки кундан сўнг Тошкентдан қайтиб келган шоир мамнун овозда қўнғироқ қиляптилар:

- Сиз худди куюнчак онамга ўхшайсиз, - дедилар.

- Роса улуғлаб юбордингиз, Исмоил ака, - дедим кулиб.

- Рост, ўша кунни келиб, мени Тошкентга жўнатмаганингизда, Қашқадарё вилоятидан вакил, дея чақирганларида ҳеч ким чиқмас экан, бу нарса ни устоз ҳам, ўзимни ўзим ҳам ҳеч қачон кечирмасдим, - дедилар.

Иқтидорли шоир Исмоил Тўхтамишев сафдошимиз бениҳоя куюнчак, айни дамда содда, тўғри сўз инсон эдилар. Ул инсоннинг характерини чуқур билганим боис қаерда қанақа сўз айтишни билардим. Сафдош сифатида шоирнинг 60 йиллик юбилейлари муносабати билан бағишлов ёздим, тадбирларида ўқиб бердим. Мана ўша шеър ўн икки йилдан сўнг нашр юзини кўрадиган бўлди:

XOTIRA - MUQADDAS, QADR - ABADIY



Гоҳо ёгаётган ёмғир, дўл айланса-да қорга,
Лек шоир юрак қўридан-айланади баҳорга.
Қор қўйнидан мўралар ҳатто "Чўл бойчечаги",
Сатрларда туғилар боқий ишқнинг чечаги.

Гоҳо фаришта келмас, келса-да шеърга дўнмас,
Фаришта келмаса гар шоир иқболи қулмас.

Шеър сўрайди-да, юрак-ўзни қийнайди шоир,
Қишни баҳор қилай деб музни чайнайди шоир.

Дунё унут гоҳида-парилар қуршовида,
Фариштага айланар-заминнинг ўтовида.

Аждодлар сўроқлайди "Сийпантош"да ўлтириб,
Руҳларни-да қилар шод "Ерқўрғон"ида туриб.
Ёш олтимиш, саксон, юз, юрак-чи ўн саккизда,
Ладунни* бериб Тангри, бошни кўкка етказди.

"Кўҳна Насаф хаёли", ҳадсиз, "Бобомерос юрт",
"Онамга хат", фурсат йўқ, сенга "Жоним муҳаббат".

"Оқсарой қошида ўйлар"им сенга илиндим,
"Кўнгил битиклари", бўлиб гоҳ, "Сенга интилдим".

Умр елар, дунё юки елкада-илҳомдир оти,
Бир қарвон китоб, ҳар бири офтоб-ўлмас мероси.

Ғалат сирли дунё бу -умр елдайин ўтар,
Умрни қарзга бериб-ишқнинг майдан тотар.

Қоғозга тўкилади гоҳо шам мисол куйиб,
Халққа бахшида умри, ишққа бўлмайди тўйиб.

Шоир-миллат бошини кўкларга етказди,
Юрагини парчалаб-халқига тутқазди.

2009 йил.

Ҳақиқатдан ҳам иқтидор соҳиби Исмоил Тўхтамишев халқимизнинг маданий, маърифий, сиёсий жабҳаларида ўз изини қолдирди, керак бўлса юрагини парчалаб, халқига тутқазган шоир дея баралла айта оламан.



TURKISTON MUXTORIYARI HUKUMATI A'ZOLARINING FAOLIYATI VA KEYINGI TAQDIRI*

Қаҳрамон Ражабов,
ЎзФА Тарих институти профессори

Таянч сўз ва иборалар: *Туркистон, Мухторият, истило, ҳукумат, Қўқон ҳукумати, миллий, мажлис.*

Рафаэль бен Шломо Потеляхов (1889 - 1936) - Туркистондаги йирик сармоядорлардан бири, 1 - гильдия савдогари. 1868 йили Бухорода туғилган. Миллати - бухоро яҳудийларидан. У 1889 йилдан Қўқон шаҳрида яшаган ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланган. Қўқондаги Савдо уйи бошлиғи (1908). Ака-ука Рафаэль ва Натаниэль Потеляховларга пахтани қайта ишловчи 36та корхона ҳамда 2та пахта ёғи заводи қараган. Улар Бухоро амирлиги ва Туркистон ўлкасидаги энг бой одамлардан бўлган. Пахтачилик қироли номини олган. "Потеляхов савдо-саноат ўртоқлик ширкати" фирмасини бошқарган. Асақадан Ванновский станциясигача темир йўл қурдирган (1913). Қўқонда бухоро яҳудийлари мактабини очган ва уни таъминлаб турган (1905).

Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил топгач, 1918 йил бошларида Обиджон Маҳмудов ўрнига мухторият ҳукуматининг озиқ-овқат вазири бўлди. 1918 йил февраль ойининг охирларида ака-ука Потеляховлар ВЧК томонидан қамоққа олинди. Потеляховларнинг хориждаги қариндошлари томонидан бир неча млн пуд пахта совет ҳокимияти ихтиёрига юборилгач, ВЧК раиси Ф. Дзержинскийнинг 1918 йил 26 ноябрдаги қарори билан хорижга жўнаб кетишга рухсат берилди. Улар Боку орқали аввал Иерусалим [Қуддуси шариф], сўнгра Лондонга етиб боришди. Р. Потеляхов 1936 йили Лондонда вафот этган¹.

Ёқуб Хаимович Вадьяев (1868 - 1936) - йирик тадбиркор ва сармоядор, 1-гильдия савдогари, "Ака-ука Вадьяевлар" Савдо уйи бошлиғи. 1868 йили Бухорода бадавлат Вадьяевлар хонадонидан туғилган. Миллати - бухоро яҳудийларидан. У 1881 йили Қўқонга кўчиб келган. Қўқон биржа комитети бошлиқларидан бири (1908). Қўқонда 1910 йилда очилган пахта ёғи заводи ўз даврида Туркистон ўлкасидаги энг технологияси юқори замонавий завод ҳисобланган.

Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилингач, 1918 йил январда Ёқуб Вадьяев ва укаси Сион Вадьяев ҳукуматда вазир лавозимларини эгаллашди. Улар мухторият ҳукуматига иқтисодий ёрдам кўрсатиш ва унга 25 фоиз миқдорида займ (қарз) беришга рози бўлишган. Қўқон шаҳри

* Боши 2020 йил 2-, 3-сонларда

¹ Рафаэль Потеляхов //...



1918 йил февралда большевиклар томонидан босиб олинган, бу ерда яшовчи кўплаб бадавлат бухоро яҳудийлари қаторида ака-ука Вадьяевлар ҳам муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлишди. Улар Лондонда яшашган. Ё. Вадьяев 1928 - 1933 йилларда Лондонда мануфактура сотувчи "Британо-Румино" компаниясига раҳбарлик қилди. Лондонда 1936 йили вафот этган².

Сион Хаимович Вадьяев (1878 - 1943) - йирик тадбиркор ва сармоядор, 1-гильдия савдогари, 1878 йили Қўқонда Вадьяевлар хонадонидан туғилган. Миллати - бухоро яҳудийларидан. Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинган, 1918 йил январда акаси Ёқуб Вадьяев билан биргаликда ҳукуматда вазир лавозимини эгаллади. Мухторият ҳукумати большевиклар томонидан тугатилган, ака-ука Вадьяевлар ҳам муҳожирликка жўнаб кетишди. Берлинда яшади. 1921 йил охирида Берлинга бориб, бу ерда валюта савдоси билан шуғулланиди ва йирик бақоллик магазини очди. Парижда 1943 йилда вафот этган ҳамда Қуддусда дафн этилган³.

Бундан ташқари Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига "Юсуф Давидов" ва "Кнапп-Зигель" савдо уйлари вакиллари ҳам кирган. Юсуповлар хонадони аслида Шаҳрисабз ва Самарқандда яшаган яҳудийларга бориб тақалади. 1845 йилдан улар Тошкентда яшаган. Юсуф Давидович Давидов (1855 - 1914) Тошкентда Юуда-Давуд ва Угул Давидовлар хонадонидан 1855 йилда туғилган. Миллати - бухоро яҳудийларидан. Унинг отаси 1893 йили ўз сармоясини ўгли Юсуфга қолдириб, 1893 йилда яшаш учун Қуддусга жўнаб кетишди. У 1906 йил 22 мартда Тошкентда "Юсуф Давидов" Савдо уйини очди. Бу савдо уйининг эгалари 11 нафар киши (1-гильдияли савдогарлар: Юсуф Давидович Давидов, Беньямин Абрамович Абрамов, 2-гильдияли савдогарлар: Исахор Давидович Давидов ҳамда уларнинг болалари) бўлган. Ака-ука Давидовларга 4та пахта тозалаш заводи (Тошкент, Пскент, Наманган ва Конибодом) ҳамда пиво заводи (Тошкентдаги машҳур 6-пиво заводи) ва бошқа мулклар қараган. XX аср бошларида Юсуф Давидов Тошкентдаги энг йирик миллионерга айланади. У 1908 йили Тошкент шаҳридаги Бухоро яҳудийлари жамоасининг бошлиғи қилиб сайланди. Ака-ука Юсуф ва Исахор Довудлар ўз хотинлари билан 1914 йили Қуддусда яшаш учун жўнаб кетишди ҳамда ўша ерда вафот этишди.

Ака-укалар Қуддусга жўнаб кетган, Савдо уйининг бошлиғи Исахор Давидовнинг ўгли Абрам Давидов бўлди. У 1929 йили Қуддусга жўнаб кетганда йўлда ўлдирилган. Беньямин Абрамов Савдо уйининг Москвадаги вакили бўлган (у 1911 йилда вафот этган).

Туркистон Мухторияти ҳукуматини ағдаришда ташаббус кўрсатганлардан бири большевик Сязановнинг кейинчалик хотирлашича, 1918 йил февралда Қўқонда большевиклар билан музокараларни гўёки Мустафо Чўқай эмас, балки мухторият вакиллари билан бири Юсуф Давидов олиб борган⁴.


² Якуб Хаимович Вадьяев //...

³ Сион Хаимович Вадьяев //...

⁴ Қаранг: Сязанов. Кокандская автономия (воспоминания) //Красная летопись Туркестана. № 1-2. -Ташкент: Туркестанское государственное издательство, 1923. -С. 88 - 93.



Бироқ Юсуф Давидов бу пай-
тда тирик бўлмаган, у 1914
йилда Қуддусда вафот этган
эди. Эҳтимол, музокаралар
жараёнида Мустафо Чўқай
билан биргаликда "Юсуф Да-
видов" ва "Кнопш-Зигер" сав-
до уйларининг вакиллари ҳам
қатнашган бўлса керак. Сяза-
нов эса уларни чалкаштириб
юборган.



Шунингдек, 1918 йил январдан бошлаб Туркистон Мухторияти ҳукума-
тида Миродил Мирзааҳмедов ҳам вазир сифатида фаолият кўрсатган. Му-
стафо Чўқайнинг ёзишича, мухторият ҳукуматининг сўнгги кунларида,
яъни 1918 йил 18 февралда Қўқонда Миродил ҳам унинг ёнида бўлган⁵.
Миродил Мирзааҳмедовнинг кейинги тақдири номаълум.

Полковник Мағди Чанишев (миллати татар бўлган) 1918 йил февралда
Туркистон Мухторияти ҳукуматида ҳарбий кенгаш раиси бўлган. Бу пай-
тда ҳарбий ишлар вазири Убайдулла Хўжаев Қўқонда бўлмаган. Шунинг
учун ҳам у мухторият қўшинида қўмондонлик қилган. Скобелев гарнизо-
нида қўлга олиниб, қамоққа ташланди ва ...да отиб ташланди⁶. Бундан та-
шқари Туркистон Мухторияти ҳукумати ишларида қўқонлик йирик ула-
молар: Камол қози, Миён Қудрат ва бошқаларнинг фаол қатнашганлиги
ҳақида айрим маълумотлар бор.

Хуллас, Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоларининг тақдири ана
шундай фожиали тарзда тугади. Мухторияти ҳукуматининг биринчи тар-
кибида 8 нафар вазир бўлган, кейинчалик яна улар сафига 7-8 нафар киши
вазир сифатида келиб қўшилди. Мухторият ҳукумати таркибида туб аҳоли
(ўзбеклар ва қозоқлар)дан ташқари 5 нафар бухоро яҳудийлари ва 2 нафар
татарлар ҳам бўлган. Шу жиҳатдан олганда Туркистон Мухторияти ҳуку-
мати раҳбарларининг диний ва миллатлараро муносабатларда нақадар бағ-
ри кенглиги, сабр-тоқати, толерантлиги ва тотувлиги яққол кўринади. Бироқ
туркистонликлар 1918 йил февраль ойи охирида ўлка тарихидаги дастлаб-
ки демократик ҳукуматни большевиклар зўравонлигидан асраб қола олма-
ди. Мухторият ҳукумати ташкил топиб, фаолият кўрсатгандан сўнг роп-
па-роса 100 йил ўтса ҳам ҳозиргача биз ҳукумат аъзолари фаолияти ҳақида
деярли ҳеч нарса билмаймиз. Бу ўринда мазкур мақола бу йўлдаги даст-
лабки қадам эканлигини айтиб ўтиш жоиз.

⁵ Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. –Б. 49.

⁶ Қаранг ва таққосланг: Зайцев П., Гудович А., Колесов Ф. Борьба за Фергану //Война в
песках. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. Под редакцией М. Горького, В.
Иванова, И. Минца, Ф. Колесова. –Москва: ОГИЗ, 1935. –С. 191 – 201; Шкарупа М. Конец
"Кокандской автономии" //За советский Туркестан (Сборник воспоминаний). Под редакцией
А.И. Зевелева. –Ташкент: Государственное издательство Узбекской ССР, 1963. –С. 91 – 96.



МАДАНИЯТ КОНТЕКСТИДА АНТРОПОЛОГИЯДА КОГНИТИВИЗМ ВА ПСИХОЛОГИЗМ МАСАЛАЛАРИ

Зилола НАБИЕВА,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети докторанти.

Таянч сўзлар: антропология, маданият, менталитет, халқ психологияси, психологик антропология, когнитив антропология, бихевиоризм.

Антропология нисбатан ёш фан бўлишига қарамай XX асрга келиб юқори табақалашувга эришди. Бугунги кунда у ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олди: фалсафа антропологияси, жисмоний ва эволюцион антропология, ижтимоий ва маданий антропология, когнитив ва психологик антропология, қариндошлик антропологияси, болалик антропологияси, гендер антропологияси, зўравонлик ва ўлим антропологияси, педагогик антропология, тиббиёт ва экологик антропология, визуал рамзий антропология, кундалик ҳаёт антропологияси, этник антропология ва бошқалар.

Антропологиянинг айрим турлари, уларнинг мавзуси нуқтаи назаридан, жуда аниқ ва ҳеч қандай тушинмовчиликка олиб келмайди (масалан, болалар антропологияси ёки тиббий). Бироқ антропологиянинг баъзи соҳалари борки, мавзуси нуқтаи назаридан жиддий мунозарага сабаб бўлади. Булар когнитив ва психологик антропологиядир.

Психологик антропология – бу одамлар руҳиятининг этник ҳусусиятларини, миллий характерини, миллий ўзликнинг шаклланишини, этник стереотиплар ва ҳоказоларни ўрганади [9]. Илм-фанда ушбу йўналишнинг умумэтироф этган санаси мавжуд эмас. Баъзи бир муаллифларнинг фикрича у XIX асрнинг 2-чи ярмида психология ва этнография туташуви натижасида юзага келган, айримлар эса бу йўналиш XX асрнинг 20-30 йилларида АҚШ да вужудга келган деб таъкидлашади.

Психология ва этнографиянинг уйғунлашуви илк маротаба немис файласуфлари М. Лацарус ва Х. Штейнгаллар томонидан "Халқлар психологиясида" ўз аксини топган. Тил, афсона, ахлоқ ва маданиятни қиёсий ўрганиш асосида, "халқлар психологияси" тарафдорлари маълум бир миллатга мансуб шахсларнинг психик ўхшашлигини ва шу билан бирга ўзларининг онглари ифода этувчи "миллий руҳ" табиатини очишга ҳаракат қилдилар. Шунга ўхшаш гоюлар В. Вундтнинг 10 жилдлик машҳур "Халқлар психологияси" асарида ўз аксини топган.

Замонавий янги ном – "психологик антропология" номини 1970 йилдагина олди. 1920-1950 йилларда унда умумий "маданият ва шахс" номи



остида янги йўналиш ҳукмронлик қилган, унинг ривожланишига М. Мид, А. Кардинер, Э.Сепир, Р. Бенедикт ва бошқалар ўз ҳиссасини қўшган. Ушбу муаллифларнинг тадқиқотлари асосан социализация ва тарбиялаш жараёнига қаратилган, яъни шахс томонидан ижтимоий аҳамиятга эга маданий тажрибага эга бўлиш. 1930-40-йилларда антропологияда кросс-маданий номини олган тадқиқотлар ўтказила бошланди, уларнинг марказида "миллий характер" ва "модал шахс" турар эди[2:63].

Психологик антропологияни биринчи навбатда шахсий ҳусусиятлар, қайсики туғма ҳусусиятлар эмас, кичик гуруҳга мансублик эмас, балки кенгрок контекст - аниқ маданият, ўзига хослик қизиқтиради. Психологик антропологларнинг кўпчилигининг фикрича, турли маданиятдаги одамлар, турли психологияга эгалар.

Замонавий психологик антропология доирасида ҳиссиётлар антропологияси, шахс антропологияси, психоаналитик антропология, психиатрик антропология, рамзий антропология, когнитив антропология каби йўналишлар ва тематик бўлимлар мавжуд[8].

Психологик антропология доирасида когнитив мактаб қандай ўринга эга? Саволни бу тарзда қўйиб, биз антропологияда когнитивизм психологик йўналиш доирасидаги жуда тор соҳа эканлигидан келиб чиқамиз.

Когнитивизм ва психология чамбарчас боғлиқ. Психология мустақил фан соҳаси сифатида XIX асрнинг охирида шаклланди. XX асрнинг ўрталарига қадар психологияда етакчи ролни бихевиоризм ўйнади. Аммо инсон руҳиятининг сирини ва инсоннинг ҳулқ-атвори хилма-хиллигини тушунтириб бера олмади ва инқирозга юз тутди.

Психологияда когнитив инқилоб Бу ўтмиш дунё олимлари билан боғлиқ. Ушбу тадқиқотлар, яъни хотира ва тафаккурни ўрганиш Буюк Британияда Фредерик Бартлетт номи билан боғлиқ, Женевада Жан Пиаже судга болалар онгининг эволюциясини янги концепциясини тақдим этди, бу эса кўп сонли издошларини илҳомлантирди. Совет олими А.Р. Лурия биринчилардан бўлиб ижтимоий-маданий омиларнинг когнитив жараёнларга таъсирини ўрганган (тадқиқот 1930 йилларнинг бошларида Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг чекка ҳудудларида ўтказилган).

Когнитив антропология маданиятнинг маъноларини, маълум бир маданият эгалари атрофидаги дунёни қандай тушинишларини ва бу тушунчага мувофиқ ҳаётларини қандай ташкил этишларини ўрганади. Когнитив антропологиянинг пайдо бўлиши билан этнологлар турли маданиятлардаги турли ҳил объектлар ва ҳодисаларнинг маъноларига эътибор қарата бошладилар, тобора кўпроқ ишора тизимларга аҳамият бердилар ва этнологиянинг психологик муаммоларини иккинчи ўринга сурдилар. Шу даврдан эътиборан маданий тадқиқотлар ва психологик тадқиқотлар ўртасидаги тафовут бошланди.

Когнитив антропология одамларнинг дунё ҳақида қандай маълумот олишини, бу маълумотни одам қандай тақдим этишини ўрганади, қандай қилиб у хотирада сақланади ва билимга айлантирилади ва бу билим ҳулқ ва эъти-



борга қандай таъсир этади[6:589]. Унинг соҳаси руҳий жараёнларнинг барча спектерини ўз ичига олади - оддий сезгилардан аналитик фикрлаш ва ижтимоий ҳуққнинг мураккаб шаклларига қадар.

Когнитив антропология эътиборини одамлар ўз юқори интеллектуал функцияларини қандай бажаришига қаратган. У инсоннинг ҳуққ-атвори-ни билимлар асосида тушунтиради ва уларни олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганади[3:408]. Когнитив психология инсонни дунё ҳақидаги маълумотларни қидириш, қайта ишлаш ва сақлаш билан шуғулланадиган тизим сифатида кўриб чиқади[1:10].

Когнитив йўналишининг асосчилари У. Найсер ва Дж. Миллерлар Ж.Миллер ва Ж.Брунерлар Гарвард университети қошида фикрлаш жараёнини ўрганиш бўйича "Когнитив тадқиқотлар маркази" ни яратадилар[7:5].

Бу ерда биз нафақат ҳуққ-атворни ўрганиш билан, балки ақлий жараёнлар билан ҳам шуғулланиши керак бўлган психология ҳақида гапиримиз, яъни "ақлий" ёки "руҳий" психология ҳақида. Шунинг учун Марказнинг тадқиқот мавзуси: идрок, хотира, ақл, фикрлаш, тушуниш ва нутқ кабилар бўлди.

1961 йил Миллернинг шогирди У. Найсер "Когнитив психология" номли китобини нашр эттирди ва у янги йўналишнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилди. 1976 йил эса, у иккинчи "Англаш ва воқелик" номли ишини нашр эттирди. Ва когнитив психологларни когнитив жараёнларни лаборатория тадқиқотлари доирасидан ташқарига чиқишга ва ҳаётнинг ҳақиқий шароитида одамларнинг билимларини ўрганишга мурожаат қилишга чакирди[5:79].

Когнитив антропологиянинг илмий йўналиш сифатида ривожланиши когнитив жараёнлар психологиясининг қайта ташкил этилишига олиб келди. Анъанавий равишда ажралиб турадиган ақлий когнитив жараёнлар энди билимларни, билимларни сақлашни, уни ўзгартириш ва фойдаланишни, шунингдек, янги билимларни шакллантиришни таъминлайдиган ягона тизимнинг фаолияти нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Когнитив антропология маданий тизимлар билан, "билишнинг маданий қисми" билан шуғулланади. У маданий билимлар тизимлари мия механизми томонидан қандай чекланган ва шакллантирилганлигига, унинг наслдан-насла мунтазам узатилиши натижасида маданий билимлар уюшган ҳолатга келиб, инсон онгининг имкониятлари ва чекловларига "мос келадиган" шаклга келади[4:311].

У нафақат турли хил когнитив ва маданий тизимларнинг тафсилотларини ўрганади, балки ушбу тизимларнинг умумий ҳусусиятларини кашф этишга қаратилган тадқиқотлар билан шуғулланади. Уларнинг когнитив билимни ўрганиш усуллари эса эмпирик ва қиёсийдур. Алоҳида жамиятлар тўғрисидаги маълумотлар маданиятлараро нуқтаи назардан кўриб чиқилади, универсал тизимлар ва жараёнлар ажралиб чиқади ва уларнинг тарихий ва эволюцион ривожланиши тўғрисида хулосалар чиқарилади. Кон-



цептуал тизимларнинг когнитив-антропологик тадқиқотлари, одатда индивидуал ўзгарувчанликни эътиборсиз қолдирадиган умумлаштирадиган моделлардир. Бироқ маданий билимларнинг индивидуал ўзгарувчанлиги, индивидуал моделлар орасидаги фарқ маданий тизимларда қандай қилиб ташкил этилганлиги ва ўзгарувчанлик маданий тизимларда қай тарзда ўзгаришларни келтириб чиқариши тўғрисида когнитив антропологик тадқиқотлар учун муҳимдир.

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, антропологиядаги психологик йўналиш инсонни руҳий ҳолатини ўрганиш билан шуғулланади, когнитив йўналиш эса инсонни ақлий фаолияти, яъни тафаккурини ўрганиш билан шуғулланадиган илмий фан соҳасидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахметова З. А., Дорохова С. В. Основы когнитивной психологии. Бишкек: КРСУ, 2013.
2. Добренев В.И., Кравченко А.И. Социальная антропология -М.: ИНФРА, 2005.
3. Когнитивная психология: учебник для вузов /Под ред. В.Н. Дружинина, Д.В. Ушакова. -М., 2002.
4. Лурье С. В. Психологическая антропология: история, современное состояние, перспективы: Учебное пособие для вузов. - 2-е изд. - М.: Академический Проект: Альма-Матер.
5. Найссер У. Познание и реальность. М.: Прогресс, 1985.
6. Солсо Р. Когнитивная психология. СПб.: Питер, 2006.
7. Фаликман М. Когнитивная наука: основоположения и перспективы //Логос. 2014.
8. Spain D.H. PsychoanalytikAntropology. Westport, Connecticut; L.: Greenwood Press, 1994.
9. <http://www/sati.archaeology.nsc.ru:8101/>.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон этнологиясида кам маълум бўлган антропология/этнология)да психологик ва когнитив йўналиш тўғрисида умумий тushuncha берилган.

RESUME

The article gives a general idea on the psychological and cognitive directions in anthropology/ethnology, which are little known in the Uzbekethnology.



SOVET HOKIMIYATIGA QARSHI MULLA ABDUROZIQ XO‘JANDINING QUROLLI HARAKATI

Гулора РАВШАНОВА,
Қарши давлат университети.

Калит сўзлар: Совет ҳокимияти, Қашқадарё воҳаси, мулла Абдурозиқ Хўжанди, ижроия қўмита, Қизил армия, оқсоқол, босмачилик, отряд, большевиклар, командир, взвод, дивизия, жазо органлари.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин миллий озодлик ҳаракати ўзининг холис баҳосини олди. "Босмачилик" деб тавқъи лаънатларга учраб келинган Ватан озодлиги кураши муносиб ижобий баҳоланди. "Босмачилар" ким бўлганлигини эндиликда халқимиз ва ёш авлод яхши билади. Лекин шу ҳаракат вужудга келган, амалда бўлган ХХ асрнинг 20-йилларида бу истилоҳ ўзининг ҳақиқий маъносидан жуда узоқлаштирилган, ҳақиқий босмачи-зўравон, боскинчи, мустабид Совет ҳокимияти қолиб, ватанпарварларга татбиқ этилган эди. Қашқадарё воҳасида – Ватан озодлиги учун қўлга қурол олган йигитлар ўз элини талашни қишлоқларга босқинчилик қилишни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Бош сиёсий бошқарма (ГПУ) "Аксилкилобий ташкилот" фаолларини, қўрбошиларни қўлга олиб, улар устидан даҳшатли терговлар олиб борганида ҳам, "босмачи" деб айбланган юртпарварлар мустабид тузумга қарши курашганликларини тан олганлар, аммо элда талончилик қилмаганларини қатъий таъкидлаганлар.

Воҳада мустабид тузумга қарши кураш майдонига кирганларни ҳеч ким, ҳеч қачон "босмачи" деб атамаган. Қўрбошилар ҳам элда таниқли кишилар бўлган.

1926 йилнинг ёзида, Қашқадарё вилоятининг тоғли ҳудудларида Совет ҳокимияти ўрнатилишига қарши курашувчи мунтазам кучлар элда камайиб кетган эди. Бу ҳудудда Тангри Берди додхоҳ, Хўжамқул ва Мулла Абдурозиқ Хўжандининг кам сонли гуруҳлари ҳаракат қилаётган, йигитлари ва отлари ҳолдан тойган, ўқ-дори, ем-хашак, озиқ-овқат танқислиги кундан-кунга кучайиб бораётган эди. Советларга қарши мунтазам қуролли курашни бошлаган пайтда, мулла Абдурозиқ бу кураш "умумий ишимиз", деган фикрда бўлаган¹.

Мулла Абдурозиқ (мулло Розик) Хўжанди ўғли Китоб туманининг Жовуз қишлоғидан, ўзига тўқ оиладан чиққан эди. У 28-29 ёшда (1926 йил) бўлиб, Советларга қарши курашда беш-олти йиллик тажрибага эга эди.

1920-1926 йилларда Китоб ва Шаҳрисабз туманларида Берди додхоҳ Жабборбек, мулла Абдурахмонбек, Бозорбек, Эшқул додхоҳ, Авлиёқулбек, мулла

¹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38-иш, 17-бет.



Абдурозиқ, Қодир полвон, мулла Икром, Хўжамқул кабилар Советларга қарши кураш олиб борганлар.

Қашқаларё вилоятининг қуйи ҳудудларида бўлганидек, Советларга қарши мунтазам қуролли ҳаракат гуруҳларини Китоб, Шаҳрисабз, Тангриҳарам (Деҳқонобод), Яккабоғ, Чироқчи, Гузор туманлари аҳолиси қўллаб-қувватлаган. Гуруҳлар сафлари қишлоқ оқсоқоллари, таниқли бойлар, руҳонийлар, собиқ амир амалдорлари томонидан янги кучлар, қурол-яроғлар, кийим-кечак, маблағ, озиқ-овқат, ем-хашак билан мунтазам таъминлаб турилган. Лекин 1925 йилда Совет ҳокимияти ва жазо органлари, Қизил армия қисмларининг курашчиларнинг ички таъминот манбаларини йўқ қилиш тадбири ўз натижасини беради. "Босмачилар"га кўмак берувчилар, бойлар, собиқ амалдорлар, руҳонийлар, ўзига тўқ деҳқонлар, хуллас, бу борада шубҳа қилинган бирор киши жазодан четда қолмаган. 1924-1925 йилларда воҳада қурғоқчилик қаттиқ бўлган эди.

Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг ҳисоботида, шу йили Беҳбудий, Гузор, Чироқчи, Яккабоғ ва Шаҳрисабз волостларида бутунлай ҳосил олинмаганлиги қайд этилади. Лалмикор деҳқончилик тўлиқ нобуд бўлган, суғориладиган ерларда сув етишмаслиги сабабли ҳосилнинг 80 фоизи олинмаган². Қурғоқчилик вилоят аҳолисини ҳалокат ёқасига келтириб қўйган эди. Иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган халқ шунга қарамай, тоғ-у тошларда қуролни ташламаган курашчиларга ёрдам кўрсатишни тўхтатиб қўймаган эди.

Мулла Абдурозиқ ана шундай қалтис шароитда ҳаракат қилишда давом этган қўрбошилардан эди. У бир неча йиллар давомида Қодир полвон, мулла Икром ва Хўжамқул қўрбошилар билан иттифоқ бўлиб, ҳамкорликда Советларга қарши курашади. 1926 йилнинг апрель ойида Аспидўхтар қишлоғида Қодир полвон билан мулла Абдурозиқ ўртасида ихтилоф вужудга келади. Мулла Абдурозиқ Қодир полвонни фаолиятсизликда, Советларга қарши султ ҳаракат қилишда айблади. Қодир полвон бу вақтда Советлар томонига ўтиб кетишни ўйлаб юрган эди. Орадан бир ой кечиб, мулла Абдурозиқ, Қодир полвон, Хўжамқул ва мулла Икромлар Фороб қишлоғига келдилар. Мулла Абдурозиқ ўзга ҳамкор бўлиб келган бу қўрбошиларга, бундан буён, Советларнинг сиқуви ошиб бораётганлиги сабабли, алоҳида-алоҳида ҳаракат қилиш таклифини айтади. Аслида, гап қўрбошилар ўртасидаги жипслик ва ишончининг йўқлигида эди. Қолган қўрбошилар таъминоти ҳам мулла Абдурозиқ зиммасида эди. Эндиликда у ҳам ўз гуруҳини зўрға эплаётган эди³.

1926 йил бошлари мулла Абдурозиқ гуруҳи Жовуз қишлоғи, Қодир полвон билан Хўжамқул йигитлари Ургут, Фороб, Моғиён ва тоғ олди ҳудудларида жанговар ҳаракатлар олиб борган. Мулла Икром гуруҳи Панжакент ҳудудида фаолият кўрсатган. Тўрт қўрбошининг ҳаракатланадиган ҳудудлари доираси Совет қўшинлари сиқуви остида тобора қисқариб бораётган эди. Қодир полвон йигитлари сафидан қочган ва 1926 йил 8 июнда

² ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38-иш, 17-бет.

³ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38-иш, 1-бет.



Ўзбекистон Республикаси Бош сиёсий бошқармаси ходими Четвертаков томонидан сўроқ қилинган Эргаш Жўрабобов берган кўрсатма Қашқадарё воҳасидаги сўнгги курашчиларнинг ҳолатини ойдинлаштиради. Эргаш Жўрабобов Ургут волостининг Терак қишлоғидан бўлган, 20 ёшли йигит эди⁴. У Қодир полвон гуруҳида 9 ой хизмат қилган.

Эргаш Жўрабобов Советларга қарши кураш олиб бораётган мулла Абду-розиқ ва Қодир полвонларга қишлоқлар аҳолисидан ёрдам бераётган ки-шилар ҳақида маълумот беради. Испанза (Ургут) қишлоғи оқсоқоли Ол-мосбойнинг қўрбошиларни қурол, ем-хашак, озиқ-овқат билан таъмин-лашдан ташқари, уларга Қизил армия қисмларининг ҳаракатлари тўғриси-даги маълумотларни ҳам бериб туриш маълум қилинади. Элапак (Ургут) қишлоғидан Худойберди оқсоқол, Фороб қишлоғидан Шароф оқсоқол, Моғиён қишлоғи оқсоқоли, шу жойдаги Акрам кўча, Фороблик Фахрид-дин, Шут қишлоғидан Ибодулла оқсоқол, Қабзахоналик мулла Маҳсум, Кўл қишлоғидани мулла Ашур, Мусабозор қишлоғидан Холиқча, аспидў-хтарлик Маҳсум, Денов қишлоғидан Сафар полвон, Бешакападан Султон чўчкафуруш, Тагана қишлоғидан Элназар чўлоқ, Ўроқ Тайжар қишлоғи-дан Ҳайдар комитет (ревком раиси - Г.Р.), Хўжа қишлоғидан Эшон ва унинг икки нафар ўғли, Гадоққуччи қишлоғидан Юсуфқал, Оқил деган кишилар бир неча йиллар давомида мулла Абдурозиқ, Қодир полвон гу-руҳларини милтиқ, ўқ-дори, кийим-кечак, озиқ-овқат, от-анжом, ем-ха-шак, маблағ билан таъминлаб келганлар⁵.

БСБга кўрсатма берган Эргаш Жўрабобов мулла Абдурозиқ ва қолган қўрбошилар йигитларини ҳам номма-ном айтади. Мулла Абдурозиқнинг 18 нафар йигитлари асосан жовузликларидан, яъни ўз ҳамқишлоқларидан: Аббос (мулла Абдурозиқнинг укаси), Бегали (Мулла Абдурозиқнинг ама-киси), Афанди (Умар афанди, Бухородан, мулла Абдурозиқнинг котиби), Жовуз қишлоғидан бўлган Ражаб, Маҳкам, Зиёдулло, Бозор, Латиф, Розик, Мурод, Истам Турсунов, Матмон қишлоғидан Жаъфар, Обиканда қишло-ғидан Эшон, Мамад Азим (Маазим), унинг укаси, Тош қишлоғидан бўлган Отабойлардан иборат эди.

Қодир полвоннинг 8 нафар йигити мулла Шаҳобиддин, Жобир (Аспи-дўхтар қишлоғи), Саттор, Мирзақул (Денов қишлоғи), Жиянқул (Чандара қишлоғи), Носирхон (Хожа қишлоғи), Ашур (Олахотин қишлоғи), Сана-қуллар (Моғиён қишлоғи) эди. Хўжамқул қўрбошида Шинг қишлоғидан Ака Қурбон, тоғлиқ йигитлар Нурали, Шоди, Фахриддинлар хизматда қол-ган эди. Мулла Икром гуруҳидан Қосим (ўз қариндоши), Усмон деган кишилар⁶ бўлган. Эргаш Жўрабобов бу гуруҳдан қолган 5 нафар кишини исмини билмаган.

1926 йилнинг охирларида мулла Абдурозиқ Хўжанди ўғли Советларга расмий равишда таслим бўлади. Уни Ўз ССР БСБнинг терговчиси Олтин-бобов сўроқ қилади. 1926 йил 22 августда бўлган сўроқда мулла Абдурозиқ

⁴ Шу жамғарма, 1-бет.

⁵ Шу жамғарма, 4-6 бетлар.

⁶ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38-иш, 4-бет.



берган кўрсатмалар Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари, Тожикистоннинг Панжакент вилоятида Советларга қарши олиб борилган курашлар тарихига бир қадар ойдинликлар киритади.

Китоб тумани ҳудудида 1921 йилда Баҳромбек Советларга қарши гуруҳ тузиб, кураш бошлаганларининг биринчиларидан бўлган. Жовузлик мулла Мирзо ҳам шу гуруҳга қўшилади. У Баҳромбек билан Самарқанд туманида ҳаракатлар олиб боради. Мулла Мирзо кўп ўтмай мулла Абдурозиқни ҳам интиқомчилар сафига қўшади. Лекин Баҳромбек билан мулла Мирзо ўртасида ихтилоф чиқади ва мулла Мирзо отиб ўлдирилади. Мулла Абдурозиқдан қурол олиб қўйилади. Баҳромбек бир-икки ойдан сўнг Очилбек қўрбоши томонидан ўлдирилади. Очилбек мулла Абдурозиқни, жовузлик Жаъфар мулла Анбеков, Зиёдулло Мирохуров, Бобоали Алимов, Ҳамидларни ҳузурига чорлаб, уларга милтиқ ва отлар беради. "Очилбек йигитлари Китоб этакларида Қизил армия қисмлари билан жангга киради. Очилбек қўрбоши ҳалок бўлади. Мулла Абдурозиқ ҳамқишлоқлари билан Холиқулбек қўрбоши гуруҳига бориб қўшилади. Холиқулбек қўрбоши Ургут туманида фаолият кўрсатган. Қизил армия қисмлари билан тўқнашувлар кўпайиб, жанглар шиддатли тус олади". Холиқулбек, ундан кўп ўтмай ўрнига қўрбоши бўлган Мирзо полвонлар ҳалок бўлади. Мулла Абдурозиқ, шу тариқа, 8 нафар йигити билан 1922 йилдан бошлаб мустақил ҳаракат қиладиган қўрбоши бўлади. Унинг гуруҳи Панжакент, Китоб ва Шаҳрисабз туманларида Совет ҳарбий қисмларига қарши жанглар олиб боради.

Мулла Абдурозиқ ва унинг итоатида бўлган Хўжамқул, Қодир полвон ва мулла Икромқул қўрбошилар Совет қуроли кучларига қарши 1922-1925 йиллар давомида муваффақиятли жанглар олиб бордилар. Рогич, Жовуз, Сор, Моргузар қишлоқларида бўлган жанглар чоғида Қизил аскарлар қисмлари мағлуб бўлади, қириб ташланади ва асирга олинади. Асирга олинган 17 нафар қизил аскар Холиқулбек томонидан Сор қишлоғида ўлдирилади⁷.

Кўрсатмалардан бирида мулла Абдурозиқ шундай эътироф этаган: "1925 йилнинг қайсидир оyi эди, мен Аспидўхтар қишлоғида турган эдим. Қизил армия қисмлари Жовуз милицияси гуруҳи билан бизга ҳужум қилди. Улардан бирини ўлдирдик, аскарлар ҳам, милиционерлар ҳам қочишга тушдилар ва Денов, Мусобозор қишлоғига кириб яшириндилар. Мен уларни таъқиб этиб бордим ва уларга, "Сизлар мусулмонсизлар - бизлар ҳам мусулмонмиз, бизлар бир умумий иш ўрусларга қарши курашишимиз керак, қуролларни топширинг", деган мазмунда хат йўладим. Шу орада уларга ёрдам отряди етиб келди, яна иккита милиционер ўлдирилди, биз чекиндик"⁸.

Кейинги пайтда босмачилиқдан халқ безиб, унга зид кайфиятда бўла бошлаганини, аҳолининг тортган изтиробларини, унинг тушкун руҳиятини кўриб-билиб, мен ўз фаолиятимни тўхтатишга ва шу сабабли Совет ҳокимияти томонига ўтишга қарор қилдим", дейди мулла Абдурозиқ⁹.

Мулла Абдурозиқ "Илгарилари менга қарши 500 нафар кишилик отрядлар ташланар эди, мен улардан қўрқмаганман, кейинги пайтда менга 50

⁷ Шу жамғарма, 17-бет.

⁸ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38-иш, 17-бет.

⁹ ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 20-иш, 4-бет.



нафар кишилик отряд юборилди, бу нима бўлибди", дея жавоб қайтаради.

Қўрбошиларга қарши Қизил армия 12-ўқчи полкининг отлиқ бўлинмаси командири Е.В.Смельницкий мулла Абдурозиқ гуруҳи билан олиб борилган жанглар ҳақида шундай шоҳидлик беради: "Қизил армия хизматида, отлиқ бўлинма командири сифатида Шаҳрисабз туманида 1924 йилнинг сентябрь ойдан бошлаб, босмачилар билан бир неча марта жанг қилганман. Жумладан, босмачилар бошлиғи мулла Абдурозиқ тўдаси билан ҳам. Шундай жанглardan бири 1925 йил апрелида Денов қишлоғида юз берган эди. унда босмачилардан 15 нафар киши қатнашган эди. Жанг 6 соат давом этиб, аскарлармиз зиён кўрмади, фақат битта отимиз ўлди. 1926 йилнинг кузида Жовуз қишлоғи ҳудудида мулла Абдурозиқ тўдаси томонидан Қизил армия қисмларидан 1-бўлинма (взвод) қириб ташланган, командир ҳам ўлдирилган. 1924 йилнинг апрель ойида, тахминан, Денов қишлоғи ҳудудида Қизил армиянинг 32-дивизияси алоҳида эскадронининг 17 нафар қизил аскар ва 3 нафар милиционер қора доридан кайф қилиб қолади. Бундун фойдаланган мулла Абдурозиқ уларни асирга олади ва ўлдиради. Шу йилнинг 26 апрели кунида мулла Абдурозиқ Очилбек тўдаси билан биргаликда Қизил армиянинг 48-дивизияси эскадронининг бир қисмини яксон этади ва бу жангда Ургут милициясининг бир гуруҳи ҳам қириб ташланади"¹⁰.

Совет ҳокимияти ўз душманларига қарши қурол, мафкура йўли билангина эмас, фитна, бўҳтон, хуллас, қабихликнинг ҳамма турларини ишга солиб курашган эди. Мулла Абдурозиқ Хўжанди ўғлига қўйилган айбларнинг энг машғуми унинг ўз қишлоғи Жовузни ёқиб юбориш туҳмати бўлган. Бунда мулла Абдурозиққа қарши бўлган, шахсий ғаразли гувоҳлар айтайин тайинланган. Мулла Абдурозиқнинг суддаги ҳимоячиси Евгений Обонецкийнинг Республика Олий судига ёзган шикоят хати Совет жазо органларининг асл қиёфасини очиб берадиган тарихий ҳужжат даражасига молик далил, дейиш мумкин. У шикоятда шундай ёзади: "Суд ўз ҳукмида айбдорларга, асосан, мулла Абдурозиқ Хўжандиевга бошқалар қилган жиноятларни қўйиб юборган. Масалан, Жовуз қишлоғига ўт қўйиш мулла Абдурозиқ бўйнига қўйилди. Ҳолбуки, гувоҳлардан Одиллов ва Султоновлар ўз кўрсатмаларида ёнгин мулла Абдурозиқ Жовуз қишлоғидан қувиб чиқарилгандан кейин, қишлоқни Қизил аскарлар ва милиционерлар эгаллагандан сўнг бошланганлигини эътироф этдилар, лекин уларнинг бу кўрсатмалари эътиборга олинмади"¹¹.

Хуллас XX асрнинг 20-йилларида советлар асосий кучларини Қашқада-релик ватанпарварларни енгишга сафарбар этган, бунда катта талофатлар берилиши билан бирга улкан моддий зарар ҳам кўрилган. Муҳими, Қашқа-адарё воҳасидаги истиқлол учун бўлган кураш юртимизнинг бошқа ҳудудларида давом этаётган озодлик курашининг кучайишига, бардавом бўлишига катта ҳисса қўшган. Бу эса ўзбек халқининг азалдан бир бутун бўлганлиги, ҳамжиҳатлиги ва жиқслигидан далолат беради.

¹⁰ Шу жамғарма, 17-бет.



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ишанов А.И. Бухарская народная советская республика, - Ташкент, "Узбекистан", 1969. - 382 с.
2. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхондарьинской областей Узбекистана. - Ташкент, "Фан", 1968. - 227 с.
3. Хўжаев Ф. Танланган асарлар, I том, - Тошкент, "Фан", 1976. - 536 б.
4. Равшанов П. Қўлга тушган қасоскорлар. - Тошкент, "Фан", 2014. - 300 б.
5. Равшанова Г. Қашқадарё: XX аср бошлари тарихи. - Тошкент, "Янги аср авлоди", 2016. - 280 б.
6. Қашқадарё вилоят давлат архиви (ҚВДА), 172-жамғарма, 2-рўйхат, 38 иш.
7. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 501-иш.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қашқадарё воҳаси Совет ҳокимиятига қарши мунтазам қуроли ҳаракатнинг воҳанинг тоғли ҳудудларида амалга оширилиши ва унга мулла Абдурузиқ Хўжандининг кураш фаолияти ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается осуществление регулярного вооруженного движения против советской власти в горных районах Кашкадарьинского оазиса и деятельность муллы Абдуразика Худжанда.

SUMMARY

The article describes the regular armed action against the Soviet authorities in the Kashkadarya oasis in the mountainous areas of the oasis and the struggle of Mullah Abduroziq Khojandi.





INTELLEKTUAL SALONIYAT VA MILLIY MADANIY TARAQQIYOT

Д. НОРҚУЛОВ,
Д. ҚОРАБОЕВА,
Тошкент тиббиёт академияси

Калит сўзлар: миллий маданий тараққиёт, интеллектуал салоҳият, инновацион фикрлаш, универсал инновациялар, ўқувчиларнинг инновацион гоялари, иқтидорли ёшлар, илмий изланишлар, инновацион ихтиролар.

Миллий маданий тараққиёт интеллектуал салоҳиятга, инновацион фикрлаш ва изланишларга тайёр субъектларни тақозо этади. Ижод, креатив фаоллик, яратиш ва қуриш иштиёқи билан яшашга, меҳнат қилишга тайёр инсонларгина миллий маданий тараққиётни таъминлай олади. Бугун бу аксиома. Инсоният шундай тараққиёт босқичига қадам қўйганки, энди оғир қўл меҳнати эмас, балки ундан кўпроқ самара берадиган, инсонни фикрлашга, ижодий изланишларга ундайдиган ақлий меҳнат эъзозланадиган бўлмоқда. Бу жисмоний, қўл меҳнатини мутлақ инкор қилиш дегани эмас, аммо кенг, ижтимоий миқёсда амалга ошириладиган меҳнатга ақлий меҳнат ҳосилалари бўлган илмий техник кашфиётлар, инновацион ишланмалар, технологик гоялар ва дастурларга қурилиши кўпроқ самара берар экан. АҚШ ва Европа давлатлари эришган ижтимоий иқтисодий ютуқлар шундай хулосага олиб келмоқда.

"Миллий маданий тараққиёт" кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг моҳияти маданиятнинг универсал феноменлигидан келиб чиқади. Универсаллик кенг ижтимоий борлиққа тааллуқлилик, инсон ва жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб олиш ёки уларнинг экзистенционал моҳиятини англашиш демакдир. Унга барчани қониқтирадиган илмий таъриф бериш мушкул бўлгани учун тадқиқотчилар уни барчага тушунарли воқелик, тушунча сифатида таърифсиз ишлатаверадилар. Бунда, бизнинг фикримизча, миллий маданий тараққиёт индексларини ишлаб чиқиш зарур, бу муаммони аниқ йўналишларда тадқиқ этиш имконини берган бўларди. Минг афсуски, бундай индекслар бизда ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун биз интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш масалаларини ўрганиш билан чекланамиз. Бу инсоният тараққиётининг бугунги йўналишлари ва БМТ томонидан XXI асрни илм, фан, маърифат ва маданият асри сифатида қаралаётганига ҳам мос келади.



"Давос маданияти" гоёсининг асосчиси К.Швабнинг фикрича, инсоният термачилиқдан деҳқончиликка, аграр инқилобдан XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги илмий инқилобга, кейин эса тўртинчи саноат инқилобига етиб келган. "Тўртинчи саноат инқилоби инсоннинг билиш фаолияти билан боғлиқ ўзгаришдир" [1: С.18]. Бу инқилоб инсониятни мутлақ янги босқичга кўтаради, унда ақлий меҳнат маҳсули бўлган рақамли бошқариш ва "рақамли инқилоб" глобал воқеликка айланади. Олдинги даврларда амалга оширилган инқилоблардан тўртинчи саноат инқилоби янги технологиялари ва тез тарқаладиган "универсал инновациялари" билан фарқ қилади, ундаги ҳар қандай ўзгариш тезда бутун дунё бўйлаб тарқалади, кишиларнинг хатти ҳаракатлари, фаолияти ана шу ўзгаришларга мувофиқ баҳоланадиган бўлади. Демак, инсониятнинг келгуси тараққиёти интеллектуал салоҳиятга, ақлий изланишларга боғлиқ бўлади. Энди шунчаки билим, маълумот олиш ёки саводхон бўлиш етарли эмас, тараққиёт учун ўз ақли кучини, интеллектуал қувватини янги янги кашфиётлар қилишга сарфлайдиган иқтидор эгалари керак.

Ўзбекистон ёшларда интеллектуал ва ижодий салоҳиятни ривожлантиришни миллий тараққиётнинг, мамлакатни инновацион ривожланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида қарамоқда. Ўтган ўн йилликлардаги беқарорлик, автократик бошқаришни чин демократик ислохотлар билан алмаштириш давр талабига айлангач таълим тизимини янгилашга ундади. Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, бу тизим олдига янги вазифалар қўйилди. 2017-2020 йиллар ичида болалар боғчаси сони 6 минг 367 тага етди. Давлат хусусий шериклик асосида барпо этилган мактабгача таълим муассасалари икки баробарга кўпайди. Тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг маоши, иш ҳақлари сезиларли оширилди, иқтидорли болаларни етиштирган ва турли олимпиадаларда қатнашиб голиб чиққан шигирдларига эга мураббийлар алоҳида тақдирланадиган бўлди [2: 73-б.]. Иқтидорли болаларни топиш ва тарбиялаш, уларнинг интеллектуал ривожланиши учун зарур шароитларни яратиш бериш мамлакатни инновацион тараққий эттириш кафолати сифатида қараладиган бўлди. Таълим тизимида юзага келган нохуш ҳоллар коррупция, таъмагирлик, таниш билишлик ва дипломлар сотиб олиш кабиларга қарши кураш бошланди. Сир эмаски, мустақилликнинг дастлабки йилларида таълим тизимини юксалтиришга оид турли қарорлар ва моделлар ишлаб чиқилган бўлса-да, улар керакли натижа бермади, фан олимпиадаларини кимлар ютиб чиқиши ва олий ўқув юртига имтиҳонсиз, тестсиз кириши мумкинлиги олдиндан маълум бўларди. Таълим тизимидаги ҳолат шу даражага бориб етган эдики, "ўқувчилар орасида олий мактабга энг юқори даражада билим олинadиган даргоҳ эмас, балки олий маълумотлилик тўғрисида дипломга эга бўлинадиган маскан деб қараш томир ёйди. Ўқимасдан бўлса-да, диплом олишга интиладиган, ҳатто бунинг уддасидан чиқадиганлар қатлами ҳам пайдо бўлди. Ва бундайлар сони тобора кўпайиб бормоқда"[3]. Педагогика фанлари доктори, профессор Қ.Йўлдошев таълим тизимида юзага келган, гўё-



ки педагогик инновация деб жар солинаётган "янгиликлар"ни танқидий таҳлил қилар экан ёзади: "Кейинги ўттиз йил мобайнида миллий таълим тизими бир неча сидра янгиланди. Педагогик инновациялар тинимсиз жорий этилмоқда. Лекин шу вақт орасида бирорта ўқитувчининг илғор тажрибаси оммалаштирилгани кузатилмайди. Наҳотки, мамлакатда бирорта ҳам истеъдодли, ижодкор, ташаббускор ўқитувчи қолмаган бўлса? Таълим тизимига киритилаётган шунча янгиликлар керагидай самара бермаяптими? Педагогик инновация таълимнинг моҳиятига ўзгариш киритиши керакми ёки ташқи кўринишига?" Олим таълим тизимида илдиз отган маъмурий буйруқбозлик, автократик бошқариш моҳиятан нотўғри эканлигини таъкидлайди. "Педагогларда профессионал эрк қолмади, деб ёзади у куйинчаклик билан. Унинг қаерда нимани, қандай бажариши кераклиги қатъий белгилаб қўйилган ва ундан салгина бўлса-да, ташқарига чиқишга йўл қўйилмайди. Ўқитувчида фақат чекловларни айланиб ўтиш, чекловчиларни чалғитишга уриниш эркигина қолди. Маълумки, эрки йўқ одамда шавқ, ижодкорлик, бугун расм бўлганидай айтилса, креативлик бўлмайди." [4]. Шу билан бирга, Қ.Йўлдошев дарслар ўтишда шакланган номақбул анъанани ҳам танқид қилади. "Ҳозирги кунда на ўрта, на олий таълим ва на малака ошириш тизимида дарс ўз мавқеига яраша рутбага эга. У ҳар қандай катта кичик эринмаган одам, истаган вақтда бузиб кираверади, истаган одамни киритиб ёки чиқариб юбриши, хоҳлаганча тўхтатилиши мумкин бўлган жараён саналади. Ҳолбуки, таълим тизими атрофидаги барча уриниш у изланишлар сабоқлар самарадорлигини ошириш учун қилинади. Ана шундай қимматли ва зарур жараёнга нописанд муносабат шакланган. Таълим жараёни кўпинча тадбир ва тадбирбозликка, сабоқ машғулоти эса хўжа кўрсинга қилинадиган тақдимотга айлантирилгани ўқитиш кечимидаги барча уринишларни самарасиз қилади" [5]. Ўтган ўттиз йил мобайнида таълим тизимида ўтказилган ислохотлар автократик бошқариш талаблари доирасида бўлиб, улар инновацион ривожланишга деярли ҳеч нима бермаган. Бозор иқтисодиёти кўпгина ўқитувчиларни таълим соҳасидан кетишга мажбур қилди, дарсларни хўжа кўрсинга ўтиш, ўқувчилари ва муаллимлари йўқ дабдабали коллежлар қуриш анъанага айландики, бу жараёнларни танқидий таҳлил қилган ҳолда таълимнинг инновацион кўринишларини излаш объектив эҳтиёжга айланди. Бу вазифа Шавкат Мирзиёев зиммасига тушди. Президентимиз таълим тизимини янгилаш бутун жамиятимизни янгилаш, иқтидорли ёшларни ҳаёт саҳнасига олиб чиқиш миллий маданий тараққиёт омили эканини таъкидлашдан тинмайди. Айнан унинг ташаббуси билан "Темурбеклар мактаби", "Президент мактаблари" ва "Ижод мактаблари" деб номланган мактабларнинг очилгани, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилгани мутлақ янги намунадаги таълим муассасалари тизими яратилганидан дарак беради. Иқтидорли ёшларни чет элларда ўқитиш ва чет элларда яшаётган, муҳим касб корга, замо-



навий билим ва қарашларга эга мутахассисларни Ўзбекистонга таклиф этиш, хорижий университетлар ва илмий тадқиқот институтларининг филиалларини очиш, ўқитуви педагогларнинг маошини кескин ошириш, улардаги ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш стратегик аҳамиятга эга вазифа сифатида қараладиган бўлди.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва ижодий фаоллигини ошириш, иқтидорли болаларни тарбиялаш ва қўллаб қувватлаш, уларда илмий ва техник билимларга бўлган қизиқишни шакллантириш, миллий маданий тараққиётга хизмат қилишга тайёр, креатив фаол ёшларни вояга етказиш мақсадида ташкил этилган Президент мактаблари катта умидлар уйғотмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 20 февралда қабул қилган "Президент мактабларини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида таъкидланганидек, мамлакатимизни инновацион ривожлантириш "иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўлланган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш"ни тақозо этмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ Президент мактаблари устига қуйидаги вазифалар юклатилган:

- иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш;

- табиий ва аниқ фанларни чуқур ўрганиш, хорижий тиллар, муҳандислик ва ахборот технологияларини ўзлаштиришни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- ўқувчиларни ўқитиш ва уларни билимларини баҳолашнинг замонавий услубларини, шунингдек, таълим дастурларининг интеграциялашувига асосланган ўқитишнинг фанлараро ёндашувини жорий қилиш ва кейинчалик ижобий тажрибани республика халқ таълими тизимига тадбиқ этиш;

- ўқувчиларни касб ҳунарга йўналтириш, уларда етакчилик кўникмалари ва нотифик санъатини ривожлантириш, танқидий фикрлаш, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни амалиётда қўллаш малакасини ошириш;

- ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш; ўқувчиларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатни, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашларни шакллантириш;

- ўқув дастурларининг узлуксизлигини таъминлаш масалаларида худди шу йўналишдаги миллий ва хорижий умумий ўрта ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, битирувчиларнинг илғор хорижий олий ўқув юрларида ва уларнинг республикамиздаги филиалларида ўқишини давом эттириш [6]. Мактабларга 4-синфни битирган, махсус тестлар ва суҳбатлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар қабул қилинади. Йиллик қабул квотаси 24 нафар ўқувчи. Таълим жараёни инглиз



тилида амалга оширилади. Бу ўринда турли саволлар уйғонаётгани табиий ҳолдир. Ўзбекистонда она тилида таълим бериш қонун томонидан қафолатланган. Нега энди ўзбек тили эмас, балки инглиз тилида таълим бериш тартиби ўрнатилмоқда? Президент мактаблари инглиз диаспораси ёки АҚШ учун ёшларни ўқитмайди, тайёрламайдику? Гап шундаки, Президент мактаблари жаҳон маданияти ва илмий техник тажрибаларини пухта эгаллайдиган, чет эллик тадқиқотчилар ва мутахассислар билан тортиша оладиган, баҳсга кирша олдиган ва хорижий мамлакатлар интеллектуал салоҳиятидан хабардор бўладиган ёшларни тайёрлашни назарда тутди. Уларга хорижий тил, айниқса инглиз тилини билиш давр ва миллий маданий тараққиёт талабидир. Маълумки, дунёдаги илмий кашфиётларнинг 55 фоизидан зиёди АҚШга, 35 фоизга яқини Европа давлатларига тўғри келади. Илмий техник билимларга оид информацияларнинг деярли 80-85 фоизи инглиз тилидадир. Айнан шунинг учун ҳам Президент мактабларидаги таълим инглиз тилида олиб борилгани маъқул деб топилган. Бироқ бу болаларнинг она тилида мулоқотига, гаплашишига халақит бермайди. Дарслардан кейинги пайтларда улар ўзбек тилида гаплашиши, мулоқот қилиши мумкин.

Президент мактабларида "STEAMтаълим" (Science табиий фанлар, Technologyтехнологиялар, Engineeringтехник ижодкорлик, Artсанъат, Mathematicsматематика) дастури жорий этилган. Мазкур дастур ижтимоий тарбиявий моҳиятига кўра, миллий таълим тизимини рад этмайди, балки уни самарали ташкил этилган, маълум бир маънода ихтисослаштирилган йўналиш билан бойитади, тўлдиради. Унда Ўзбекистонда қабул қилинган "Таълим ҳақида" ва "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунлардаги концептуал гоя, яъни ҳам ақдан, ҳам маънан соғ, баркамол янги авлодни тарбиялаш мақсадидан келиб чиқилган

Президент мактаблари Тошкент, Нукус ва Хива шаҳарларида очилган. 2021 йилда шундай мактаблар бошқа вилоятларда ҳам ташкил этилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ ота оналар, жамоатчилик ўртасида бу мактабларга бўлган қизиқиш юқори, улар фарзандларини юксак интеллект соҳиби бўлишини истагани учун кириш имтиҳонларига жиддий тайёргарлик кўришади. Масалан, Тошкент шаҳридаги Президент мактабига киришни хоҳловчилар 2019-2020 ўқув йилида 678 ўқувчи ҳужжат топширган. Демак, бир ўринга деярли тўрт даъвогар бўлган. Мактабларнинг ташқидизайнидан тортиб то дарс хоналари, йўлаклар, технология кабинетлари ва восталаригача ҳавас уйғотадиган даражада замонавий ва мафтункор. Ўқитувчилар ва тарбиячилар танлаб олинади, уларнинг инглиз тилини билишига эътибор қаратилади. Дарслар видеотасмаларга туширилади ва кейин ус-тозлар даврасида муҳокама қилинади. Педагогик кенгаш дарслар савиясини ўрганиб, кузатиб боради, ўқитувчига у ёки бу йўналишда услубий ёрдамлар кўрсатади. Хориждаги илғор педагогик инновациялардан хабардорлик ва уларни ўз фаолиятида қўллаш ўқитувчи фаолиятини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.



Интеллектуал салоҳиятнинг рўёбга чиқиши махсус билимга, тайёргарликка, олий таълим тизимида махсус билимлар эгалланганига боғлиқдир. Тўғри, бизнес оламида ҳеч қандай олий маълумотсиз юқори кўсаткичларга эришган, дунёдаги энг бадавлат ва ишбилармон кишилар рўйхатидан жой олган шахслар етарлича топилади. Баъзан шундай шахсларни ибрат, намуна қилиб кўрсатишади. Аммо улар ўз фаолиятида интеллектуал салоҳият эгалари ёрдамлари ва хизматларига таянганликлари нимагадир эсга олинавермайди. Йирик трансмиллий корпорациялар ташкил этган, халқаро савдо сотиқ ва бизнесни йўлга қўйган бундай шахслардаги интеллектуал салоҳият эгалари хизматларидан фойдаланиш интуитив тарзда улар вужудда, онгида шакланган. Ташкилотчилик, инновацияга интилиш, бизнесни ўз мақсадалари ва режаларига мувофиқ ташкил эта олиш санъати, қобилияти ҳам интеллектуал салоҳиятдан дарак беради. Шунинг учун олий таълимнинг ўрни ҳеч қачон камаймайди, у жамиятда интеллектуал салоҳиятли кишиларни тайёрлашнинг асосий маркази, ўчоғи бўлиб қолади.

Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида жиддий муаммоалар борлиги давлатимиз раҳбари чиқишларида кўп марта айтилган, танқид қилинган. Жойларда малакали врачлар, тиббиёт ходимлари, диспарсерлар, тиббий ёрдам муассасалари етишмаётгани сир эмас. Президентимизнинг 2020 йил 18 февралда имзолаган "Тиббий санитария соҳасида кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соҳага инновацион ёндашишларни жорий этишга қаратилган. Қарорга кўра, ҳудудлардаги 47 та тиббиёт коллежлари Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этилади. Техникумларни муваффақиятли тугатганлар ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали олий даргоҳларда 2-курсдан ўқишни давом эттириши мумкин. Ҳудудларнинг шифокорларга, тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт олий таълим муассасалари бакалавриятнинг "Даволаш иши", "Педиатрия иши" ва "Касбий таълим (даволаш иши)" таълим йўналишлари бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичи доирасидаги мақсадли қабул параметрлари туман (шаҳар)лар кесимида шакллантирилиши назарда тутилган [7]. Республикамизда 2020 йил 1 сентябридан бошлаб Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ҳамда Туркия Бахшишеҳир университетларининг филиаллари ва клиникалари ишлай бошлайди. Мазкур филиаллар билан биргаликда халқаро факультетлар ташкид этилади. Қарорда чет тилларини яхши биладиган талабалар стипендияларига қўшимча тўловлар жорий этилади, инновацион ишланмалар моддий қўллаб қувватланади. Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларидаги тиббиёт олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этилади. Буларнинг барчаси моҳиятан интеллектуал соҳадаги мутлақ янги



ёндашувдир. Шу пайтгача олий ўқув юртлари мустақил фаолият юритиш имконидан, диссертациялар ҳимоя қилиш ҳуқуқидан маҳрум эди, энди бу ҳуқуқ олий даргоҳларга ўтказилмоқда. Ҳатто олий даргоҳлар қабул квоталарини, ўқув режаларини ва амалиёт ўташ жойларини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Аниқ буюртмаларга ва талабларга мувофиқ кадрлар тайёрлаш тартибининг жорий этилаётгани эса олий таълим сифатини мутлақ янги даражага кўтаради [8].

Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш мақсадида халқаро ижтимоий-гуманитар алоқалр тизимида чет эллардаги нуфузли олий ўқув юртларининг кейинги икки йил ичида 16 та филиллари очилди. Уларда асосий эътибор илмий техник йўналишга катта эътибор берилди. Президентимизнинг бу соҳага оид 120 тадан зиёд Қарор ва фармонлари эълон қилинди, уларда мамлакатимизнинг тараққиёти илмий техник кашфиётлар, изланишларга боғлиқлиги таъкидланади. Бироқ бу соҳада қатор, узоқ йиллар эътибордан чеккада қолиб келаётган муаммолар ҳам мавжудки, Шавкат Мирзиёев деярли ҳар бир чиқишида уларни ҳал этиш муҳимлигини таъкидлайди. Масалан, кейинги йил ичида яратилган илмий техник кашфиётлар ва ихтироларнинг атиги 0,5 фоизигина тижоратлаштирилган, жаҳон бозорига чиқарилган. Нашр этилган мақолалар ва китоблар илмий техник изланишларнинг натижаси сифатида қаралмоқда, аслида уларнинг халқ хўжалигига келтирган фойдаси, валюталар келтириши умуман ҳисобга олинмайди. Илмий техник изланишларга давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг сарфланиши учун жойлардаги илмий техник кенгашлар, институтлар масъуллиги сезилмайди. Ишланмаларни реал ҳаётга жорий этишда, инновацион кашфиётларни рағбатлантиришда тадбиркорлар, хусусий сектор деярли қатнашмайди, бу изланишлар билан қизиқмайди.

Хулоса қилиб айтганда, илмий техник изланишлар ва инновацион ихтиролар соҳасида жиддий амалий чора-тадбирлар кўрилиши давр талаби бўлиб қолмоқда. Интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш фақат олий ўқув юртларининг сонини кўпайтириш, қабул квоталарини ошириш ва инженер техник кадрларни, мутахассисларни моддий рағбатлантиришигина эмас, у бозор иқтисодиёти, халқаро эҳтиёжлар, интеграция ва ижтимоий иқтисодий тараққиёт талабларидан ҳам келиб чиқишни тоқазо этади. Миллий маданий тараққиёт ана шу кенг ва ранг баранг омиллар маҳсули сифатида реал воқеликка айланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шваб К. Четвертая промышленная революция. –М: Эксмо, 2018. С.18.
2. Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3 ж. –Т: “Ўзбекистон”, 2019. Б-73.
3. Йўлдошев Қ. Таълимда эгаменлик аксиомаси / «Ishonch», 2019 йил 31 январь.
4. Ўша жойда



5. Ўша жойда

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "Президент мактабларини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида" // Халқ сўзи, 2019,21 февраль

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори "Тиббий санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида".// -Халқ сўзи, 2020 йил 20 февраль


8. Қаранг: Маҳмудова Р. Кадрлар тайёрлаш тизимида мутлақо янги чора ёндашув // WWW. XS. UZ 2020, 10 апрель.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада миллий тараққиёт кенг қамровли тушунча эканлиги, шунингдек, у инсон ва жамият ҳаётининг барча қирраларини қамраб олиши ёки уларнинг экзистенциал моҳиятини англайтишини, шу билан бирга интеллектуал салоҳиятга, инновацион фикрлашга, изланишларга, креатив фаолликка, меҳнат қилишга тайёр инсонларгина миллий маданий тараққиётни таъминлай олиши ҳақида фикр юритилади.

RESUME

The article emphasizes that national development is a broad concept that covers all aspects of multifaceted social and social life, which is existential in nature, and also emphasizes that only those individuals who are ready for intellectual potential, innovative thinking, research, creative activity, creatively active can ensure the development of national culture.





JADIDLARNING MILLY TASHKILOTLARI QISMATI

Дилноза ЖАМОЛОВА,
Бухоро давлат университети

Калит сўзлар: жаид, мактаб, жамиятлар, сиёсий ташкилот, мустақиллик, муҳожир, давлатчилик, қамоқ, концлагер.

Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва улар томонидан мамлакатда мустамлакачилик сиёсатининг амалга оширилиши маҳаллий тараққийпарварларни қаттиқ ташвишга сола бошлади. Советлар томонидан маҳаллий аҳолига қилинган жабр-зулм ва халқ бойликларининг Россияга ташиб кетилиши Ватан фидойиларини озодлик учун сиёсий кураш бошлашига сабаб бўлди. Жаидларнинг асосий мақсади, аввало, халқни босқинчиларга қарши маънан ва ақлан тарбиялаш, ўз қадр-қимматини англатиш бўлди. 1917 йилда Туркистон жаидлари ўзларининг янги сиёсий ташкилотлари "Иттиҳоди тараққий" (Иттиҳод -арабча сўз бўлиб, уюшма, ташкилот деган маъноларни билдиради) га асос солдилар. Бу ташкилот Туркия муҳожирлари ёрдамида тузилиб, унга Усмонбек раислик қилган. "Иттиҳоди тараққий" совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини танқид қилиш, ёшларни сиёсий фаоллаштириш ва мактаб ишларини ислоҳ қилиш билан машғул бўлган.

"Иттиҳоди тараққий" ҳақида Мунаввар Қори жамият дастурини туркиялик муҳожирлар Усмонбек ва Ҳайдар афандилар тузганлиги, уни туркчадан ўзбек тилига ўзи таржима қилгани ва 1917 йил август ойи охирида тараққийпарварларнинг Усмонбек раислигида бўлиб ўтган йиғилишида бу дастур қабул қилинганини ёзади. Ташкилот тузилган пайтда аъзолар сони 50 тадан ошмаган. Жамиятнинг моддий маблағи унинг аъзолари ўз ихтиёри билан берадиган бадал асосида ташкил этилган бўлиб, ҳар бир кишининг моддий имкониятига қараб, 100 сўмдан 250 сўмгача қилиб белгиланган [1.22]. Жамиятга аъзо бўлувчилар тараққийпарварлик мафқурасига эга бўлиши, жамият марказининг ҳар қандай буйруқларига итоат қилишга ваъда бериб, Қуръон ва қуролни ушлаб қасамёд қилиши шарт бўлган.

Жамиятнинг олдида турган асосий вазифа ўқув юртлари сонини кўпайтириш, мактаблар қошида катталар учун саводсизликни тугатиш курслари очиш ҳамда тўғарак ва жамиятлар ташкил этиш, совет ҳукумати ағдарилганда, Туркистон мухториятини сақлаб қолиш мақсадида тараққийпарварларнинг янги кучини тайёрлашдан иборат бўлган[2. 53].

Бу ташкилот ўз фаолиятини ташкиллаштиришда Туркиядаги "Иттиҳод ва тараққий" (1889-1918) ташкилотидан ёрдам сўраган ва икки марта махсус вакиллари Туркияга юборган. Аммо ҳар иккала вакиллик ҳам мақсадига эриша олмаган. Биринчи вакиллар Садирхон ва Саидносир Мир-



жалиловлар бўлиб, 1918 йил Истанбулга борганда, Ёш турклар ҳукумати мағлубиятга учраган ва ташкилот аъзолари муҳожирликка кетган эди. Шунинг учун улар белгиланган кишилар билан учраша олмай Тошкентга қайтадилар. Иккинчи делегациянинг бориши 1919 йилда режалаштирилган бўлиб, унинг таркибига Тошкентдан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев ва Саидносир Миржалилов, Самарқанддан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мардонқул ва Муҳаммадқуллар кирган эди. Бу делегациянинг яширин топшириқ билан Туркистондан чиқиб кетишидан ЧК (совет ҳокимиятининг фавқулодда комиссияси) ходимлари хабар топган. Натижада Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Москвада, Саидносир Миржалилов Тифлисида яширинишга мажбур бўлган. Маҳмудхўжа Беҳбудий эса Шаҳрисабзда ушлаб олинди, Бухоро амири одамлари томонидан қатл этилган [3. 213-214].

Бу воқеалардан кейин, "Иттиҳоди тараққий" ташкилоти фаолияти бироз сусаяди. 1919 йилда "Иттиҳоди тараққий" "Миллий иттиҳод" номи билан қайта ташкил этилади ва 1926 йилгача фаолият олиб боради [4. 227-228]. Ташкилотнинг марказида дастлаб турк муҳожирларидан Муҳаммадбей, Сулаймон Сами, Садриддинхонлар, кейинчалик Турор Рисқулов, Саъдулла Турсунхўжаев, Мунаввар Қори, Низомиддин Хўжаевлар турган. Бу сиёсий уюшмага жадидлардан ташқари, уламолар ва савдогарлар ҳам аъзо бўлган.

"Миллий иттиҳод" ташкилотининг асосий мақсади совет ҳокимиятининг Туркистондаги таъсирини пасайтириш ва маҳаллий комиссарликларнинг мустақиллиги учун курашдан иборат бўлган. Жамият аъзолари марказга сиёсий ва иқтисодий мустақилликни ифода этувчи талабнома тайёрлайдилар. Ушбу талабномада Туркистонда Турккомиссия фаолиятини тугатиш; Туркистонга ўз ҳукумати тасарруфида бўлган қуроли кучлар, миллий армия сақлаш учун имконият бериш; темир йўллари Туркистон ҳукумати тасарруфига бериш; почта, телеграф, телефон соҳаларини Москва аралашувисиз идора этиш учун Туркистон ҳукуматига топшириш; Шарқ давлатлари билан алоқаларни Туркистон ҳукуматининг ўзига топшириш каби масалалар илгари сурилган [5. 198]. Аммо бу талабларнинг бирортаси марказ томонидан бажарилмайди.

1926 йилда жадидларнинг ташаббуси "Иттиҳоди тараққий" ва "Миллий иттиҳод" ташкилотларининг давомчиси "Миллий истиқлол" ташкилоти тuzилган. Бу ташкилот фаолиятида Азиз Лазиззода, Салимхон Тиллахонов ва Ғофиржон Мусахоновлар етакчилик қилган. Ташкилотнинг бутун республикадаги махфий фаолиятини Мунаввар Қори бошқарган [6. 117].

Бу ташкилот фаоллари мустақилликка эришишнинг асосий йўллари билан бири ҳукумат ва бошқа давлат корхона, идора ҳамда муассасалари раҳбарларини маҳаллий кадрлар билан алмаштиришдан иборат деб билди. Шунинг учун ҳам улар комфирқанинг "маҳаллийлаштириш сиёсати"дан усталик билан фойдаланди ва қатор давлат лавозимлари ушбу уюшма аъзолари томонидан эгалланди.

"Миллий истиқлол" ташкилоти 1929 йил октябрда СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошқармаси (ОГПУ) томонидан фoш этилади. 6 ноябрда 26 киши, кейинчалик жами 87 киши қўлга олинди, бир йилу беш ой давомида даст-



лаб Тошкентда, кейин Москвада тергов қилинган. 1931 йил 25 апрелда уларнинг устидан СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошқармасининг судлов коллегияси ҳукм чиқаради. Коллегия уларнинг 15 тасига отув, шулардан 6 тасини 10 йиллик концлагерга алмаштириш шарти билан, 25 тасига 10 йиллик, 21 тасига 5 йиллик, 15 тасига 3 йиллик концлагерга юбориш, 3 тасига СССРнинг 12 та белгиланган шаҳарларида яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида қарор қабул қилади [7. 282].

Ташкилотнинг биргина аъзоси Муҳаммедов Мадҳиддин Салихович жадидчиликка сиёсий баҳо бериб, дўстларини сотганлиги учун қамоқдан озод қилинади. Унинг сиёсий бошқармага ёзган хатларидан бирида: "Агар жадидларнинг ҳозирги мафқурасига назар солсак, улар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани эканликларини, бу ҳокимият қачон қулар экан, деб интиқ бўлаётганларини осонгина билиб оламиз. Қулашига эса улар қатъий ишондилар. Улар совет ҳокимиятининг чет душманлари билан бир сафдадилар ва бу ҳокимиятни тугатишда иштирок этиш ниятлари бор. Душман хоҳичдан, хоҳ ташқаридан қачон бу ҳокимиятга қарши ҳаракат бошлайдию, қачон бу кураш авжига минади - улар шуни кутмоқдалар" [8.171], деб ёзган.

Жадидларнинг яна бир сиёсий уюшмаси 1921 йил 2-5 августда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган конгрессда дастлаб "Ўрта Осиё миллий мусулмон жамиятлари федерацияси", кейинчалик "Туркистон Миллий Бирлиги" номи билан тузилган ташкилотдир [9. 318]. "Туркистон Миллий Бирлиги" ташкилотининг асосий мақсад ва вазифалари истиқлолга эришиш; демократик жумҳурият ва миллий қўшин тузиш; иқтисодни бошқаришни, темир йўллар, сугориш иншоотлари фаолиятини Туркистон истиқлоли манфаатларига мувофиқ тарзда ташкил этиш; маорифни замонавий даражага кўтариш ва Европа маданияти билан танишишни Россиянинг воситачилигисиз йўлга қўйиш; мактаблар ташкил этиш, табиий бойликлардан фойдаланиш, миллий масалаларни ҳал этишда ерли аҳолининг миллий манфаатларини эътиборда тутиш ва кўзлаш; диний эркинлик бериш, динни дунёвий ишларга аралаштирмасликдан иборат бўлган [10. 103].

Ташкилот фаолиятида Фитрат, Чўлпон (1898-1938), Отаулла Хўжаев (1880-1937), Саъдуллахўжа Турсунхўжаев (1891-1938), Мукамил Бурҳонов (1884-1938), Муинжон Аминов (1890-1938), Абдулқодир Муҳитдинов (1892-1937), Ҳожи Сафо Жўрабоев, Салимхон Тилахонов (1900-1931), Миён Бузрук Солиҳов (1891-1938) ва бошқалар фаол қатнашганлар [11. 293-294].

1921 йил сентябрда Самарқандда Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг олтинчи конгресси бўлиб ўтади. Унда жамиятнинг 24 банддан иборат Устави ва Туркистон байроғи қабул қилинган. 1921 йил 6 сентябрда қабул қилинган Туркистоннинг Миллий байроғи бинафша рангда бўлиб, унинг асоси қилиб, X асрда ҳукмронлик қилган қорахонийлар ва салжуқийлар давлати байроқлари танланган. Байроқни тайёрлаш ишида Заки Валидий, Мунаввар Қори ва Тўрақул Жонузоқовлар иштирок этган [12. 353].

1922 йил сентябрда Тошкентда Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг 16 нафар аъзоси иштирокида маҳфий йиғилиши бўлиб ўтади. Унда Валидийга Европага кетиб, Мустафо Чўқай билан Туркистон Миллий Бир-



лиги ташкилотини чет элда тузиш вазифаси қўйилади. 1923 йилдан бошлаб бу ташкилот аъзоларини ЧК таъқиб остига олади. Натижада "Туркистон Миллий Бирлиги" раҳбарлари ва аъзолари бу ташкилот фаолиятини тўхта-тишга қарор қиладилар [13. 11-15].

Туркистон Миллий Бирлиги хорижда самарали фаолият кўрсатади. 1923 йил 26-28 июнда Кобулда Валидий раислигида ташкилотнинг кенгаши бўлиб, унда Усмон Хўжа, Ҳошим Шойиқ, Мирзо Исомиддин ва бошқалар қатнашади. Кенгаш қарорига кўра, Валидий раис, ташкилот аъзоларидан Усмон Хўжа Туркияга, Абдулҳамид Орипов Кобулга, Мустафо Чўқай Европага, Ҳошим Шойиқ Японияга вакил этиб тайинланади. Шунингдек, Туркистон Миллий Бирлигининг марказини ташкил қилиш вазифаси ҳам белгилаб олинади [14. 440]. 1927 йилда Истанбулда Туркистон Миллий бирлигининг биринчи қурултойи бўлиб ўтади ва ташкилотнинг Туркиядаги фаолияти бошланади. Туркистон Миллий бирлиги етакчиларидан Мустафо Чўқай ташкилотнинг мақсад ва ғояларини тарғиб қилиш учун матбуот органига асос солади ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Усмон Хўжа муҳаррирлигида чиққан "Янги Туркистон" (1927 йил июнь - 1932 йил сентябрь, Истанбул ва Берлин) [15. 484-485] ва Мустафо Чўқай муҳаррирлигида чиққан "Ёш Туркистон" (1929 йил декабрь - 1939 йил август, Париж ва Берлин) журналлари ташкилотнинг матбуот органи ҳисобланган [16. 22]. 1929 йилдан 1942 йилгача Мустафо Чўқай томонидан бошқарилган Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти жаҳидларни бир жамятга бирлаштириб, ҳамкорликда ҳаракат қилишларини таъминлай олган [17.257].

Демакки айтганда, совет ҳокимияти Марказий Осиёда мустақамланиб олгач, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР), Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ва Хоразм Халқ Совет Республика (ХХСР)ларининг ички ишларига назоратни кучайтирди. Унинг мустамлакачилик сиёсати, зўравонлиги ва маҳаллий шароитни инобатга олмай, халққа ўтказаетган жабр-зулми зиёлиларни сиёсий бирлашмаларга асос солишлари ва озодлик ғояларини тарғиб қилишларига сабаб бўлди. Жаҳидлар "Иттиҳоди тараққий", "Миллий иттиҳод" ва "Туркстон Миллий Бирлиги" каби ташкилотлар тузиб, ўз мақсадларини шу сиёсий уюшмалар орқали амалга оширишга интилдилар. Бу ташкилотлар аъзолари дастлаб жамятнинг барча жабҳаларида ислохотлар ўтказиш, миллий матбуотга асос солиш, мухторият тузиш учун курашган бўлсалар, Туркистон мухторияти қонга ботирилгач, совет режимига қарши миллий озодлик ҳаракатларини ташкиллаштириш, қўрбошилар фаолиятини бирлаштириб, уларни қизил армияга қарши курашга йўналтиришда жонбозлик кўрсатдилар. Мустамлакалардан маҳрум бўлишни истамаган советлар озодлик учун курашаётган жаҳидларга турли айбловлар қўйиб, уларни пантуркист, панисломист, империализм жосуслари, буржуа ёт унсурлар деб атадилар ҳамда 1930, 1937-1938 йилларда оммавий қатагон қилдилар.

Хуллас, жаҳидлар ташаббуси билан ХХ аср бошларида ташкил этилган сиёсий ташкилотларнинг фаолияти тарихини алоҳида тадқиқот доирасида ўрганиш, Ватан озодлиги, юрт фаравонлиги учун курашган жаҳид бобола-



римизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг фидойилигини ёш авлодга ибрат қилиб қилиб кўрсатиш тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи С. Холбоев. -Т; Шарқ, 2001.
2. Абдурашидхонов М. Шу асар.
3. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. -Т; Маънавият, 2003.
4. Шу асар.
5. Мактубларга инган ҳасратлар // Тарихнинг номаълум саҳифалари. - № 8. -Т: Akademnashr, 2018.
6. Абдурашидхонов М. Хотираларимдан. Кўрсатилган асар.
7. Туркистон жадидчилиги - миллий уйғониш даври тарихи (XIX аср охири - XX аср бошлари). -Наманган: "Наманган", 2012.
8. Ўзбегим. "Звезда Востока" журналы кутубхонаси. -Т, 1992
9. Zeki Velidi Togan. Hatiralar (2-baski). - Ankara, 1999.
10. Зияева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракатида зиёлиларнинг ўрни // Марказий Осиё XX аср бошларида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. Халқаро конференция материаллари. -Т.: Маънавият, 2001.
11. Ражабов Қ. Жадидлар ва уламолар совет ҳокимиятига қарши қуролли курашнинг гоёвий асосчиси ва ташкилотчилари.
12. Zeki Velidi Togan. Hatiralar (2-baski). - Ankara, 1999.
13. "Туркистон Миллий Бирлиги"на таъқиб // Янги Туркистон, (Истанбул) 1927. № 7.
14. Zeki Velidi Togan. Hatiralar (2-baski). - Ankara, 1999.
15. Tahir Chagatay. Kizil empryalizm. IV-kitap. -Ankara, 1969.
16. Аҳад Андижон. Туркистон учун кураш. Туркчадан Тоҳир Қаҳҳор таржимаси. -Т.: "Тафаккур", 2017.

Аннотация

Жадидлар "Иттиҳоди тараққий", "Миллий иттиҳод", "Туркистон Миллий бирлиги" каби сиёсий уюшма ҳамда ташкилотларга асос солдилар ва миллий озодлик ҳаракатининг гоёвий курашчиларига айландилар. Ушбу мақолада жадидларнинг миллий ташкилотлари ва уларнинг сиёсий фаолияти ҳақида маълумотлар берилди.

Abstract

Jadids established political unions and organizations like "Ittihodi Taraqqiy", "Milliy Ittihad", and "Turkiston Milliy Birligi" and became the ideological leaders of national liberation activities. This article talks about national organizations of Jadids and their activities.



TURKISTON JADIDLARINING MILLAT HAQIDAGI QARASHLARI VA ZAMONAVIYLIK

Исмоилжон ХЎЖАХОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти,

Калит сўзлар: жадиличлик, миллат, диний ўзлик, "Туркистон мусулмонлари", ўзбек идентиклиги, миллий бирлик.

Туркистон жадиждарининг миллат ҳақидаги қарашлари (миллий лойиҳалари) ва уларнинг миллий ўзликни англаши каби масалаларбаъзитадқиқотчиларнинг ишларида маълум даражада ўрганилган. Бунга мисол қилиб, америкалик тадқиқотчи Адиб Халид [1. 2], олмониялик Ингеборг Балдауф [3], ўзбекистонлик Дилором Алимова [4] ва бошқаларнинг асарларини келтириш мумкин. Бироқ, ушбу тадқиқотларда биз ўрганмоқчи бўлган масала етарли даражада очиб берилмаган.

Ўрта Осиёда миллий ҳис-туйғуларнинг кучайишига Россия империяси мустамлакачигидан сўнг минтақада рўй берган ижтимоий-маданий ўзгаришлар катта таъсир кўрсатган. Ўз даврига хос фан-техниканинг сўнгги ютуқлари, демократик ғоя ва меъёрлар асосида шаклланган "замонавий" европача ҳаёт тарзи ва ўрта асрларга хос "мусулмон маданияти"нинг туташувида европа маданиятининг устун келиши маҳаллий аҳолининг, айниқса, зиёлиларнинг дунёқараши, турмуш тарзи, маданияти ва менталитетига сезиларли таъсир қилган [4. Б. 64]. Айнан ушбу ўзгаришлар минтақада ижтимоий рақобатни вужудга келишига имкон берди ҳамда эски (анъанавий) маданий тизимнинг зарба остида қолиши натижасида ижтимоий ва маданий феномен сифатида жадиличлик ҳаракати пайдо бўлган.

Жадиждар Ўрта Осиёнинг қолоқлиги ва мустамлакачилик таъсирига тушиб қолишининг асосий сабаби илм-маърифатдан узоқлашилганликда, деб билишган. "Мусулмонларнинг ожиз аҳволга тушиб қолишига" – деб ёзади Абдурауф Фитрат – "уларнинг (шариат қоидаларига – Х.И.) амалларини йўқлиги ва илм-маърифатга интилмай – ҳамма нарса Худодан, охир замон белгиси, охир замонда кундан-кун ёмонлашиши каби сўзларга ёпишиб олганлиги натижасида дунёвий ишлардан узоқлашилишида" [6. Б. 69].

Тадқиқотчилар жадиждарнинг миллат ҳақидаги илк қарашларини диний ва ҳудудий бирдамлик ташкил этиб, у ҳудудий чегараланган диний миллат бўлганлиги ва 1917 йилга қадар "Туркистон мусулмонлари" тарзида ифода этилганлигини қайд этадилар [2.Б. 42]. Ҳақиқатан ҳам, жадиждарнинг миллат ҳақидаги қарашлари дастлаб бирмунча кенг маънога эга эди. Улар ўлкадаги барча мусулмонларнинг тақдирига бирдек қарар ва уни ажралмас умуммиллий масала деб ҳисобларди. Туркистон аҳолисини лингвистик ёки



"этник" жиҳатдан таснифлаш жадиждарнинг фақат тил ҳақидаги мақола-ларида (форсий, туркий, чигатой ва ҳ. тарзида) ёки "этноним" юзасидан бўлган баъзи баҳсларида (тожик, ўзбек, турк, сарт, қозоқ, қирғиз ва ҳ. тарзида)гина кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам жадиждар аввал бошидан "миллат" ва "миллият" деганда Туркистондаги барча мусулмонлар жамоасини, "миллий бирлик" деганда ушбу жамоанинг бирлиги ва жиҳлигини, "миллий тараққиёт" деганда эса Туркистон аҳолисининг умуммиллий тараққиётини назарда тутишган. Аслида, бу даврда жадиждарнинг миллат ҳақидаги қарашлари ўз тақомилига етмаган эди, дейиш ҳам мумкин.

Россия империясининг аҳолини таснифлаш масаласи Туркистон генерал-губернаторлигида ўзига хос бўлган. Чунки, минтақа аҳолисини этник классификациялашни имкони бўлмаган. Расмий ҳужжатларда маҳаллий аҳолига нисбатан мустамлакачилик кайфиятидан келиб чиқиб "туземецлар" ёки "мусулмонлар" каби умумий тарзда, кейинчалик (ўлкани бошқаришга оид расмий ҳужжатларда) солиқлар тизими ва бошқарувни мувофиқлаштириш мақсадида ўтроқ ва кўчманчи аҳоли тарзида гуруҳларга бўлинган.

XIX асрда Россия империяси тадқиқотчилари орасида кишиларнинг этник мансублигини уларнинг тили, турмуш тарзи (эътиқоди ва психологияси билан биргаликда) ва ташқи қиёфаси (антропологияси) каби белгилар ифодалайди, ҳамда ушбу учта белги орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд, деган қараш бўлган. С.Абашиннинг қайд этишича, хусусан, бу давр рус тадқиқотчилари туркий тил, мўғулча қиёфа ва кўчманчи турмуш тарзи минтақадаги алоҳида бир халқнинг этник белгиси ҳисобланса, аксинча форсий тил, европача қиёфа ва ўтроқ турмуш тарзи бу бошқа бир халқнинг белгиси, деб билишган [7. Б. 103].

Россия империяси даври тадқиқотчилари томонидан юқоридаги белгилар асосида минтақа аҳолисининг этнографик номенклатурасини яратиш мақсадида кўплаб материаллар йиғилган бўлишига қарамай, бу даврда аҳолини миллий жиҳатдан таснифлаш тартиби расман қабул қилинмаган эди. Жумладан, 1897 йилги аҳоли рўйхатида (ўша пайтда тилга миллийлик белгиси сифатида қаралар эди) давлат ҳали миллийликни категория сифатида тан олишни ҳал этилмаганлиги боис ундан чекинган эди [8. Б. 58]. Гарчи, мустамлака даврида ўлка аҳолиси этник жиҳатдан тўлиқ таснифланмаган бўлсада, бу давр тадқиқотчиларининг этник мансублик ҳақидаги баҳслари жадиждарнинг "миллийлик" борасидаги қарашларига чуқур таъсир этиб улгурган эди. Дунёни тили ва умумий келиб чиқиши жиҳатидан бирлашган алоҳида миллатлардан иборат эканлиги ҳақидаги гоё ўлка зиёлилари учун мутлақо янги, аммо жуда қизиқарли эди. Айни пайтда, бу гоё жадиждарнинг миллий тараққиёт билан боғлиқ қарашларига мос келар эди.

Жадиждарнинг миллат ҳақидаги қарашлари Ўрта Осиёда ўрта асрларда шаклланган анъанавий қадриятларидан келиб чиққан бўлиб, уларнинг миллий лойиҳаларидаянги, замонавий (капиталистик) тараққиёт учун хос бўлган қадриятлар ҳам муҳим ўрин тутар эди. Ушбу қадриятлардан бири



оммавий таълимни ёйиш бўлса, кейингиси даврий матбуотни йўлга қўйи-лиши эди, десак муболаға бўлмайди. Миллат назарияси билан шугулланган баъзи ғарблик тадқиқотчилар миллий ўзликни шаклланишида оммавий таълим ва босма матбуотнинг ўрнини юқори баҳолайди [9. Б. 81].

Жадидларнинг оммавий таълимни жорий этиш ва миллий матбуотни шакллантириш борасидаги ҳатти ҳаракатлари ўз навбатида халқнинг она тилисини илмий-адабий тил сифатида юксалтиришни тақозо этади. Ушбу ҳолат Туркистон жадидларининг ўз она тилисига, яъни эски чигатой лаҳ-жаси ёки янги ўзбек тилига нисбатан эътибор ва ҳурматини оширди. Ваҳоланки, эски мактабларда таълим асосан форс ва араб тилларидаги матнлар асосида берилган бўлиб, табиийки кўпчилик болалар уларнинг мазмунини тушунмас эди. Айрим жадид намояндалари бу ҳолатга танқидий ёндашган ҳолда, она тилида дарсликлар чоп эта бошладилар. Бу эса Марказий Осиё туркий тилининг замонавий адабий шаклини яратиш за-руратини туғдирди. Абдурауф Фитрат бошчилигидаги жадидларнинг диқ-қат марказида чигатой адабиёти асосида миллий адабиётни шаклланти-риш ҳам турарди [10. Б. 232].

Жадидларнинг миллат борасидаги ҳаракатлари фаол сиёсий тус олар экан, кун тартибида: ҳар қайси халқ ўз тили билан фахрланиши лозим, деган мутлақо янги гоя турар эди. Ваҳоланки, Адиб Халид ёзганидек, "тил Ўрта Осиёда ҳеч қачон идентиклик маркери бўлмаган ва олдинги авлодга инсон ўзининг она тилидан фахрланиши кераклиги тушинарсиз ҳолат эди." [1. Б. 212]. Туркистон жадидларидан бири бўлган Хожи Муин мил-лий тил масаласида шундай ёзган эди: "Ҳозирда бизлар учун энг муҳим масалалардан бири, шубҳасиз, тил масаласидир. Биз Туркистон турклари она тилимиз бўлгон туркий тил билан бирга яшарга ва туркий тилимизни ўз ҳаётимиз ва ўз ҳуқуқимиз билан баробар муҳофаза этарга тевиш-миз." [11].

XX аср бошларидан жадидларнинг кенг кўламдаги маърифатчилик фа-олияти, хусусан, газета, журнал ва театр орқали тарғиб этилган миллат ҳақидаги гоялари билан аҳолининг саводли қисми мунтазам танишиб борган ва халқ оммаси орасида ҳам миллат ҳақидаги (янгича) тушунчалар шакл-лана борган.

Туркий тилда дарсликлар ва айниқса, вақтли матбуотнинг чоп этилиши Туркистонда унинг барча учун қулай ва тушунарли бўлган адабий шаклини яратиш заруратини туғдирди. Жонли халқ тили адабий тил бўла олмайди. Туркистондаги шева-лар хилма хил бўлиб, уларга форсий ва арабий тиллари турли даражада таъсир этган эди. Масалан, Фарғона водийси, Самарқанд ва Бухоро шеваларига форсий ва арабий тилнинг таъсири кучлироқ бўлган [12. Б. 184]. Миллий адабий тил ҳақида баҳслар бошланган дастлабки давр-ларданоқ жадидлар ҳозирги туркий (яъни ўзбек) тилининг илдизи Навоий давридаги чигатой тилига бориб тақалади, фақат унинг ҳозирги шаклига араб ва форс тилларидаги сўзлар кўпроқ кириб келган, деган фикрда



бўлишган. Шунинг учун, туркий тилни ривожлантириш ва туркий адабий тилни яратишни энг аввало уни имкон қадар форсча ва арабча сўзлардан тозалашдан бошлаш тарафдорлари ҳам кўпчиликни ташкил этган. Шу тариқа тил асосидаги романтик "миллатчилик" кўзга ташлана бошлайди. Бундай ҳолат, айниқса, ўша даврда Туркия ва Россиянинг Кавказ, Қрим каби ўлкаларида кенг тарқалган туркчилик (пантуркизм) ғояси билан яхши таниш жаҳидлар томонидан илгари сурилган эди. Бундан ташқари, татар зиёлиларининг руслардан ўрганган романтик миллатчиликни ўзларининг ўртаосиёлик ҳамкасблари ўртасида ёйишга уринишлари ҳам таъсир қилган бўлиши табиий. Бу миллатчилик ҳаракати ўз-ўзини танитиш учун фақат битта она тили бўлмоғи лозимлигини мезон сифатида танлаб олган эди. Туркий ва форсий тилларининг қоришмаси кенг кўламда қўлланиладиган Ўрта Осиёда эса бу ғояга турлича қаралган [13. Б. 37].

Жаҳидларнинг миллат ҳақидаги қарашлари этник маъно касб эта бошлар экан, улар Туркистон аҳолисининг номланиши масаласида ҳам ўз муносабатларини билдиришган. Жаҳидлар орасида аввалгидай Туркистоннинг барча туб аҳолисини "Туркистон мусулмонлари", "туркистонликлар" тарзида Марказий Осиё ислом цивилизациясига таалуқли умумий бирлик деб қараш билан бир қаторда, уларни тили ёки бошқа белгиларига қараб – ўзбеклар, тожиклар, турклар, араблар ва шу каби алоҳида гуруҳларга ҳам ажратилган. Бу даврда мустамлака ҳукумат вакиллари ва рус тадқиқотчиларининг асарларида аҳолининг маълум қатламига нисбатан кенг қўлланиб келинаётган "сарт" атамасини жаҳидлар эндоэтноним (халқнинг ўз-ўзига берган номи) деб тан олмасдан рад этишган. Шубҳасиз, бу ҳолат ўз даврининг реал сиёсий воқелиги билан боғлиқ идентикликнинг кўриниши эди. Туркистон жаҳидларининг етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай ёзади: Бас, туронийларнинг ўзига махсус ва машҳур уруғлари бўлуб туруб, мажҳул бир уруғ исминини (яъни, "сарт" номини – Х.И.) ўзларига тоқмасликлари табиийдур, албатта" [12. Б. 198] Бизнингча, сарт атамасининг маҳаллий халқ томонидан этник ном сифатида қабул қилинмаслигининг бир нечта сабаблари бор эди. Улардан энг асосийлари, биринчидан, бу даврда сарт атамасикўчманчи аҳоли томонидан ўтроқ аҳолига нисбатан камситувчи маънода қўлланилганлиги бўлса, иккинчидан, сарт атамасининг жаҳидлар илгари сураётган "туркийлик" ғояси билан унчалик алоқадор эмаслигидадир, десак муболаға бўлмайди. Шундай қилиб, жаҳидларнинг қаттиқ қаршилиги билан сарт атамаси охир-оқибат истеъмолдан деярли чиқариб юборилди, унинг ўрнига ўзбек атамаси ишлатила бошланди. Бу ўринда Абдулла Қодирийнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: ",биз ўзбеклар кимлар томонидан бўлса бўлсун исмимизга қайси мақсад биландир тақилган "сарт" сўзига қарши курашдик ва натижада ҳақиқатпараст татар қариндошлар, ҳатто ўрус ўтроқлар бизнинг даъвомизнинг тўғрилигига имон келтуруб, ўз матбуотларида бўлсун ва хусусий муомалаларида бўлсун "сарт" сўзи ўрнига "ўзбек" деб юрита бошладилар" [14. Б. 58].



Юқоридагилардан англаш мумкинки, жаидлар Туркистондаги ўтроқ туркий аҳолига нисбатан "ўзбек" атамасини қўллай бошлаган ҳамда ўтроқ туркий маданиятни ўзбеклар этномаданий ўзлигининг асоси деб билишган.

Чорвадор ўзбеклар нафақат ўтроқ аҳоли маданиятини ўзлаштирганлиги, шунингдек, уни ўз этник маданияти билан янада бойитганлигини таъкидлаш лозим. Чорвадор ўзбек уруғлари орасида изчил давом этаётган ўтроқлашиш жараёни, Россия империяси тадқиқотчиларида ҳам яқин келажакда улар минтақанинг ўтроқ туркий аҳолиси таркибига аралашиб кетишига шубҳа қолдирмаган эди [15. Б. 431]. Шунга қарамай, қипчоқ, қурама, турк, қўнғирот, қарлуқ, қатагон каби ва бошқа уруғларда ўзликни англаш XX асрнинг ўрталарига қадар ҳам сақланиб қолган.

XX аср бошларида минтақанинг ўтроқ туркий аҳолиси ҳам ўзларини Туркистон ўзбеклари деб аташга кўникиб қолганлигини жаидлар мисолида кўриб ўтган эдик. Таъкидлаш жозики, бу даврда ўзбек атамасининг нафақат қамров доираси кенгайган балки, у янгича мазмун ҳам касб эта бошлаган эди. Бу ҳолат, бизнингча, минтақа аҳолиси учун характерли бўлган: ном (исм, этноним), рамзлар ва қадриятлар тизимининг ўзаро уйғунлиги масаласи билан боғлиқ. Эдвард Олворт, жумладан, ўзбек атамасининг кўплаб турк-мўғул қабилаларини умумлаштирувчи ном сифатида шаклланишида ном (этноним), рамзлар ва қадриятлар тизими муҳим ўрин тутишини ёзиб ўтган эди [16. P.vii-x].

Хулоса қилиб айтганда, ўзбекларнинг миллий бирлиги ва этномаданий ўзлигининг шаклланиши бир мунча олдин бошланган табиий жараён ҳисобланиб, XX аср бошларига қадар тугалланмаган эди. Айни пайтда ўзбеклар этномаданий идентиклиги асосини маълум маънода минтақада шакланган ислом цивилизациясига содиқлик ҳамда ўтроқ туркий маданиятга мансублик ҳисси ташкил этар эди. Бу даврда жаидларнинг миллат ҳақидаги қарашларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди: дастлаб диний мазмунда кенг қамровга эга бўлган бўлса, кейинчалик этник-маданий мазмун касб этган ҳолда ўзбек миллати билан чегараланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Khalid A. (1999). The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Comparative Studies on Muslim Societies. University of California Press; First edition. Berkeley o Los Angeles o Oxford. - 400 p.
2. Khalid A. (2015). Making Uzbekistan. Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. Cornell University Press. Reprint edition. - 444 p.
3. Ingeborg Baldauf. (2015). Some thoughts on the making of the Uzbek nation. Cahiers du monde russet sovietique. Vol. 32. N°1. En Asie Centrale sovietique Ethnies, nations, Etats. - 79-95 pp.
4. Алимова Д.А. История как история история как наука. Феномен джаидизма. 2-часть. Ташкент. Узбекистан, 2009. - 184 с.
5. Андерсон Бенедикт. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма / Пер. с англ. В. Николаева;



- вступ.ст. С. П. Баньковской. – М.: Кучково поле, 2016. – 416 б.
6. Фитрат А. Танланган асарлар (Илмий рисоалар). Нажот йўли. 5-жилд. Тошкент.Маънавият,2010. – 304 б.
 7. Абашин С. Национализм в Средней Азии: в поисках идентичности. СПб.:Алетейя, 2007. – 312 с.
 8. Ферганская долина: этничность, этнические процессы, этнические конфликты.Отв. ред. С. Н. Абашин, В. И. Бушков; Ин-т этнологии и антропологии им. Н. Н. Миклухо-Маклая. – М.: Наука, 2004. – 224 с.
 9. ГеллнерЭ. Нации и национализм. (перевод с английского Т.В. Берди-ковой, М.К. Тюнькиной). – М.: Прогресс, 1991. – 320 с.
 - 10.Фитрат А. Танланган асарлар. III жилд. Драмалар, публицистик мақолалар. (Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев.). Тошкент. Маънавият, 2003. – 256 б.
 - 11.Ҳожи Муин. Тил масаласи / "Меҳнаткашлар товуши" газетаси, 1918 йил, 20 август.
 - 12.Беҳбудий М. Танланган асарлар. (Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри). Тошкент.Маънавият,1999.- 280 б.
 - 13.Ингеборд Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Тошкент. Маънавият, 2001. – 72б.
 - 14.Абдулла Қодирий. Ҳақиқат очиб сўзлашдадир / "Қизил байроқ". 1922 йил, 16 июн, 185-сон, 2-бет.
 - 15.Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. Издание Отделения этнографии ИРГО. Год 6-й. Вып. 3-4. –СПб.: 1896. – 277-456 сс.
 - 16.Edward Allworth. (1990). The Modern Uzbeks: from the fourteenth Century to the present. A Cultural history. Hoover Institution Press. Stanford University, Stanford, California.- 424 p.



O'ZBEKISTON AHO LISI IJTIMOY HAYOTIGA SOVET MOLIVAVIY TIZIMINING TA'SIRI (1925-1940 YILLARDA)

Раъно ТЎХТАЕВА,
Қарши давлат университети

Калит сўзлар: Ўзбекистон, ислохот, молия, пул, заём, колхоз, деҳқон, чоракор, косиблар, ҳунармандлар, майда савдогарлар.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ўз ўрнида аҳоли ижтимоий ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Бу аввало аҳоли ижтимоий таркибидаги ўзгаришларда намоён бўлди. Айниқса ишчилар ва деҳқонларни давлатнинг асосий устунига айлантириш тадбирларида ушбу жараён яққол намоён бўлди.

1925 йил 13 февралда Бухорода ЎзССР Советларининг I съезди очилди ва шу йил 17 февралда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Унинг таркибига Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари ҳамда Тожикистон Автоном ССР кирди.

Ўзбекистон ССР ташкил топганда унинг аҳолиси 3963,3 минг киши бўлиб, унинг ҳудудидида 185 таси саноат корхонаси, 981 та бошланғич ва ўрта мактаб, 23 та техникум, 8 та касб-ҳунар мактаби, 8 та фабрика- завод билим юрти, 59 та шифохона, 77 та амбулатория ва бошқалар ишлаб турди¹.

Ўзбекистон ССР Советлари МИҚнинг 1925 йил 2 декабрдаги фавқулодда сессиясида "Ер ва сувни миллийлаштириш тўғрисида"ги ва "Ер-сув ислоҳоти тўғрисидаги" қонунлар қабул қилинди². Унга кўра, белгиланган нормадан ортиқ суғориладиган ерлари бўлган мулк эгаларининг ерлари қаерда яшашидан қатъи назар жонли ва жонсиз деҳқончилик асбоблари билан мусодара қилинди³. Мусодара қилинган ерлар, жонли ва жонсиз деҳқончилик асбоблари билан бирга давлат ер фондига ўтказилди. Ўзбекистон ССРда ер-сув ислоҳоти ўтказилиши натижасида 4801 хўжалик тугатилди, 23036 хўжаликнинг ортиқча ерлари тортиб олинди, ер жамғармасига 474393 десятина ер қўшилди, 89729 хўжаликка ер берилди⁴.

Ер-сув ислоҳоти натижасида Ўзбекистон қишлоқларидаги ижтимоий гуруҳлар дифференциацияси ва мулкий табақаланишида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ислохот арафасида қишлоқдаги камбағаллар Ўзбекистондаги барча деҳқонларнинг 76 фоизни ташкил этган бўлса, 1928 йилга келиб 43 фоизга қисқарди⁵.

¹ Турсунов Х.Т., Образование УзССР.- Т.: Изд-во АН УзССР. 1957.-С.163-166.

² Ўзбекистон Ижтимоий Шўро Жумҳуриятининг амалдаги қонунларининг мунтазам йиғиндиси. II, III, IV-қисмлар. - Самарқанд - Т.: 1930. -Б.199-204.

³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000. - Б.330.



1926 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш ишларига кўра, Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси 4.170.500 кишини ташкил этди. Бу бутун аҳолининг 79 фоизини ташкил қилди⁶. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигининг асосини асосан якка деҳқон хўжаликлари ташкил этган. 1928 йилда улар барча деҳқон хўжалиklarининг 98,8 фоизини ташкил этиб, улар республикада етиштирилган пахта хомашёсининг 98,7 фоизини тайёрлаб берди⁷.

Бу даврда ҳам чоракорлар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Улар бутун қишлоқ хўжалик мавсуми давомида ерга боғланган бўлиб, агар келишувни муддатидан олдин бузадиган бўлса, у меҳнатига оладиган ҳақдан маҳрум бўлган. Шунингдек, яхши ҳосил бўлмаган ҳолларда ҳам жуда кам улуш олган. 1926–1927 хўжалик йилида мавсумий мардикор 255 сўм 21 тийин, кунлик мардикор 279 сўм 87 тийин, чоракор 197 сўм 51 тийин, ерсиз чоракор 210 сўм 29 тийин ҳақ олган⁸.

Ўзбекистон ССРда совет ҳокимияти томонидан қатъий маъмурий чораларни қўллаш йўли билан хусусий сармоянинг ҳиссасини камайтиришга ҳаракат қилинди. 1926 йилда Ўзбекистонда ценз саноати корхоналарининг 96,7 фоизи давлатга қарашли, 3 фоизи кооператив мулк ва фақатгина 0,3 фоизи хусусий мулк ҳисобланган⁹.

Бу даврда шаҳар аҳолиси таркибида янги ижтимоий табақа шакллана бошлади. НЭП даврида баъзи хусусий мулк эгалари фаолиятига руҳсат берилди. 1926 йилга келиб, 1923 йилга нисбатан меҳнатга яроқли шаҳар аҳолиси таркибида уларнинг сони икки маротабага ортди¹⁰. Совет ҳукумати учун бу турдаги ижтимоий тузилмада йўқ қилиниши лозим бўлган ёт унсур деб қаралган. Шу тариқа Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг ижтимоий тузилмаси таркибида 20–йиллар ўрталарига келиб, ўрта ва майда мулкдорлар муҳим ўрин тутди. Косиблар, ҳунармандлар, майда савдогарлар, шаҳарларда яшовчи деҳқонлар, извошлар, сартарошлар ва бошқалар ушбу табақа таркибига кирди. Бу табақа вакиллари ёлланма ишчи кучидан фойдаланмаганлар. Улар якка тартибда ёки оила аъзолари билан биргаликда фаолият олиб борди. 1926 йилда улар сони 195,5 минг нафарга етиб, меҳнатга яроқли шаҳар аҳолиси таркибида уларнинг ҳиссаси 5 фоизга ортиб, 51 фоизни ташкил этди¹¹.

Майда буржуазияси таркибида ҳунармандлар ва косиблар энг кўп сонли ижтимоий қатламни ташкил этди. 1926 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига кўра, Республикада меҳнатга аҳоли таркибида косибчилик ва ҳунармандчилик ишлари билан 100,3 минг нафар киши банд бўлди.

Ўзбекистон аҳолиси таркибида савдо билан шуғулланувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этди. 1926 йилда хусусий савдо билан 29 минг нафар киши шуғулланган¹². 1927 йил баҳоридан бошлаб совет давлатида хусусий савдонини чеклаш тадбирлари олиб борилди. 1927 йил октябрга келиб, хусусий

⁴ Ўзбекистон ССР тарихи. –Т.3. – Т.:Фан, 1971. – Б.465.

⁵ Изменение классовой структуры общества в Узбекистане за годы: Советской власти (1917–1980 гг.). – Т.: Фан, 1984. – С.130.

⁶ Всесоюзная перепись населения 1926 г. – С. 2.

⁷ Хлопководство Узбекистана за 50 лет. Справочник. – Ташкент, 1967. – С. 28.

⁸ Джамадов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане – Т.: Госиздат УзССР, 1950. – С. 35.

⁹ Ходжаев Ф. Избранные труды Том III. – Ташкент.:Фан, 1973. – С. 242.

¹⁰ Классовый и профессиональный состав городского населения ТССР в 1923 г.; Всесоюзная перепись населения 1926 г. Том XXXII. Узбекская ССР. Занятия. – Москва, 1929. – С. 22.



савдо муассасалари сони уч мартага камайди¹³.

Ўзбекистонда бу даврда ишлаб чиқаришда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга кучли аҳамият қаратилиб, хўжаликларнинг ихтисослаштирилиши ўз ўрнида ижтимоий соҳани йўлга қўйишга ва аҳоли моддий таъминотининг яхшиланишига бир оз бўлса-да, ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, 1924-1925 йилларда бир ишчига йилига ишлаб чиқариш 1673 рублни ташкил қилган бўлса, 1925-1926 йиллари 1884 рубль тўғри келди. Шунга мувофиқ ишчиларнинг ойлик маошларида ҳам ўсиш бўлди. 1925-1926 йиллари вақтбай маошлар урушдан олдингига нисбатан 128,4 фоизга ортди. Ялпи ички маҳсулотда ҳам ўсиш кузатилади. Масалан, 1923 йили ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 4 млрд. рублдан 1925 йил 7,7 млрд рублга ортди¹⁴. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўз ўрнида пул муомаласи учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1929 йили халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатган ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлиги 103,3 рублни ташкил этган бўлса, 1933 йили бу 173,6 рублни ташкил этди¹⁵. Бу ижобий ўзгаришлар қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳарликларнинг моддий таъминотини бир оз яхшилаган бўлса-да, аммо уларнинг аҳволи оғирлигича қолди.

Оддий деҳқонларни пул ислоҳоти жараёнларига тортиш учун 1924-1925 йилларда совет ҳукумати 5 фоизли ютуқли заёмларни чиқарди. Ўйиннинг биринчи якуналари 1924 йил 1 ноябрга мўлжалланиб, ютуқлар сони 177.200 та бўлди¹⁶. Аммо совет ҳужжатларида деҳқонлар учун чиқарилган заёмлар сотилмай қолиб кетаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади. Москвадан 1924 йил сентябрда радио орқали чиқиш қилган совет ҳокимияти раҳбарларидан бири М.И. Калинин деҳқонлар учун чиқарилган заёмларнинг реализация қилинмаётганлиги мамлакат хўжалигига, хусусан, пул ислоҳотларига салбий таъсир кўрсатишини баралла таъкидлайди. Совет органларига қандай бўлмасин, ушбу заёмларни ўтказиш вазифаси топширилди. Шу тариқа совет давлати пул ислоҳотларининг муваффақиятини таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида заёмларга жиддий эътибор қаратди¹⁷.

Ўз ўрнида аҳоли моддий таъминотининг яхшиланиши савдо-сотиқнинг ривожланишига туртки бўлди. 1924-1925 йилларда Ўзбекистонда аҳоли билан чакана савдо соҳасидаги товар айланиш 18,1 млн. рублни ташкил этган бўлса, 1927-1928 йили бу 50,6 млн. рубль бўлди. Айниқса, бу даврда қишлоқларда товар айланиш ҳажми ортиб, бу 3,8 бараварга кўпайди. Шу йилларга тааллуқли равишда аҳоли жон бошига товар айланиш 4 рублдан 18 рублга кўпайди¹⁸.

Аҳоли даромадларининг ортиши, савдонинг ривожланишига кенг йўл очди. Масалан, Ўзбекистонда 1925-1926 йили аҳоли жон бошига 27,1 метр пахта матоси тўғри келган бўлса, 1927-1928 йили бу 37,6 метрни ташкил этди. Бошқа республикаларда товар келтириш кўрсаткичи ортиб борди.

¹¹ Қаранг: Всесоюзная перепись населения 1926 г. Т., 1927. - С. 2.

¹² Всесоюзная перепись населения 1926 г. - С. 2.

¹³ Обзор советского, хозяйственного и социально-культурного строительства Ташкентского округа. - Ташкент, 1929. - С.112.

¹⁴ Денежное обращение и кредит СССР.- М.: Госфиниздат, 1957.- С. 57.

¹⁵ Узбекистан за XV лет Статсборник.- Ташкент, 1939. - С. 71.

¹⁶ Ўз МА, Р-37-фонд, 1-рўйхат, 1623а-иш, 171-172-варақлар.



Масалан, 1924-1925 йиллари четдан республикага 11,7 млн. рублик товар киритилган бўлса, 1927-1929 йиллари 24,2 млн. товар келтирилди¹⁹. Биргина Қашқадарё округида 1926-1927 йили 8230 минг рублик товар реализация қилиниб, шундан 1395 минг рубли нон маҳсулотлари, 875 минг рубль шакар, 950 минг рубли чой учун сарфланди²⁰. Пул жўнатмалари ва аҳолининг пул жамғармалари ҳам ортиб борди.

Аҳолига савдо соҳасида хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 1927 йил декабрда "Сотувчилар комитети" ташкил этилди. Улар нарх-наво, маҳсулот сифати, чайқовчилик, тарози устидан назорат олиб борди.

Аҳолининг халқ истеъмоли товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабининг ортиши 1928 йилдан энг зарур маҳсулотлар тақсимоти учун карточка тизими жорий этилди. Карточка тизими аввало саноат ривожланган шаҳар аҳолисига нисбатан жорий этилди. 1932 йил аҳолига карточка тизими йўли билан 220 минг тонна нон тарқатилди²¹.

Бундан ташқари 1930 йилдан ёпиқ ҳолдаги кооператив магазинлар ташкил этилди. Бунинг маъноси шу эдики, бир дўкон фақат бир неча корхона ишчи ва ходимларига хизмат кўрсатди²².

1929-1934 йилларда таъминотнинг карточка тизими ишчи ва хизматчиларга маҳсулотларнинг аниқ нархларига кафолат берса-да, аммо эркин бозорда рубль қадрининг тушишини тўхтата олмади. Бу даврда озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг нархи кўтарилган бўлса, коммерческий²³ савдода нархларнинг тушиши кузатилади²⁴.

XX асрнинг 30-йиллари якка тартибдаги деҳқонлар совет давлатининг ижтимоий тузилмаси таркибидан турли чора-тадбирлар уюштириш йўли билан сиқиб чиқарилди. Якка тартибдаги хўжаликлар қишлоқ хўжалиги солигидан ташқари яна маҳаллий эҳтиёжлар учун солиқ, хўжалик ва маданий қурилишлар солиги каби йигин турларини ҳам тўлади. 1932 ва 1934 йилларда "якка хўжаликлардан бир маргалик солиқ" олинган. Солиқлар ва тўловларни ундиришда "синфий ёндашув"га амал қилинди. Катта миқдорда пул маблағи тўлаши керак бўлган хўжаликлар солиқни ҳаммадан аввал ва бирданига тўлашлари шарт бўлган. Бу каби тадбирлар ўзбек қишлоғининг анъанавий тузилмасини буткул вайрон бўлишига хизмат қилди. Ўзбекистонда 1937 йилда 96,9 фоиз деҳқон хўжаликлари колхозларга бирлаштирилди²⁵. 1939 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга кўра, колхозчилар бутун республика аҳолисининг 62,6 фоизини, якка тартибдаги хўжалик юритувчи деҳқонлар эса бор-йўғи 1,2 фоизни ташкил этди²⁶.

1929-1930 хўжалик йилида халқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида пул маблағларининг етишмаслиги оқибатида аҳвол анча оғирлашди. Итти-

¹⁷ Ўз МА, Р-37-фонд, 1-рўйхат, 1623а-иш, 1342-варақнинггорқабети.

¹⁸ Сафаров З. Развитие торговли в Узбекистане. -Т.: Узбекистан, 1980. - С. 63.

¹⁹ Народное хозяйства Средней Азии в цифрах. -Т.: 1929. - С. 64.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президент девони Қашқадарё вилояти филиали, 1-фонд, 2-рўйхат, 78-иш, 20-26-варақлар.

²¹ Отчеты правительства Уз ССР V Все узбекскому Съезду Советов. (1931-1934).- Изд. СНК Уз ССР. Ташкент, 1935. -С. 35.

²² Сафаров З. Кўрсатган асар. 73-74 бетлар.

²³ Коммерческий-карточка тизими жорий қил. даврда молларни карточ. юқори нарх сотиш.

²⁴ Айзенберг И.П. Развитие валютной система Советского Союза. Автореф. дисс... докт. экон.наук. - М., 1960.- С.25.



фоқ нон бозоридаги танқислик ўз ўрнида Ўрта Осиё нон бозорига ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг апрелида нон нархи тез кўтарилди. Аҳолига гўшт ва мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришда ҳам қийинчиликлар келиб чиқди²⁷.

Масалан, 1935 йил декабрда йил якунларига бағишланган анжуманда Ўзбекистон Ер ишлари комиссари Рустам Исломов маъруза қилиб, у ўз нутқида Бухоро тумани "Куйбишев" номли колхоз аъзоларидан бирининг йиллик даромади тақсимооти ҳақида маълумот бериб ўтди. Унда таъкидланишича, колхознинг аъзоси шу йили оиласи учун уй қуриб, 260 рублга тикув машинаси, 300 рублга патефон, 250 рублга кроват, 500 рублга 2 та гилам, бундан ташқари оила аъзоларига янги кийим-бошлар харид қилиб, Самарқандга саёҳат учун 400 рубль ажратилди²⁸.

Ўзбекистон бўйича 1939 йил чакана савдо 530 млн. рубль бўлган. Умумий овқатланиш 1940 йили 1937 йилга нисбатан 2,4 мартага кўпайган²⁹.

Аммо уруш арафасида чакана савдо кўрсаткичи пасайиши кўзга ташланди. 1939 йили чакана савдо режаси 81,7 фоизга бажарилди. Бу Хоразмда 74 фоиз, Фарғонада 75 фоиз бўлди. Айниқса қишлоқ жойларда аҳвол оғир бўлиб, гўшт, товуқ, шакар, кондитер маҳсулотлари, чой ва шу каби товарлар савдоси қисқарди³⁰.

Пул муомаласида майда чақа тангаларнинг етишмовчилиги тез-тез юз бериб турди. 1936 йили 13 майда ЎзССР Молия халқ комиссарлигининг "Савдо ташкилотларини майда чақа пуллар билан таъминлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Ушбу комиссарлик вакиллари республикадаги 133 та ташкилотларни текшириш натижасида майда чақалар етишмаслиги бўйича 55 та ҳолат, 67 ҳолатда майда пуллар етишмаслиги сабабли харидорларга қайтариладиган қайтимлар берилмаганлиги ёки қайтим чақа пуллар ўрнига гугурт, ип кабилар берилганлиги аниқланади³¹.

Хуллас, Туркистон, Бухоро ва Хоразмда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида молия ва пул сиёсатидаги тўғри йўлга қўйилмаган тадбирлари, шунингдек, аҳоли манфаатларининг ҳисобга олинмаслиги аҳоли турмуш шароитининг ёмонлашувида муҳим омил бўлди.

Резюме

Ушбу мақолада 1925–1940 йилларда Ўзбекистон аҳолиси ижтимоий ҳаётига совет молиявий тизимининг таъсири тарихий, илмий адабиётлар ҳамда архив материаллари ёрдамида очиб берилган.

Summary

This article, using historical, scientific literature and archival materials, reveals the influence of the Soviet financial system on the social life of the population of Uzbekistan in 1925–1940.

²⁵ Правда Востока, 4 ноября 1937 г.

²⁶ Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 г. Узбекская ССР. – Москва, 1962. – С. 43.

²⁷ Ўз МА, Р-1680-фонд, 4-рўйхат, 26-иш, 83-варақ.

²⁸ Правда Востока, 17 ноябрь 1935 г.

²⁹ Сафаров З. Кўрсатган асар. – С. 95–97.

³⁰ Ўз МА, Р-1619-фонд, 9-рўйхат, 177-иш, 40–44-варақлар.

³¹ Ўз МА, Р-96-фонд, 11-рўйхат, 6-иш, 146-варақ



XIX ASR OXIRI - XX ASR BOSHLARIDA TURKISTON AHOLISI MILLY TARKIBINING QISQACHA TAHLILI

Г.НОРМУРОВА, Ю. ХОЛХҲЖАЕВА,
Самарқанд давлат университети.

Калит сўзлар: мустамлака давр, Туркистон, туб вилоятлар, аҳоли миллий таркиби, кўчириш сиёсати, сунъий кўпмиллатлилик.

Марказий Осиё турли тарихий тараққиёт босқичларида Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларида кўприк вазифасини ўтаган ва ушбу минтақа халқларининг умумбашарий алоқаларида ўзига хос ўринни эгаллайди. Айниқса, қулай географик ҳудудда жойлашган ва серҳосил табиий иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистон турли даврларда бошқа минтақалардан кўчиб келганларнинг эътиборини ўзига тортган. Бунинг натижаси ўлароқ, узоқ давом этган тарихий жараёнлар давомида Ўзбекистон аҳолисининг хилма-хил этник таркиби шаклланди. Шу ўринда, XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон аҳолисининг миллий таркиби ва кўпмиллатлилик моҳияти масалаларини тадқиқ этиш Ўзбекистоннинг мустамлака давр тарихини маълум илмий маълумотлар билан тўлдиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

1867 йил Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгандан сўнг, ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзгаришлар рўй бер берди. Бу борада айниқса, ўлканинг демографик манзараси хилма-хил жараёнларни бошидан кечирди. Хусусан, аҳоли динамикаси, миллий, диний ва ижтимоий таркибида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Шу ўринда, бу масаланинг тарихшунослик ва манбашунослик жиҳатлари бўйича айрим таҳлилларни келтириш жоиздир. Бу борада, 1897 йилги Туркистон аҳолисини рўйхатга олиш тадбири натижаларидан аввал, империя босқини арафасида рус ва хориж муаллифлари тўплаган маълумотлар ҳам ўзининг хусусияти, кенг тавсифлиги билан ажралиб туради.

Марказий Осиё халқларини таснифлаш, уларнинг тили, урф-одатлари ва жойлашган ҳудудига оид тавсифлашлар масалан, Россияда XVIII аср ўрталарига келиб жонланган эди. Шундай таснифлаш Оренбург комиссиясининг аъзоси П.И.Ричков томонидан тақдим этилган бўлиб, у Ўрта Осиё халқларини қуйидаги: 1) туркманлар; 2) хиваликлар; 3) ороликлар (орол ўзбеклари); 4) қорақалпоқлар; 5) қирғиз-қайсақлар (қирғизлар); 6) туркистонликлар; 7) тошкентликлар; 8) жунғорлар (ёки қалмиқлар) бўлган. Ушбу тавсифлашдан кўринадики, рўйхатда Россия империяси бевосита қўшни бўлган "халқлар" "қабилалар" сифатида, бошқалар эса, мамлакат ёки ҳудуд номи билан тилга олинади. Тавсифлашнинг бундай йўли нафақат, Марказий Осиё аҳолиси тўғрисидаги билимларнинг тор даражада эканлиги, балки



"бирликлар" таърифи тўғрисида ҳам яққол тушунчанинг мавжуд эмаслиги кўрсатади¹.

1820–1821 йилларда Бухоро амирлигида бўлган рус элчиси Е.К.Мейендорф, амирлик аҳолиси ўзбеклар, тожиклар, яҳудийлар, татарлар, афгонлар, қалмиқлар, ҳиндлар, форслардан иборат тарзда қайд этади². 1841–1842 йилларда Зарафшон водийсини ўрганган Н.В.Хаников ҳам ўз қайдларида, амирлик аҳолиси асосан жами 28 та уруғга мансуб бўлган ўзбеклар, тожиклар, араблар, эронийлар, яҳудийлар, лўлилар, қирғиз ва қорақалпоқлардан иборат эканлигини таъкидлайди³. Бухоро амирлигида бўлган А.Вамбери ҳам, ўз кундаликларида амирлик аҳолисини ўзбек, тожик, қирғиз, араб, марвлик, эроний, ҳинд ва яҳудийлар ташкил этганлигини ёзади⁴. Юқорида келтирилган маълумотлар сон ва таркибий жиҳатдан статистикага асосланмаган бўлса-да, бироқ шу давр учун манбавий жиҳатдан катта аҳамиятга эга саналиб, оғзаки сўров натижалари асосида ўлка халқлари шу номларда юритилади.

Шу ўринда яна, мустамлака даврида рус маъмури В.П.Наливкиннинг Туркистон, хусусан Фарғона водийси мисолида аҳоли этник таркиби ва хўжалик турмуш тарзига оид маълумотлари эътиборга лойиқ саналади. У ўлканинг туб вилоятлари⁵ аҳолиси таркибига кирувчи халқларни қуйидаги гуруҳларга: ўтроқ сартлар, кўчманчи қирғизлар⁶ ва ярим кўчманчилар (Сирдарё вилояти, Тошкент уездидаги қурамалар, Самарқанд вилоятидаги ўзбеклар, Фарғона вилоятидаги қипчоқлар ва қорақалпоқлар), татарлар ва Бухоро яҳудийлари⁷ ажратади. "Сартлар" номи остида Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг шаҳар ва қишлоқларида яшаётган маҳаллий ўтроқ аҳоли назарда тутилади. Уларнинг яшаш жойлари турли бўлиши, илгари кўчманчи турмуш тарзини кечириб кейин ўтроқлашган туркийлар ва қадим даврлардан бери яшаб келган, туркий ва эроний тилларда сўзлашувчи ўзбек ва тожикларга бўлинади⁸.

Россия империяси босқини арафасида ўлка аҳолиси миллий таркиби таҳлилини унинг алоҳида вилоятлари мисолида ҳам кўздан кечириш мумкин. Хусусан, Зарафшон воҳасини аҳоли зич жойлашган ва кўп сонли Самарқанд вилояти мисолида қарайдиган бўлсак, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо–сотиқ ва чорвачилик билан шуғулланган аҳолининг асосини ўзбеклар, тожиклар ташкил этган. Шунингдек, худудда қозоқ, қирғиз, туркман, эроний, яҳудий, уйғур, лўли, ҳиндлар ва бошқалар ҳам истиқомат

¹ Центральная Азия в составе Российской империи. – СПб., 2008. – С.260–262.

² Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975. – С.95.

³ Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С.53–75.

⁴ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865. – С.168–169.

⁵ Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларини назарда тутди.

⁶ XVIII–XX аср бошлари рус расмий ҳужжатлари ва адабиётларида "қирғиз" номи "қирғиз-қайсақлар" (ҳоз. қозоқлар) ва "қора қирғизлар" (ҳоз. қирғизлар) га нисбатан қўлланилган.

⁷ Ўрта Осиё яҳудийлари ўзларини "исроэл" ёки "яҳудий" деб номлаганлар. Адабиётларда улар "бухоро", "ерли", "маҳаллий" яҳудийлар номлари билан тилга олинган. Ўрта Осиё Россия империяси таркибига киритилгач, бу ердаги яҳудийларни "маҳаллий" ва "европа" яҳудийларига ажратиш бошланган.

⁸ Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь.–Ташкент, 1913. – С.381–382.



қилган. 1868 йилда Зарафшон округининг фақат Самарқанд бўлимида (тоғли туманлардан ташқари) аҳоли 179.522 кишини ташкил этган. Бошқа миллий гуруҳлар билан ҳисобга ҳисобга олганда, XIX аср биринчи ярмида Самарқанд вилоятида 150 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилган, деб ҳисоблаш мумкин⁹.

Россия империясининг мустамлака сиёсати натижаси ўлароқ, Туркистон ўлкасида сунъий кўпмиллатлиликини шаклланишига туртки берди. Хусусан, босқичлар билан амалга оширилган кўчириш сиёсати, шунингдек, миграция ва бошқа омиллар ўлка аҳолиси миллий таркибида сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлди. Ўлка аҳолиси тўғрисида тўлиқ расмий маълумот тўплаш 1897 йилда амалга оширилган Биринчи аҳолини рўйхатга олиш тадбирларидан бошланди. 1897 йилги аҳолини умумий рўйхатга олиш маълумотлари Туркистон аҳолиси тўғрисида жуда кўплаб маълумотларни беради ва маълумотлар вилоятлар, уездлар, шаҳарлар кесимида таҳлил этилади. Хусусан, шу маълумотларга кўра, ўлкада яшовчи 5,3 млн. аҳолидан ўзбеклар 35,77%, қozoқлар ва қирғизлар 44,36%, тожиклар 6,73%, туркманлар 4,98%, руслар 3,75%, қорақалпоқлар 2,26% ва бошқа миллатлар 2,15% ни ташкил этган. Туркистонга четдан келиб истиқомат қилаётганлар орасида Волга бўйидан келганлар 9236 киши, Россиянинг Марказий Европа қисмидан келганлар 7385 киши, Уралдан келганлар 7360 киши, империя жанубидан келганлар эса 7068 нафар бўлган¹⁰.

Шу даврни ёритувчи архив ҳужжатларидан бирида, Туркистоннинг бугун аҳолиси ерли - туб халқлар ва европаликларига ажратилади¹¹. Ерли аҳоли ўз навбатида кўчманчи, ярим кўчманчи ва ўтроқ аҳолига бўлинади. Шу билан бирга, асосий ўтроқ аҳоли туркий ва эроний тилли ўзбек ва тожиклардан иборат тарзда бўлинади. Ўтроқ тожиклар ва ўзбеклар аралашмасидан ҳосил бўлган гуруҳлар "сарт" номида берилади. Кўчманчи ва ярим кўчманчилар асосан туркманлар, қирғиз-қайсоқлар (қирғизлар - Г.Н.) ва қорақалпоқлардан иборат кўрсатилиб, улар турк-мўғул ирқига киритилади¹².

1897 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари ўлканинг туб вилоятлари аҳолиси таркибига маълум даражада аниқликлар киритади. Жумладан, кўздан кечрилиётган даврда Сирдарё вилояти аҳолисининг миллий таркиби ҳам хилма-хил хусусияти билан ажралиб турган. Шу даврда умумий аҳоли 1.47398 кишини ташкил этган¹³. Маҳаллий аҳоли 96,3 % фоизни ташкил этиб, аҳолининг катта қисмини қирғизлар (64.40 %)дан иборат бўлиб, улар вилоятнинг чўл қисми ҳисобланган Перовск, Казалинск, қисман Чимкент уездлари ва Амударё бўлими аҳолисининг катта қисмини ташкил этган. Руслар, асосан шаҳарларда, шунингдек, Авлиёота, Чимкент ва Тошкент уезд-

⁹ Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси. - Т: "Yangi nashr", 2013. - Б 31-32.

¹⁰ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. - Т.: Университет, 2004. - С. 82-89.

¹¹ зР МА, И 27-фонд, 764-иш, варақлар 288 ва унинг орқаси.

¹² Первая Всеобщая перепись населения Российской империи. 1897 г. Сырь-дарьинская область. - СПб., 1905. -С. IV.

¹³ Первая Всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Сырь-дарьинская область. - СПб., 1905. -С.XII.



ларининг қишлоқларида истиқомат қилганлар. Сирдарё вилоятига рус деҳқонларининг кўчирилиши 1876 йилда бошланган. 1897 йилга келиб вилоятда 55 та рус посёлкалари мавжуд бўлган. "Сартлар"нинг асосан, Тошкент ва умуман, Тошкент уездига қарашли қишлоқларда истиқомат қилиши кўрсатилган. Тожиклар Тошкент уездининг тоғли ҳудудларида жойлашганлиги, қирғизлар Авлиёота уездининг тоғли қисмларида ҳамда ўзбеклар ва қорақалпоқлар Амударё бўлимида жойлашганлиги қайд этилади. Яҳудийлар, татарлар ва ҳиндларнинг шаҳарларда истиқомат қилганлиги ва Сирдарё вилояти аҳолисининг ярмидан кўпини кўчманчилар ташкил этган¹⁴.

Самарқанд вилоятида ҳам Россиянинг Европа қисми, Волгабўйи, Сибирь ва Кавказ ҳамда бошқа минтақадаги мигрантларнинг кўчириб келтирилиши билан аҳоли этник таркиби турлича бўлиб борган. Вилоятдаги туб халқларнинг умумий сони 1889 йили - 707.674 минг, 1897 йили - 840.077 минг, 1914 йилда - 904.960 минг киши бўлган. Кейинги ўринда украин ва белорусларни ўз ичига олган рус аҳолисининг умумий сони 1889 йили - 10.169 минг, 1897 йили - 14.006 минг, ва 1910 - 22.929 мингни ташкил этган¹⁵.

Кўчманчилар Самарқанд вилоятининг асосан, Хўжанд, Жиззах ва қисман Каттақўрғон уездида истиқомат қилганлар. Кўчманчиларнинг асосий қисмини қозоқлар ташкил этган бўлиб, вилоятда 1872 йилда улар бутун аҳолининг 0,26% ини, 1888 йилда - 2,85 % ни, 1911 йилга келиб эса, 8,15% ини ташкил этган¹⁶. Бу маълумотларда рақамлар сонининг ортиб бориши, яъни кўчманчи аҳоли сонининг кўпайиб боришидан дарак берса-да, XX аср бошларига келиб кўчманчи аҳоли ўртасида ярим ўтроқлашиш ёки ўтроқлашиш ҳолати кучайиб борган.

Туб вилоят Фарғона вилояти ҳам, ўзининг аҳоли зич жойлашуви ва миллий таркибининг турлича бўлганлиги билан ажралиб турган. 1897 йилги маълумотларга кўра, вилоят аҳолисини умумий сони 1.572214 киши бўлиб, шундан 54,2 % ини эркак, 45,8 % ини аёллар ташкил этган. Вилоят аҳолисининг диний таркиби ҳам, аҳоли миллий гуруҳлари турличалигини намоён этган. Мисол учун, эркак жинсдагилар мисолида 1-ўринда мусулмонлар 98,68 %, кейинги ўринда православлар 0,86 %, яҳудийлик 0,19 %, рим-католиклар 0,18 %, лютеранлар 0,04 % ва кейинги ўринларда арман-григорянлар, буддистлар ва бошқа эътиқод вакиллари турганлиги маълум бўлади.

Қисқача хулоса қилиб айтганда, XIX аср охири - XXаср бошларида Туркистон аҳолиси сони бўйича Россия империясининг мустамлакалари орасида етакчи ўринларда турган. Мустамлакачилик сиёсати негизида кўчириш сиёсатининг амалга оширилиши, вилоятлар марказида "Янги қис-

¹⁴ Нормуродова Г. Кўрсатилган асар - Б. 79-82.

¹⁵ Уша асар

¹⁶ Первая Всеобщая перепись население Российской империи 1897 г. Ферганская область. - СПб., 1905. -С.III-IV.



м"лар, рус посёлкаларининг ташкил топиши натижасида, Туркистон аҳолиси орасида сунъий кўпмиллатлиликнинг шаклланиши юз берган. Бу тарихий жараёнлар давомида Ўзбекистон аҳолисининг хилма-хил этник таркиби шаклланди, туб жой аҳоли ўзининг бағрикенглиги, мулоким табиати билан ўлкага кириб келган халқлар билан ҳамжиҳатлик ва муросалилик муносабатини олиб борди, бошқа томондан шу даврда вужудга келган йирик элатлар миллатларни шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. ЎЗР МА, И 27-фонд, 764-иш, варақлар 288 ва унинг орқаси.
2. Первая Всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Сырь-дарьинская область. - СПб., 1905.
3. Первая Всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Ферганская область. - СПб., 1905.
4. Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. - СПб., 1843.
5. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. - СПб., 1865.
6. Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. - Ташкент, 1913.
7. Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. - М.: Наука, 1975.
8. Атамирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. - Т.: Университет, 2004.
9. Центральная Азия в составе Российской империи. - СПб., 2008.
10. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси. - Тошкент "Yangi nashr", 2013.

Резюме

Мазкур мақолада Туркистон аҳолисининг миллий таркиби қисқача тарихий таҳлил этилган. Мустамлакачилик сиёсати натижасида, Ўзбекистонда сунъий кўпмиллатлилик шаклланиши ва хилма-хил этник таркиблар ёритилган.

Summary

This article provides a brief historical analysis of the national structure of the population of Turkestan. As a result of the colonial policy, the formation of artificial multinationality and revealed the difference of ethnic groups in Uzbekistan.



TADQIQOT

XIX ACR IKKINCHI YARMI - XX ACR BOSHLARIDA SAMARGAND VILOYATIDA KECHGAN DEMOGRAFIK JARAYONLARI

Зарнигор АҲМЕДОВА,
Самарқанд Давлат университети

Калит сўзлар: мустамлака даври, Самарқанд вилояти, миллий таркиб, аҳолини рўйхатга олиш, никоҳ муносабатлари.

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Ўрта Осиё минтақасида юз берган демографик жараёнларнинг хусусияти, худудга олиб борилган мустамлакачилик сиёсати, миграция, сунъий кўп миллатликнинг шаклланиши оқибатида юз берган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлди. Бунинг натижасида, ўлка сингари, Самарқанд вилоятида ҳам аҳоли динамикаси, унинг миллий, диний ва ижтимоий таркиби, оила муносабатларида муайян ўзгаришлар содир бўлди. Туркистон, хусусан Самарқанд вилояти миносида тадқиқ этилган ушбу масала, бугунги кунда тарих фанида мавжуд баъзи илмий бўшлиқларни тўлдиришига умид қиламиз.

1897 йилда Россия империяси томонидан ўтказилган Биринчи аҳолини рўйхатга олиш тадбири, Самарқанд вилоятида кечган демографик жараёнлар, хусусан аҳоли сони, миллий, ижтимоий таркиб, оила ва никоҳ муносабатларига ҳамбир мунча ойдинлик киритади. 1897 йил вилоятда аҳоли жами 860.021 минг нафар кишини (ҳар иккала жинс) ташкил этган бўлиб, шундан 472.443 (54.92 %) минг нафари эркак ва 387.578 минг нафари аёл (45.08 %) лар ташкил этган бўлса, XX аср бошларига келиб, хусусан 1905 йил охирига келиб аҳоли 1.026391 нафар кишини ташкил этган. Шундан 566639 кишини эркаклар, 459752 нафар киши аёллар ташкил этган¹ Қуйидаги жадвалда вилоят аҳолиси умумий сонга нисбатан фоизда кўрсатилган.

Т/р	Миллий таркиб	Фоиз ҳис.
1)	руслар	1,477%
2)	поляк ва литваликлар	0,137%
3)	немислар	0,024%
4)	словак ва греклар	0,001%
5)	грузинлар	0,003%
6)	арманлар	0,071%
7)	кавказнинг бошқа миллатлари	0,002%
8)	форслар	0,009%
9)	хиндлар	0,002%
10)	афгонлар	0,013%
11)	ўзбек, тожик, киргиз ва бошқа аҳоли	97,521%
12)	татарлар	0,003%
13)	лўлилар	0,037%
14)	яхудийлар	0,601%
15)	ғарбий Европалик хорижликлар	0,004%
	жами	100%

1 - жадвал.

¹ Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Самаркандская область. - СПб., 1905. - С. III; Обзор Самаркандской области за 1905. - Ташкент, 1906. - С. 33.



Аҳоли этник таркибининг турлилиги бўйича эса, агар 1888 йилда вилоятда 6 тадан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилган бўлса, 1897 йилга келиб, 17 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилган. Империянинг миллий ҳудудларидаги вакиллар- татарлар, бошқирлар, арманлар, грузинлар, литвалик ва латишлар, поляклар, молдаванлар, французлар ва италянлар, немислар ҳамда Шарқ мамлакатлари вакиллари билан бойиди².

2-жадвал

Т/р	Диний таркиб	Фоиз ҳис.
1	првославлар	1,381%
2	раскольниклар	0,091%
3	протестантлар	0,031%
4	католиклар	0,134%
5	арман-григорианлар	0,071%
6	мусулмонлар	97,683
7	яхудийлар	0,601%
8	бошқалар	0,002%
	жами	100%

Россия империясининг ўлкада олиб борган янги мустамлака бошқарув тизимининг кенгайиб бориши натижасида аҳолининг ижтимоий табақаланиш доираси кенгайиб борди, вилоят ижтимоий ҳаётида қуйидаги аҳоли қатламлари: амалдорлар, руҳонийлар, зиёлилар, савдогарлар, миллий буржуазия, деҳқонлар, ҳунармандлар, ишчилар қатлами ва бошқалардан иборат бўлди.³

Аҳоли ижтимоий муносабатлари орасида никоҳ соҳасидаги маълумотлар ҳам, маълум даражада вилоятдаги демографик жараёнларга аниқлик киритади. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида, Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон ва Хўжанд уездлари кесимида никоҳ муносабатлари қуйидагича таҳлил этилган⁴:

3-жадвал

Оилавий таркиб	Оилалилар		Бевалар		Ажрашганлар		Оилали ҳолати аниқ кўрсатилмаган		Жами	
	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл	эркак	аёл
Уезд ва шаҳарларда ёш гуруҳлари										
1	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Вилоят бўйича	193492	198681	10248	37708	119	186	1054	276	472.443	387.578
17-18 ёш.	1171	13011	22	113	2	13	28	3	24325	20909
20-29 ёш.	35086	76895	799	1416	24	91	500	23	98083	82403
30-39 ёш.	60074	55813	2060	3867	38	42	239	26	74081	60216
40-49 ёш.	47696	30421	2257	8846	38	26	105	34	52485	39533
50-59 ёш.	4890	2052	421	1943	3	-	10	13	5533	4032
60 ёшдан катта ёш.	3174	703	594	2717	2	5	11	26	3872	3469

² Нормуродова Г.Б. XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси. -Т. 2013. -Б.79.

³ Нормуродова Г. Кўрсатилган асар. - Б.83.

⁴ Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 гг.- Самарқанд, 1890. - С.444.



Демак, жадвалдан кўринадики, вилоят бўйича никоҳ муносабатларида асосий улуш оилаларга тегишли бўлиб, бунда кўп сонли оилалар 30-39, 40-49 ва 20-29 ёшдагиларни ўз ичига олади. Кейинги ўринни бевалар, оилалик ҳолати аниқ кўрсатилмаган ва ажрашганлар ташкил этади. Шу билан бирга, бу жадвалда кўрсатилган никоҳ-оила ҳолатлари асосан кўп сонли туб аҳоли улушига тўғри келади.

Вилоят маркази ҳисобланган Самарқанд шаҳри - асосий сиёсий-маъмурий ва иқтисодий марказ бўлган. Шу боис, вилоят ва унинг марказини бошқариш учун маъмурий-ҳарбий, ижтимоий-хўжалик ва бошқа вази-фалар нуқтаи назаридан аҳамиятга молик "Янги шаҳар" ёки "Рус қисм" барпо этилган. "Янги қисм" лар билан биргаликда кўчириб келинган аҳоли учун рус посёлкалари ҳам ташкил этилиб борилган, жумладан 1886 йилда вилоятга рус аҳолисини кўчириб келтириш бошланган эди. 1886 йилда дастлаб 4та посёлка, яна ўн йилдан сўнг 4 та посёлка ташкил этилади ва 1898 йилга келиб уларнинг сони 9 тага етади⁵.

Алоҳида олиб қараганда, 1905 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон уездининг 9 та посёлкасида рус оилалари сони ва таркиби қуйидагича бўлган.

4-жадвал

	Посёлкалар номи	Оилалар сони	Эркак	Аёл	Жами
1	Сретенский	165	367	296	663
2	Николаевский	30	72	56	128
3	Романовские	72	197	173	370
4	Надежденский	92	172	185	357
5	Обътованный	23	54	43	97
6	Верхне-Волинский	34	77	68	140
7	Нижне-Волинский	63	160	153	313
8	Конно-гвардийский	24	65	51	116
9	Духовский	10	23	21	44
10	Жами	513	1187	1046	2233

Ушбу жадвалдаги маълумотларни 1904йил билан солиштирганда, рус оилалари сонининг 111 тага камайганлигини кўриш мумкин, бунинг асосий сабаби янги очилган аҳоли пунктлари ҳисобидан содир бўлган ва аҳоли деҳқончилик қилиш қулай бўлган бошқа ҳудудларига кўчиб борган⁶.

Қисқача хулоса қилиб айтганда, Самарқанд вилояти Туркистон ўлкасида аҳоли сони ва зичлиги бўйича алоҳида ажралиб турган ҳудудлардан саналган. 1897 йилда илк бор ўтказилган Биринчи аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижалари, нафақат ўлка, балки Самарқанд вилоятининг аҳоли

⁶ Обзор Самаркандской области за 1900 г. - Самарканд, 1901.- С.32.

⁷ Обзор Самаркандской области за 1905.-Т.,1905. -С 35.



демографик жиҳатларига ҳам маълум даражада аниқлик киритади. Империя ҳукуматининг ўлкада олиб борган кўчириш сиёсати натижасида аҳоли этник таркибининг ўзгариши, шу жумладан, аҳоли миллий, диний таркибининг ўсишига ҳам таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, аҳоли ижтимоий табақаланишининг кучайиб бориши янги ижтимоий қатлам, гуруҳларни юзага келтирди. Янги ташкил этилган "Рус қисм" лари ва кўчириб келтирилган рус аҳолиси учун рус посёлкаларининг вужудга келиши вилоят аҳолисининг демографик манзарасини тубдан ўзгаришига олиб келди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Первая Всеобщая перепись населения Российской империи за 1897 год. Самаркандская область. - СПб., 1905. - 14 с.
2. Обзор Самаркандской области за 1905. -Т, 1906
3. Обзор Самаркандской области за 1900 . -Т, 1901
4. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири - XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси. -Т., 2013.
5. Сборник материалов для статистики Самаркандской области за 1887-1888 г. - Самарканд, 1890.

РЕЗЮМЕ

Мазкур илмий мақолада XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Самарқанд вилоятида демографик жараёнлар таҳлил қилинган. Бу жараёнлар мустамлакачиликнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий сиёсати таъсирида юз берганлиги очиб берилган. Кўчириш сиёсати, иқтисодий алоқалари натижасида миллий, диний таркиб ва никоҳ муносабатлари ёритилган.

SUMMARY

This scientific article analyzes the demographic processes that took place in the Samarkand region on the basis of colonial political, socio-economic policy in the second half of the XIX and early XX centuries. The growth national, religion structure of the population and marriage relations as a result of the resettlement policy, migration and trade relations are highlighted.





TEMURIYLAR DAVRI TARIXIY MANBALARIDA QARSHI SHAHRI TAVSIFI

Очил БЎРИЕВ,
ҚарДУ профессори.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Шарафуддин Али Яздий мазкур асарининг "Ҳазрат соҳибқирон Қаршига кел-ғони" фаслида яна қуйидагиларни таъкидлаган. "Бу сўздин ғараз ул турурким, хазрат соҳибқирон воқий бўлутурким, корвонийларни сақлаб яна ижозат берди ва алар қошига Хуросон сори отланди. Ва карвон боргондан сўнг яна қайтиб ушул ерда анча таваққуф қилиндиким, карвон Қаршига андин сўнг душман сори юз қўйиб борурга ният қилди. Ул маҳалда мулозимларидан икки икки юз қирқ уч кишидан ортиқ кишиси йўқ эрди. Ва Қаршида ўн икки минг отлиқ ва йароғлиқ, неча бек билан ултурар эдилар. Тун қайтиб Аму суйига етиб, кечада қирқ киши била ўзини сувга солиб, от билан кечтилар. Ва Хузор кентини ўртада олдиким, киши андин чиқа олмагай. Ва андин кемалар олиб нари юзга йибардиким, қолган кишилар кема билан ўтуб келдилар. Ва хос кишиларким, ул юрушда мулозаматда эрди: Суюрғатмиш Ўғлон ва Довудбекким, ўмоғи дуглат эрди ва хазрат соҳибқироннинг сингисини Қулғу Туркон ого-нинг никоҳида эрди ва Жаку Барлос ва Муаййид Арлот ким, муңда тақи хазратнинг яна сингисини Ширинбека оға анинг никоҳида эрди, Сари Буға Жалойир ва Хусайн Баходур ва Сайфуддинбекким, Нукуздин эрди ва Аббос Баходур Қипчоқ ва Оқ Буға Баходур Наймон ва Махмудшоҳ Бухорий эрди.

Андин юруб, кеча Бурдаликка еттилар. Мусабекнинг элчилари анда эрди, аларни туттилар ва ул кеча анда туруб, тонгласини отланиб йўлга кириб, кеча Фарди Кўҳна мавзъида туштилар. Тонгласини йулларни забт этиб, хар кимки сувга келур эрди ани тутуб қўймадилар. Кеча анда отланиб, саодат била Шаҳрикантда туштилар Жакубек анда айтиким: "Маслаҳат бу турурким, таваккал этиб, Мусобек бошига шабихун элтқайбиз ким, агар у эликка тушса муродимизга етарбиз". Ҳазрат соҳибқирон дедиким: "Бизнинг кишимиз оз турур. Наузу биллох, агар чашм рахми воқий бўлса, ўзга жамъ бўлмоқ мушкул турур. Сизлар мунда туриб, мен Қаршига бориб кирар ва чиқар йўларини эҳтиёт қилиб келайим". Филҳол саодат ва иқбол била отланиб Қаршига борди. Ва қалъанинг ҳаңдағига етиб тушти ва ҳаңдаққа сув солиб эрдилар ва отларни Мубашширға тобшуруб, тарнов йўлиндинким, андин шаҳар ичинда сув кирар эрди, ул эрдин тизигача сувга кириб хокрезга чиқти. Ва Абдуллоҳ анинг кейнида эрди. Чун дарвозага еттиларким, Хузор сари эрди, соҳибқирон дарвозага элик уруб маълум қилдиким дарвоза қейнида туфроқ солиб турурлар. Андин ёниб барча ерини эҳтиёт қилиб, бир паст ерини кўруб деди: Бу ерда шоту қўйса бўлур. Ва Абдуллоҳга кўрсатти ва андин отта миниб чериги сори юриди. Ва алар била ўшул кечада Қаршига келди, қирқ уч кишини от сақламоққа қўйди ва юз кишини шотулар билаким, Бурдолиғдан келтуруб эдилар, ўшул ердинким ўтуб эрдилар, аларни ўтқориб йиборди. Ва юз киши била дарвозада турди.

Ул диловарлар хокрезга чиқиб, ул ерниким, Абдуллоҳга кўрсотиб эрди, етиб шотулар қўйиб, қалъанинг устида чиқиб, дарвозага келдилар ва кимниким, дарвоза ичинда тобтилар, ўлтурдилар. Ва Дарвешбўкка банд дарвозани болгу била синдурди. Ва хазрат соҳибқирон фармонладиким, нафар тортилар.

Таваққуф қилмай қалъа ичида чошиб кирдилар ва Қаршини эли нафир унини



эшитиб,уйқудин уйғониб,хайрон қолдилар .Ҳазрат соҳибқироннинг тадбир ўқи зафар нишонасига туз келиб,қальани олдилар.Забтига машғул бўлуб ,Мусабекнинг хотуни, ўғлон-ушоқи элика тушди ,эрларни зиндонга солдилар.Ва Мусабекнинг уғли Муҳаммадбекким,кичик эрди ,элика тушиб эрди, ҳазрат буюрдиким ани қуй-сунларким, атасига боргай,ани кўрсалар черики бузулур. Муҳаммадбекким у шул кеча отасига етиб воқеани деди. Аммо аларга хеч тараддуд бўлмайди. Ва Мусабек ушул замон Малик Баҳодур қошига киши йибариб ,бу ҳолдин огоҳ қилди ва ул келиб,бир-бири билан бирикиб черикларини йиғиштируб, иттифоқ била юруб, туш эрдиким, келиб қальани олдилар, ўн икки минг киши билан, Мусабекким ,умоги тайжиют эрди,шаҳар дарвозасига ўтируб келиб туштиллар ва Малик Баҳодир қара-унос черики била Хузур дарвозасига туштиллар.

Ҳазрат соҳибқирон ўз муборак нафаси билан шаҳар дарвозасига ўлтўрди ва Сари Буғабек мулозиматида эрди. Ва Довудбек ва Муаййидбек ва Сайфуддинбек Хузур дарвозасига йабардиким ва ул дарвоза забт қилгайлар. Суйурғатмиш ўғлон ва Аббосбек ва Хусайн Баҳодур ва Оқ Буға ва ўзга бекларни мўлжалларга йибарди ва буржларни аларга тобшурди. Ва Муаййидбек ўтгуз киши билан дарвозадан чиқиб, ўзини аларга уруб, ишлар қилдиким, Рустам ва Исфандиёр қилмай турур ва олтмиш от тутуб, ҳисор ичида қийурди.

Бу маҳалда Дуррака Баҳодур давлаттек мухолифлардин юз эвуруб, шаҳарга кирди ва бисёр иноят ва шафқат кўрди. Соҳибқирон азм қилдиким, ўшул кун чиқиб душман била урушқай. Аммо Сайфуддинбекким, нужум илмидан хабардор эрди, арзадошт қилдиким, "Букун таҳаммул қилсангиз йахши турур. Тонгла чошга соат бағоят яхши бўлғуси турур". Бас, ул сўзни эшитиб,таҳаммул қилди.

Душман соридин Тезакчи Баҳодур икки юз киши билан барча қалқонлари бошларига тортиб, дарвозанинг яқинига келиб, ул кеча анда турди. Субҳ эрдиким,Оқ Буға Баҳодур ва Оқ Темур Баҳодур дарвозанинг қуфрикини солиб ,элик киши билан шаҳардан чиқиб, хабарсиз аларнинг бошларида тўктилар ва кўб киши ўлтуриб, қон дарё юриди.

Ҳазрат соҳибқирон ул қиш саодат ва иқбол билан Қаршида турди ва лутфу эхсон билан андағи улўғ,кичик ,фақир,мискин раъиятларига шафқат кўзи билан боқиб,зироатқа ва иморатқа саъйи қилди" (Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. - Т.,1997. Б. 46-49).

Араб муаррихи Ибн Арабшоҳ "Ажоиб ал-мақдур фи тарихи Таймур", (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) асарининг "Қаршига кириш вақтида ва Темур бошидан кечирган зарба ва унинг бу танглиқдан қутулиши баёни" деб номланган фаслида қуйидагиларни қайд этган: "Кунларнинг бирида Темур ўз ҳамроҳларига: - бу пайт қисмат у ва унга ўхшашлардан зарар кўриб, фасод ери улар "ҳосил"ларидан баҳра олиб яшаган эди. Бизнинг яқинимизда худонинг раҳмати ёғилур Абу Туроб ал-Нахшабийнинг шаҳри Нахшаб шаҳри бор. Бу шаҳар кўриқланиб, у баланд деворлар ичида яширингандир. Агар биз бу (шаҳар)ни эгалласак, у бизга таянч, мудофаа жойи, бошпана ва паногоҳ бўлади. Шаҳарнинг ҳокими Мусо(деган киши) бўлиб агар биз уни қўлга туширсак,молу мулкини оламиз ва ўзини ўлдирамиз. Дарҳақиқат,унинг бойликлари ,отлари ва қурол аслаҳалари бизга куч-қудрат бўлади .Натижада, шиддатдан сўнг бизга шод хуррамлик келади. Мен шаҳарга сув ўтадиган тарнов орқали қуриладиган йўлни биламан. Бу йўл ўтишга жуда қулай бўлиб, кенг ва каттадир," деди .

Темур одамлари этакларин шимардилар ва (номаълум) бир жойда отларини қолдирдилар ҳамда ўз муродларига етмоқ учун тун (қоронғиси)дан фойдаландилар. Улар шаҳар сув йулига кириб,амирнинг уйини мўлжаллаб юрдилар.Кейин қуларини кўтарганларида ўз(одамлар)ларининг қўлларини, ҳовузга дуч келдилар.Амир (эса) шаҳар ташқарисидаги боғда эди. Улар унинг қурол аслаҳа ва анжомларидан қўлга илинганини олдилар. Отларини миниб,унинг одамларини ақобирларидан учраганинини ўлдирди-лар. Уларга қарши шаҳар аҳли тўпланиб (бу тўғрида) амирга хабар юбордилар. Натижада, мадад билан амир етиб келди. Оқибатда Темур



одамлари устига очикдан -очик ва яширин (ҳар томондан) бало ёғилдики, улар ғолибларга таслим бўлишдан бошқа илож тополмадилар.

Темурнинг ҳамроҳлари унга: "Бу мажоз билан биз ўзимизни ўзимиз ҳақиқий ҳалокатга ташладик" -дедилар.

Темур деди: "Сизнинг ҳеч бир айбингиз йўқ, чунки мана шундай жангларда эр киши имтиҳон қилиниб, синалади", "Бутун ҳийла фирибингизни жамланглар, кейин саф бўлиб келинглар" ва шаҳар дарвозалари томон гўё бир кишидек бўлиб ташланиб, фурсатни қўлдан бермай, ҳеч бир иккиланмас -дан душманни янчинглар. Ўйлайманки, ҳеч нарса сизга бардош қила олмайди ва бирор (тирик) жон сизнинг олдингизга туриш беролмайди.

Темур одамлари унинг амрига амал қилдилар ва овозлари борича ҳайқиршиб шаҳар дарвозаси томон ташланиб, ўлим гирдобига чўмдилар ва шердек бўлиб душман аскарлари устига ҳужумга ёпиридилар ва челақаб қуяётган ёмғирдек, балки ундан ҳам ортиқ даражада улар устига қуйилдилар ва шаҳар дарвозасини очишга эришдилар, чунки бу ишни сабабларнинг (биринчи) сабабчиси (тангри) иродат қилди. Уларнинг олдига ҳеч бир киши бошқа кишига қарамади, ададлари ва аслаҳа анжомлари кўплиги уларга фойда бермади.

Сўнгра улар (Темур одамлари) ўз жойларига соғ-саломат қайтдилар ва ҳами-шагидек ўз ишларини давом эттирдилар. Улар атрофида дўстлари йиғилиб фасоддаги шериклари (ҳам) уларга қўшилди. Ғазабли аҳллардан яна бир гуруҳининг уларга қўшилиши натижасида уларнинг сони уч юз кишига етди. Султон ҳеч бир эътибор бермай уларга қарши арзимас кўшин юборди. Улар кўшинни тор-мор келтирдилар ва қўрғонлардан бирини эгаллаб, уни ўзлари қўлга киритган (нарса)ларини сақлайдиган қўрғонга айлантдилар" (Ибн Арабшоҳ Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) Сўз боши араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. қ.1, -Т., 1992.Б. 76-78).

Буюк Соҳибқирон Амир Темур ўз эл-юртини озод қилиш ва марказлашган давлат тузиш учун қанчадан-қанча мамлакатларни забт этиб, жасур лашкарлари билан кўплаб шаҳару қишлоқларни, тоғу тошларни ва чўлу биёбонларни кезган. Айниқса унинг куйи Қашқадарё хавзасидаги энг йирик маскан ҳисобланган Қарши шаҳрига меҳри ўзгача бўлган. Чунки Қарши Амир Темур ва унинг ота боболарининг меросий мулки эди. Ёш Темурнинг болалиги ва таҳсили ҳам Қаршида ўтган. Унинг илк севги, муҳаббати ҳам Қарши, Занжирсарой билан боғлиқ бўлган дейиш мумкин.

1346 йилда Амири Қозоғоннинг сўнгги мўғул ҳукмдори Қозонхонга зарба бериб, мўғулларни юртимизда 140 йил атрофида давом этган ҳукмронлигига чек қўйиш ва мўғул яғмосидан ҳокимиятнинг бир қисмини тортиб олиб, мустақил идора қилиш ҳам Қарши шаҳри билан узвий боғлиқ кечган. Амир Қозоғон тиклаган истиқлол яловини янада баланд кўтариш Амир Темурга насиб этганлиги тарих саҳифаларидан маълум Соҳибқироннинг Қаршини душманлардан озод қилишдаги жасорати ва шаҳардаги кенг қамровли бунёдкорлик фаолияти бениҳоя мислсиздир.

Манбаларга кўра, Амир Темур ва Амир Ҳусайн дастлаб мўғулларга қарши ҳам-корликда кураш олиб боришган ва сўнгра Балх томонга кетишган. Самарқанд сарбадорларнинг мўғуллар устидан қозонган ғалабасидан сўнг Амир Темур ўз қушинлари билан Жайхундан ўтиб яна Қарши шаҳрига келган. Темурбек харбий фаолиятининг энг қийин давларида Қарши шаҳридан мадад тошган. Машхур "Лой жанги" дан сўнг Қаршига келган. Амир Ҳусайн билан бўлган мажорода ҳам Қарши шаҳрида туриб куч йиққан ва душманни даф этган.

Муаррих Ҳофизи Абрўнинг "География" асарида ҳам Наҳшаб, Қарши шаҳарлари тавсифи берилган: "Наҳшаб", уни Насаф ҳам дейдилар, ҳозир Қарши номи билан машхур. Бу қадимий шаҳар текисликда жойлашган. У ердан тоққача Кеш томондан икки марҳала келади; бошқа томондан то Жайхунгача чўлдан иборат. Ул ноҳиятнинг суви Кеш сувининг давомидир ва у сувдан шаҳарнинг ўртасидан бир ариқ оқади. Наҳшабнинг барча қишлоқлари ана шу сувдан фойдаланади;



экин ҳам экилади. Нахшаб вилоятида бундан бошқа дарё йўқ, бу ҳам гоҳ оқади, гоҳида қуриб қолади. Айрим боғларни қудуқлар (суви)дан сугоришади. Уларнинг тегирмонларда хайвон кучи ёрдамида ун қиладилар. Мева-чева ва ноз-неъмат ул навоҳийда фаровон ва арзон. Кичик қўргони бор. Жомеъ масжид қўргоннинг ичида; подшоҳ Кебек (Кепек) нинг қабри уша ерда. Уларнинг иморатлари лойдан қурилган, фақат жомеъ масжид ва султонларнинг қабрлари пишиқ гиштдан ва коший қилинган."

Темурийлар даври энг асосий тарихий манбаларида Қарши шаҳрига оид маълумотлар ўхшаш ва баён этишда ўзига хосликлар мавжуд. Мазкур манбаларнинг ҳар қайсиси алоҳида олиб таҳлил қилинса, Қарши шаҳрининг темурийлар даври тарихи янада тўлиқ ёритилади, албатта. Темурийлар даври ёзма манбаларида қайд этилган маълумотлар тахлиладан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мўғуллар даврида Нахшабнинг асосий қўргони буздирилган бўлса-да, бироқ у XIV аср бошларида ҳам бир мунча вақт кичик шаҳар мавқеини сақлаб турган. Айни пайтда, қўргон ва сиёсий-маъмурий марказ Қарши шаҳрига кўчган. Амир Темур ҳукмдорлигида Қарши шаҳрининг қўргони қайта қурилган, мустахкамланган, шаҳар ва унинг атрофларида анча обод манзиллар пайдо бўлган (Абдураззоқ Самарқандий. Кўрсатилган асар).

1365-1366 йилнинг қишида Соҳибқирон раҳбарлигида Қаршида қалъа қуришга киришилганда дастлаб моҳир ва меъморларни тўплаб машварат ўтказган. Ва қалъа тезда бунёд этилган. Шунинг Соҳибқирон 1385-1386 йилларда Қаршида жомеъ масжиди, "Амир ҳаммоми" ҳам қурдирган. Амир Темур Қарши атрофида бозорлар, карвон саройлар, работлар, боғлар "Боғи Гулшан ёки "Гулшан боғи") барпо этилган (Қ. Насриддинов. Қарши қалъаси. Қарши, "Насаф", 2005).

Амир Темурнинг Қарши қалъасини эгаллагандан дарғазаб бўлган Амир Ҳусайн, Амир Мусо ва Амир Ўлжай қўшинлари билан бирлашиб, Қарши томон қўшин тортади. Бу пайт Соҳибқирон Хуросон шимолидаги Мохонда эди (Мохон(Мохувон)-Туркманистоннинг ҳозирги Марв шаҳри ўрнидаги қишлоқ бўлиб, 1362 йилда Темурбек ва Ҳусайн Туркман Алибек қўлида 62 кун туришган). Дастлаб Бухорони қамал қилган амир Ҳусайннинг Қаршига ҳам таҳдид солишини билган Темурбек 600 нафар кишилиқ лашкари билан Қарши томон йўл олган. Амир Ҳусайн кўшини билан жанг шиддатли тусга киради, Қарши қалъаси эса сақлаб қолинган. Амир Темурнинг мўғулларга қарши олиб борган ўн йиллик (1360-1370) кураши, Амир Ҳусайннинг қатл этилиши ҳамда унинг 1370 йил 9 апрелда Мовароуннаҳр тахтига чиқиши билан якунланган.

Соҳибқирон қўшинида Қарши шаҳридан бўлган лашкарларига доимо таянган. Улар ҳам ҳукмдорга ўзларининг садокатларини намойиш этганлар ва жангу жадалларда фидойилик курсатганлар. Масалан, ана шундай ботирлардан бири Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида зикр этилган Инок Қамарий ҳисобланган. Салоҳиддин Тошкандийнинг "Темурнома" асарида ёзилишича "Инок Қамарий Қаршилик жўмард, қиморбоз, Сароймулк хонимни мўғул хони Оқтемурухондан қутқаришда Амир Темурга яқиндан ёрдам беради. У умрининг охиригача Амир Темур билан бирга бўлади".

Амир Темур даврида Самарқанд ва Қашқадарё вохаларида хунармандчилик анча тараққий этганди. Қаршидан қўли гул меъморлар етишиб чиқишган. Самарқанддаги масжиду мадрасаларни, Оқсаройни бунёд этишда Қаршилик усталар фаол иштирок этишган. Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги касабалардан етишиб чиққан меъморлар Амир Темур давридаги пойтахт-Самарқанд шаҳрида мадрасалар, хонақоҳлар" масжидлар қуришда ҳам фаол қатнашишган.

Соҳибқироннинг опаси 1370 йилгача Қарши, Бухоро мулкларида яшаган Қутлуғ Туркон оқа қизи Шодмулкка мақбара қурганда Қаршилик меъморлар иштирок этишган. Шоҳи Зиңда мажмуасини бунёда этишда Олим Насафий ва Али Насафийлар фаол иштирок этишган ва обидадаги устунларнинг бирида уларнинг исмлари битилган. Мазкур меъморлик анъаналари асосида Косон тумани Фудина қишлоғида



Хусам ота ва Касби туманида Султон Мир Ҳайдар ота меъморлик мажмуалари барпо этилган.

Қаршилиқ ҳунармандлар Шаҳрисабздаги Оқсаройни бунёд этишда ҳам енг шимариб ишлаган. Ушбу маҳобатли обиданинг пештоқларида, равоқ, кунгираларида ва турли рангдаги нақшларида улар қўлларининг излари қолган, албатта.

Амир Темур ва ворислари даврида Қашқадарё, хусусан Қарши воҳасидан кўплаб шоирлару алло-малар етишиб чиққан. Масалан, Мавлоно Мир Қарший Хитойийни (XV асрнинг биринчи ярми) шеърийат мулкининг султони Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида ҳурмат билан тилга олган. Мавлоно Сойилий ҳам (XV аср ўрталари) Қаршида таваллуд топган бўлиб, бу аллома ижодига ҳам Алишер Навоий юксак баҳо берган эди. Табобат илми билимдони Қутбиддин Насафий ҳам Қаршида туғилган ва самарали фаолият юритган (П.Равшанов. Қарши тарихи. Т., 2006, Б. 450-456).

Демак, Қарши (Нахшаб, Насаф) Соҳибқирон таржимаи ҳолида алоҳида ўрин тутади. Мазкур шаҳарда унинг мадраса тахсиллини олганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Фарзандлари-Муҳаммад Жаҳонгир ва Тоғайшоҳ Оқа бегимнинг онаси Нурмушк (Турмуш) оқа Қарши бекларидан Жоку барлоснинг қизи эди. Темурбекининг суюкли маликаси Сароймулк хоним Қарши ғарбидаги Занжирсарой қасаба-сида таваллуд топганди.

Қарши шаҳри Темурбек жасоратининг боқий тимсолидир. У қирк нафар навқари билан ўн икки минг нафар киши қўриқлаётган шаҳар қалъасига бостириб кириб унинг рақибидан тортиб олганди. Улкан юришларининг илк босқичида шаҳар қўрғонни тиклаган, улкан ариқни таъмирлатган. Кейинчалик ҳам шаҳарда муттасил ободончиликни изчил давом эттириб, дарвозалар қурдирган, шаҳарни муҳим савдо ва қарвон йўллари билан туташтирган. У Ғарбга юришларида доимо Қаршига тўхтаб ўтган. Бир неча қиш фаслини унга яқин тўқайзорларда (Занжирсарой) атрофида ов қилиб ўтказганлиги ҳам тарихий манбаларда учрайди.

Қарши шаҳри XIV-XV асрларда ҳар томонлама юксалган. Мазкур шаҳарда қадимдан анъанавий тус олган барча соҳалардаги тараққиётга катта эътибор берилган. Кейинчалик теурийзода шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз "Бобурнома"сида Қарши шаҳрига қуйидагича таъриф берган: "...Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. Қарши мўғулча оттур, гўрхонани мўғул тили била Қарши дерлар. Голибо бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг бўлғондур. Кам-оброқ ердур, баҳори хўб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур. Самарқандтин жануб саридур, бир нима ғарбқа мойил, ўн секкиз йиғоч йўлдур. Бағриқаро йўсунлуқ қушқина бўлурким, қилқуйруқ дерлар. Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғаки қарши дерлар (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т.; "Фан" 2018.Б.54)

XVI асрдан бошлаб Шайбонийлар, Аштархонийлар сулоалари даврида Қарши шаҳрининг нуфузи тобора ортиб борган. Мана шу даврда Қаршида Кўкғумбаз жоме масжиди, Одина масжиди, Абдуллахон мадрасаси, сардоба, Чорсу савдо тимлари, ҳаммом, зиндон ва Қашқадарё кўприги каби муҳташам обидалар ва иншоотлар қурилган.

Бухоро хонлари даврида Қарши амирлик пойтахти - Бухоро шаҳридан кейин иккинчи шаҳар миқёсига кўтарилган. Қарши беклигини тахт ворислари-бўлажак амирлар бошқаришган Бу даврда шаҳар ташқариси ҳам девор билан ўраб олинган, шаҳарда кўплаб масжиду мадрасалар ва бошқа турли иншоотлар бунёд этилган.

Хулмас, буюк Амир Темур ўзининг мустақил ҳокимият учун илк юришларини шу табарруқ ва муаззам шаҳар-Қаршидан бошлаган. Темурбекининг озодлик бешиги саналган Қарши шаҳрига эътибори жуда ҳам кучли бўлган. Чунки мазкур шаҳар Соҳибқироннинг жаҳон сиёсат майдонига чиқишида знг асосий таянч бўлган қадрдон шаҳри ҳисобланган. Шу боисдан Теурийлар даври тарихий-географик манбалари муаззам Қарши шаҳрининг ўрта аср давридаги (XIV-XV асрлар) ўтмиши ва кечмишини янада теранроқ ва холисона ўрганишга яқиндан кўмаклашади.



O‘TMISH KO‘Z YUMGAN VOQEA

Азизбек НОРОВ,
ижодкор

(Охири. Давоми ўтган сонда)

- Ҳасан... шу кунгача менга бўйсунмаганларни жонидан кечиб келдим. Шарқда қаттиққўл ҳукмдор сифатида довруғ қозондим... Бу ерларда номимни эшитмаган кимса топилмайди. Шу боис, олдимда ҳатто азроил ҳам зир титрагай. Бу муболага эмас. Аммо мана бу чол...

- Ўлдир мени, ўлдир! Бу ўлимни мен кулиб қарши оламан.

- Йўқ, кўрнамак, - ҳукмдор тулкимонанд қиёфасида қабиҳ ният ялт этиб кетгандай бўлди. - Бунақаси кетмайди. Шу кунгача ҳали бирор зот шаънимни бу қадар булғамаган эди. Шундай қилайки, токи сен беқиёс қийноқ, аламдан ўлимнингни қаршилагайсан!

Ҳукмдор шундай дея "Зулматнинг сояси" лақабини олган хуфиясини ёнига имлади. Йўқлик ва мавҳумлик - тим қора зулмат қаъридан бамисоли унинг сояси пайдо бўлгандай бўлди. Тун либосига монанд унинг энгил боши қоп-қора, юзи қора мато билан ўралган, ҳеч қандай маъно мужассам бўлмаган кўзларигина ҳукмдорнинг юзига қадалганди. Ҳукмдор лабидан учган сўзлар ҳар ёнга тентирамаслиги учун бармоқларини найча қилиб, унинг қулоғига бир неча сўзни айтди. Хуфия гинг демай икки навқар ҳамроҳлигида чолни шаҳар томон етаклаб кетди...

... - Мана, Муҳаммад ака, суҳбатимиз якунланиб бормоқда, - бошловчи қаддини кўтариб, бироз тараддудланди. - Энди, сиз билан аввалги суҳбатларимизда эътиборимни тортган, мени ўйлантириб қўйган мавзуга ўтсак. Яъни ўшанда сиз "биз Навоий даражасидаги шоирни йўқотганмиз", деб айтгандингиз. Наҳотки, шундай бўлса? Бу сўзларни эшитиш нақадар даҳшатли ҳодиса бўлса, уни айтмоқлик ундан-да даҳшатли ва қатта журъат талаб этишини англаб турибман.

"Дунёда савол беришдан жуда жўн нарса бўлмаса керак, ҳар ҳолда гап бу ерда саволнинг мазмуни ва савияси борасида кетмаяпти... Доимо савол бериш мумкин, баъзида жавобни эшитиб ҳам савол беришади: масалан, "Менинг исмим Муҳаммад" деб жавоб берилса, "Ҳа, исмингиз Муҳаммадми?" дея тагин савол беришади. Иложсиз "Ҳа" дея тасдиқлаб яна жавоб берилади. Хуллас, ҳар қандай вазиятда ва ҳар қандай вақтда мудом савол бериш мумкин: "Бугун кун исиб кетди-я?", "Қизиқ, эртага об-ҳаво қанақа бўларкин?", "Нарх-наво ошиб кетдими, дейман?", "Шу кунларда касалликларнинг турлари кўпайиб кетдими-а?" Икки кўз сизга жавдираб ва синовчан қараб турса, жавоб бермай бўладими? Ҳеч қурса, оғиз жуфтлаб, "нимасини айтасиз" дейишга зўрға тил боради".

- Афсуски, Али Шаҳоний ҳақида айтарли ҳеч қандай маълумот сақланиб қолинмаган. Бироқ Мажидий номли бир маърифатпарвар инсон XII-XIII асрларда ижод қилган 60 дан ортиқ замонасининг тенгсиз шоирларини асарлари билан бирга жамлаб, "Газкират уш-шуаро" номли тўплам яратган... - Муҳаммад Акбаровичнинг қўллари беихтиёр пиёлани бўғзидан чангаллади. У буни вақтни чўзиш мақсадида қилмаган, чунки шундоғам кўрсатувни тасвирга олиш режа қилинган 20 дақиқа аллақачон ниҳояланганди, бироқ Али Шаҳоний ҳақида сўзлаш негадир олимни ҳаяжон



RUHIYAT SURATI

қучоғида қолдирди. У улуг шоирнинг тарих элагидан бут бўлиб ўтолмай қолган ижодини қўлларидан тутиб турган чойни сипқориб ичган каби англашни юрак-юракдан истарди. – ... Ана шу тўпلامда муаллиф ўз даврининг буюк сиймоси Али Шаҳонийни кўкларга кўтариб мақтайди. Аммо унинг шоҳид бўлишича, Али Шаҳоний Мажидий яшаган даврдан бир ёхуд бир ярим аср олдин ҳаёт кечирган... Шундай бўлса-да, унинг номи, ёзган газалу рубоийлари адабиёт аҳли орасида жуда машҳур бўлган экан.

– Гапингизни бўлаётганим учун узр, Муҳаммад Акбарович, – деди бошловчи ўз ҳайратини яшириб ўтирмай. – Агар Али Шаҳоний сиз таърифлагандек ўз даврининг буюк сиймоси бўлган бўлса, нега ҳозирги авлод у ҳақида ҳеч нарса билмайди?

"Мураккаб савол! Ўзинг гувоҳи бўлмаган, кўрмаган давр, воқеа-ҳодиса ҳақида гапириш, саволларга тайинли жавоб қайтариш доимо мушкул саналган. Бунда олимга ҳам, муаррихга ҳам тарихий асослар, фактлар, манбалар, таҳлилий ўрганишлар, жиддий тадқиқотлар ҳосиласи кўмакка келади, мадад бўлади. Фикрни чароғон қилиб, ўша ҳақиқатни бор бўй-бастича кўришга имкон беради. Аммо Али Шаҳоний... бу умуман бошқа масала!"

– Боя айтганимдек, қандайдир сабабларга кўра, унинг ижод намуналари бизгача етиб келмаган. Бу ачинарли, албатта., – Муҳаммад Акбарович бамисоли бўйинбоғу ёқалар исканжасида қолгандай ёқасини бироз бўшатгандай бўлди. – Ахир, халқимиз яна бир буюк шоирнинг асарларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўларди. Айтишларича, у ёзган бетакрор газаларини қоғозга туширмас, ҳатто тўплашни ҳам унчалик хушламаган экан. Шунини қўшимча қилиб айтмоқчиманки, биз уни фақат Мажидийнинг "Тазкират уш-шуаро" тўпламидаги биргина "Тил сени улуглайдур..." газали орқалигина биламиз. Ана шу биргина газали орқали унинг қанчалик даражада улуг ижодкор бўлганини англаймиз, қойил қоламиз. Шу боисдан, борди-ю унинг барча ижод намуналари бизга қадар етиб келганидами, қарабсизки, халқимиз Навоий даражасидаги яна бир ҳассос шоирнинг ижодидан баҳраманд бўларди...

... Чол ажалнинг мудҳиш сиртмоғини аллақачон бўйнида ҳис этгани учунми юз ифодаси маъно-мазмунсиз эди, унда на қаҳр-ғазаб, на илтижою тавалло зоҳир эди. Шу боис, уни қай томонга етакласалар, борар йўлига паришон назар солиб, қаршиликсиз кетаверди. Қоронғида туртила-суртила бир уй ёнида тўхташди. Юсуф Боқий ҳушини йиғиб атрофга аланглади, ижодхонаси қаршисида турганини пайқадигу кайфи учиб кетди: "Ё Раббим, бу не синоат тагин".

– Нима номақбул ишларга қўл урмоқчисиз? – гудранди Юсуф Боқий.

"Зулматнинг сояси" лом-мим демади. Улар ҳовлининг ичкари саҳнига киришди. Хуфия чолнинг ёқасидан бир қўли билан тутиб, кутубхонасига қадар судраб борди. Юсуф Боқий кучдан қолиб, қариб-қартайганди, қаршилиқ қилмоқчи бўлиб қилган ҳаракатлари ҳам зое кетди.

Хазинадаги дуру гавҳарларга, тиллаю инжуларга маҳлиё бўлган хазинабондай Юсуф Боқий "Бойликларим менинг" дея дилидан ўтказди.

Деворнинг чор томони китоб жавонлари билан қопланган кутубхонада сон-саноксиздай кўринган китоблар батартиб, бир-бирини суяб турар, худди бегона зотларнинг одимларидан чўчигандай миқ этишмас, атрофда сукунат ҳам сукут сақларди. Юсуф Боқий дераза тоқчаси томондаги жавонга ночор ва гарибона, шу билан бирга меҳр ила нигоҳ солди. Унинг нигоҳлари талпинган жавонда азиз зотларнинг нодир китобларидан ташқари, ўзининг 100 дан ортиқ газали ўрин олган тўпلامлари, рисоалари, асарлари ҳам бор эди.

"Зулматнинг сояси" чолни тагин судраб ҳовлига саҳнига чиқди. Ичкарида икки навкар қолди, улар анча маҳалгача уриниб, усталик билан Юсуф Боқий қаламига



мансуб барча китобларни ҳовли ўртасига тепаликча қилиб уйди.

Бутун сафар чоғида лом-мим демаган "Зулматнинг сояси" илк бор сўз қотди:

- Сен мияси айниган чол экансан, - у чолга қараб сўзламас, кўзлари атрофда чор атрофни кузатар, шу билан бирга, нималарнидир чамаларди. - Онҳазратимга қарши чиқиб, уни ҳақорат айладинг. Унинг зафарли одимларини келажак авлодга етказишдан бўйин товлаб, етти иқлим ҳукмдори - олампаҳоҳнинг чексиз газабига дучор бўлдинг... Унинг шафқатли ва шавкатли сояси сенга тушганда, унда паналаш ўрнига соясидан қочмоққа уриндинг.

Юсуф Боқийнинг кўзларида бутун нафрату газаби жо бўлиб, гўё бу қаҳрли ифодаси билан "Зулматнинг сояси"ни қулатишни, ер билан битта қилишни ният қилган нигоҳини ундан узиб, атрофга олазарақ боқди.

- Сен кимсан? Насл-насабинг қандай... билмайман. Бироқ шундан хабардор бўлки, менинг қаламим иштирокисиз ҳам у тарихда бешак қолажак... ёш авлод ҳам у ҳақида билар, ўқир. Аммо у тарихда золим ҳукмдор бўлиб қолажак... келажак ундан ҳазар қилгай.

"Зулматнинг сояси" заҳарханда жилмайиб қўйди. Ана шу совуқ табассумида унинг амалга оширмоқчи бўлган нияту муроди аксланиб турарди. Қани энди уни ўқий билсанг? Худонинг қаҳр-газабидан кўрқмайдиган, унинг жаннату дўзахидан беҳабар осий бандаларгина шундай жилмаяди. Чол сесканиб кетди.

- Тарих сени ҳам унутгай, Юсуф Боқий... Бу номни энди ҳеч ким тилга олмайди. Шеърларинг эса келажак қўлига етиб бормагай. Афсус, минг афсус!.. Қани навқарлар, ишга киришинглар.

Аланга - унинг дўсти йўқ, яқин биродари йўқ, у бутун сенинг ҳукмингда ёнса, ёндирса, эртага ўзганинг измида сени ёндиради. Унда хотира йўқ, унда юрак йўқ. У ярим тунда ўрмонда адашиб-улоқиб юрган, сўнг давра қуриб совуқдан жунжиккан танларни қайноқ тафтлари билан иситаяптими ёхуд ёнгин ичра қолган уйдаги дод-фарёдларни куйдираяптими, у бунинг фарқига, фаҳмига бормайди. Аланга фикрлашдан мосуво, унда тафаккур йўқ. У биргина вазифани билади, унинг яккаю ягона мақсади мавжуд - ёниш, ёндириш!

Навқарлар чолнинг кўз ўнгида уйқусиз ўтган тунларни, минг дард ичра дунёга келган ҳис-туйғуларни, соф ва самимий қалбни, минг машаққат ила банди қиланган илҳомни - китобларни ёқа бошлашди. Юсуф Боқийнинг кўзидан дув-дув тўкилаётган алам ёшлари Қашқадарёнинг ирмоқларидай икки ёноғидан оқарди... Таассуфки, бу ирмоқлар - кўз ёшлар ҳам алангани ўчиришга қодир эмас, ожиз. "Сен кимсан, Юсуф Боқий?.. Сен шеърсан! Сен ижодсан! Қара, юрак бағринг ёнаяпти, қалбинг аланга исқанжасида ўлаяпти. Танингниг бир бўлаги ёнаяпти. Сен... ёнаяпсан" У ўзини оловга отиб, шеърлари билан бирга ёниб кулга айланмоқчи бўлди. Бироқ бу ниятини фаҳмлаб турган "Зулматнинг сояси"нинг бақувват чангалидан чиқиб кета олмади. Аланга бир неча кун нон, сувсиз қолган тутқундек китобларни ютоқиб-ютоқиб ичди, чайнамай, ялмамай ютди. Оний лаҳзаларда нафсини қондирди-қўйди, китоблар Юсуф Боқийнинг орзуларидай бир уюм кулга айланди.

- Бу кунни кўрмай, жангда шаҳид бўлганим афзал эди! Ё Аллоҳ, нега менга бундай қисматни раво кўрдинг?! Нега менга истеъдод бердинг?! Бир кун келиб барча меҳнатларим кул бўлишини иложсиз кузатиб туришим учунми?! - Юсуф Боқий оғир ва дардчил нола-фигон чекарди.

- Барчасига ўзинг сабабчисан! - деди "Зулматнинг сояси" мазах қилгандай тиржайиб. - Яъниким ҳар бир ишни қилмоқдан, ҳар бир сўзни айтмоқдан аввал унинг амалини ўйлаб кўрмоқ жоиздур.



RUHIYAT SURATI

- Худонинг газабига учрашдан чўчимайсанми?
- Унинг газаби онҳазратимнинг газаби олдида не бўлибди? Мен учун олампаҳо оғзидан чиққан ҳар бир фармон ҳеч бир иккиланиш ва шубҳа-гумонсиз вожиб бўлмай... У етти иқлимнинг ҳукмдори! Магар билсанг, унинг хоҳиш-иродасиз ҳилол ҳам ботмайди, тонг ҳам отмайди.

- Сен... Аллоҳ бандаси эмассан... Сен иблиснинг гумаштасан!
"Зулматнинг сояси"нинг кулгусидан сукунат уммони юзидаги сув қалқиди.
- Сенинг барча китобларингни ёндириб, кулга айлантиргум. Бироқ мана бу газалдан ташқари.

Чолнинг ҳиссиз нигоҳи унинг қўлларига қадалди. Унинг қўлида ҳақиқатан ҳам китобининг бир саҳифаси ўзининг танасидай, мажруҳ бўлаётган руҳониятидай шал-вираб турарди. Чол жисми жонидаги бутун кучини сўнгги бор жамлаб, "Зулматнинг сояси" қўлларига ёпишмоққа интилди. Бироқ буни олдиндан пайқаган хуфия уни тегиб юборди. Эҳ, ожизлик инсонларнинг бюстига ўхшайди. Фарқи шундаки, у тирик бюст. Атрофидаги воқеаларни кўриб туради, кузатади, балки таъсирланганидан йиғлаб ҳам берар. Бироқ қўлсиз-оёқсиз ҳеч бир иш қилолмайди. Сабр-бардоши етмаса, кўзини юмиши мумкин, холос.

- Бу газалингни нега ёқиб юбормаганими биласанми? Билмайсан. Лек билишинга имкон бераман. Унинг номи менга жуда манзур бўлди: "Тил сени улуғлай-дур..." Рост. Магар онҳазратимнинг таклифига ризолик билдирганинда, шон-шуҳрат остонанга поёндоз бўларди. Келажак олдида ҳам улуғ қаҳрамон сифатида гавдаланган бўлардинг. Бироқ тилинг бу ишларнинг барчасини чилпарчин қилиб юборди. Билиб қўй! Сенинг номингни тарихдан буткул ўчираман. Мана бу гўзал ташбеҳли газалинг эса тарихда қолади, фақат Юсуф Боқийнинг газали бўлиб эмас, менинг номимда қолади... Эшитаянсанми, ҳеч замон қўлига китоб тутмаган... мен ким Али Шаҳоний энди жаҳонга машҳур шоирдир! Сенинг меҳнатинг мени улуғлади.

Юсуф Боқийнинг кўзлари ҳайратдан бақрайиб, тафаккури Али Шаҳонийнинг сўнгги сўзларини ҳазм қилолмай турганида манжанақ улоқтирган тошдай боши танасидан жудо бўлиб юмалаб кетди.

Машриқдан қуёш бош кўтара бошлаганида ҳам мағриб томондаги ҳилол ҳали ботиб улгурмаган эди... Балки, у ҳукмдорнинг ижозатига интиқдир...

... - Жуда ажойиб ва мазмунли суҳбат бўлди, - бошловчи Муҳаммад Акбаровични телевидение ҳовлисига қадар кузатиб чиқди. - Нима дейишни ҳам билмай қолдим. Лолман... Биз қанақа авлодмиз ўзи? Шундай бир буюк ва ҳассор ижодкор аждодимиз ҳақида тайинли маълумотга эга бўлмасак, билмасак... Уят, уят!..

Муҳаммад Акбаровичнинг унинг фикрига изоҳ бермади. Балки, у ҳам бошловчи билан ҳамфикрдир, у каби мулоҳаза юритаётгандир. Фақатгина хаёлидан "Таассуф! Али Шаҳонийдай ижодкор асрлар силсиласида қолиб кетса-я!" ўтказди.

- Энди унинг шахси ва ижодини кўпроқ тарғиб қилишимиз лозим. Авлодлар ўзининг Али Шаҳоний каби аждодларини билмай яшаётгани инсофдан эмас!.. Бу фожеа. Биласизми, Муҳаммад ака, шу оннинг ўзидаёқ шу мавзуда яна бир кўрсатувни тайёрлашни режалаштириб қўйдим, - жилмайди у олимда хайрихоҳлик ва қизиқувчанлик туйғуларини уйғотмоқчи бўлиб. - Бу гал бутун суҳбат Али Шаҳоний атрофида қурилади...

Улар дарвозага қадар суҳбатлашиб боришди, десак ҳам тўғри бўлмас, ҳар ҳолда бошловчининг оғзи-оғзига тегмас, олим эса уни тинглар, гоҳ-гоҳида маъқуллагандай бошини қимирлатиб қўяр, ўй-хаёллари эса қаерлардир кезиб юрар, балки асрлар саҳросида адашиб-улоқиб, улар сир тутган Али Шаҳоний жумбоғини ечмоққа тиришар, саҳрода саробга айланган ҳақиқатни излаётгандир.